

74.264.5
57(92)
н-69

М.Г. НИШОНБОЕВА



БИОЛОГИЯ
ДАРСЛАРИДА
ЭКОЛОГИК
ТАРБИЯ




74, 264, 5
57 (02)
Н - 69

М. Г. НИШОНБОЕВА

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1990



Мазкур құлланмада биология дарсларида ва дарсдан ташқары вақтда үқувчиларға экологик таълим-тарбия беріш, үннің вазифалари, үқув-тарбиявый аҳамияти, мазмуні, шакл өз усууларын ақс эттирилганды. Үнда ботаника да умумий биология бўлимларидан бир неча дарснинг методик ишланмалари берилган, шунингдек, экологияга оид ўтказиладиган амалий ишлар плани да уни ўткашиб йўллари баён қилинган.

Қўлланма ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчи:

Турдиқулов Э. О.—педагогика фанлари доктори, профессор

Н 69

Нишонбоева М. Г.

Биология дарсларида экологик тарбия. Урта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун қўлл.—Т., Уқитувчи, 1992; 104 бет.

Нишонбаева М. Г. Экологическое воспитание на уроках биологии.

ББК 74.264.5

H 4306011100—144
353 (04)—92 186—92

© «Уқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—645—01645—9

КИРИШ

Ҳозирги даврда жамият билан табиат, инсон билан атроф-муҳит ўртасидаги кўп қиррали муносабат масаласи асримизнинг энг муҳим муаммосига айланганлиги сир эмас. Инсоннинг саломатлигини сақлаш, уни озиқ-овқат, ичимлик сув билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган масалаларга айләнди. Фан-техника ривожланган ҳозирги даврда катта кучга эга бўлган инсон ўзининг хўжалик фаолияти туфайли табиатга кучли таъсир қилиб, унинг табиий мувозанатига пўтур етказди. Тупроқнинг химикиатлар билан заҳарланиши, тоза сув танқислиги, ҳавонинг ифлосланиши, табиий бойликларнинг камайиб бориши ва бошқа сабаблар оқибатида иқтисодий-ижтимоий ва маънавий муаммолар келиб чиқмоқда. Бу муаммоларнинг келиб чиқишига аҳолининг кенг табақаси экология ҳақидаги билимга эга бўлмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ҳукуматимиз экология ишини тубдан қайта қуриш зарурлиғи ҳақида бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди ва бу қарорларда аҳолининг экология ҳақидаги билимини ошириш ва уларни табиатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги давр келаётган ёш авлод фақат инсоналрга ва меҳнатга нисбатан эмас, балки табиатга нисбатан ҳам аҳлоқий муносабатда бўлишини тақозо этади. Бу эса педагоглар зиммасига жуда катта ва маъсъулиятли вазифа юклайди, чунки табиат ана шу ёшларнинг келгусидаги фаолиятига боғлиқдир.

Умумий таълим ва ҳұнар-техника мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари лойиҳасида ўқувчиларда табиий ҳодисаларни тўғри тушуниш, табиат гўзалликларини ҳис этиш ва унинг бойликларини қадрлаш уқувини ривожлантиришинг муҳимлиги таъкидланган, шунингдек, ўз ўлкаси табиатига меҳр ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладиган хўжалик юритувчиларни тарбиялаш зарурлиги уқтириб ўтилган. Демак, мактабларда таълим-тарбия жараёнини қайта қуришнинг биринчи-галдаги вазифаси унинг экологик йўналишини кучайтиришдан иборат. Бу вазифани амалга ошириш - келгусида экологик таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришни талаб қиласди. Бунинг учун мактабларда таълим ва тарбиявий ишларни шундай йўлга қўйиш керакки, табиатдан фойдаланишинг муҳим принциплари ҳар бир ўқувчидан шахсий хулқий нормасига айлансин.

Шундай қилиб, мактаб таълими доирасидаги қайта қуришнинг асосий йўналишларидан бири ўқувчиларнинг экологик таълим-тарбия жараёнини тубдан яхшилашдан иборат экан, бу ишни тўғри амалга ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур.

1. Ҳозирги кунда табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатини тўғри талқин қилишга ўргатувчи экологик билимларнинг илмийлик даражасини ошириш.

2. Вужудга келадиган экология муаммосини ўз амалий фаолияти орқали ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган ёшларни тарбиялаш.

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун мактабларда фан асосларидан мустаҳкам билим бериш билан бирга турли фанларни ўқитиш жараёнинида ўқувчиларни ҳозирги даврдаги экологик муаммоларнинг моҳиятини очиб берувчи билимлар билан қуроллантириш ва шу билимларни ўқувчиларнинг амалий фаолияти, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқdir. Ҳар бир дарсда ўқитишининг шакл ва усулларини дарснинг мақсади, мазмуни ва ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш, дарс давомида ўқувчилар фаолиятининг актив ҳолатда бўлишига эътибор бериш таълим-тарбия жараёнини янада юқори поғоналарга кўтаришга замин бўлади.

Бундай масъулияти ва мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчи шу соҳа бўйича чу-

құр билимга, педагогик маҳоратта, юксак экологик маданиятта эга бўлишини, тинимсиз изланиши, ўрганишини, ижодкор ва саҳоватли бўлишини талаб қилади. Мана шундай сифатларга эга бўлган ўқитувчигина экологик таълимнинг назарий билим ва малакасини чуқур эгаллаган, табиатдаги жараёнларнинг сир-асро-рини биладиган, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий аҳамиятини тушунадиган, ўнга нисбатан онгли муносабатда бўладиган шахсни тарбиялаши мумкин.

Юқоридаги фикрлар барча фанлар қатори биология курсини ўқитишга ҳам тааллуқлидир. Ўқувчиларга экологиядан таълим-тарбия бериш жараёнини янада юқори поғонага кўтариш янги биология программасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, бу ҳақда унда шундай дейилади: «Ўқувчиларнинг организмларнинг яшаш муҳити билан ўзаро боғлиқлiği, экологик системаларнинг тузилиши ва ишлаши, ўсимликлар ва ҳайвонлар турининг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг табиатдаги ва одам ҳаётидаги аҳамияти, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар, инсон саломатлигини сақлаш мақсадида атроф-муҳитни соғломластириш қонунлари билан ўқувчиларни таништириш, уларни экологик жиҳатдан тарбиялашга катта ёрдам беради».

Шу вақтгача экология биологиянинг муҳит билан организм ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган бўлими деб қаралган ва экологияга оид матеріаллар биология ўқитувчилари томонидан эволюцияга доир тушунчаларни ривожлантириш ва ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш учун фойдаланилган бўлса, ҳозир мактаб биология кўрсининг экологияга доир материалларининг функцияси ёнча кенгайди, яъни мактаб олдига ўқувчиларни экологияга доир билимлар системаси билан қуроллантириш ва уларнинг экологик маданиятини шакллантириш вазифасини қўйди (экологик маданият — бу табиат муҳофазаси бўйича маълум бир билим ва малакага эга бўлган, уни асраш бўйича амалий фаолиятга тайёр бўлган инсонларнинг маданиятидир).

Ўқувчилар биология дарсларида, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда тирик организмлар, уларнинг тузилиши ва функцияси, хилма-хиллиги, ҳаёти, ўзаро ва ташқи муҳитга боғлиқлiği, ўзаро муносабати, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб ўз-

аро боғланишининг моҳияти ва қонуниятлари ҳақидағи билимни эгаллайдилар ва шу асосда уларниң экологик билимлари йиғилиб, умумлашиб, системалашып боради. Лекин ўқувчиларнинг табиатга нисбатан онгли муносабатини шакллантиришда экологияга доир билимлар системасини ўзлаштиришнинг ўзи етарли бўлмай, бунинг учун албатта ўқувчиларнинг табиат қўйнидаги етарли фаолиятини кенг йўлга қўйиш зарур, яъни экскурсиялар уюштириш, фенологик кузатишлар олиб бориш, ўсимликлар ва ҳайвонларни ўстириш ва парвариш қилиш, турли хил ёзги топшириқларни бажариш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мустақил ишларни кенг миқёсда ташкил қилиш шулар жумласига киради. Мана шу тадбирларни тўғри йўлга қўйиш ўқувчиларда табиаттага масъулият билан муносабатда бўлиш малакасини ҳосил қиласди.

Мактаб биология предметининг асосий экологик билимлари системасига:

- муҳит ва муҳит факторлари;
- организмлар экологияси;
- популяциялар экологияси;
- бўсгеоценология ва ижтимоий экология каби тушунчалар киради.


Атроф-муҳит билан танишиш дарсларида бошланғич синф ўқувчилари табиий муҳит, яъни организмларнинг яшаш муҳити (ҳаво, тупроқ, сув), озиқланиш жойи, яшаш шароити, организмлар билан муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, мактаб атрофидаги дараҳтлар, буталар, ўтлар, шу ердаги ҳайвонлар билан таништирилади. Уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапириб, уларга шикаст етказмасликка, парвариш қилиш ва ғамхўр бўлишга ўргатилади. Бу эса мактабларда олиб бориладиган экологик таълим-тарбиянинг дастлабки куртаги ҳисобланади.

Биология курсининг ўсимликлар бўлимида экологик тушунчалар янада кенгайтирилади ва ривожлантирилади. Мазкур тушунчалар ўқувчиларнинг табиатшунослик дарсларидан олган экологияга доир тушунчаларнинг давоми ҳисобланади. Бу системадаги тушунчалар умумий экологик билимлар системасининг бошланғич звеноси бўлиб, асосан, абиотик факторларни ўсимлик организмлар экологиясига боғланган ҳолда ўрганишга асосланади. Бунда:

- ташки муҳит ва муҳит факторлари;

- ўсимликлар организми экологияси;
- биогеоценозлар ҳақидаги түшунчалар асосий ҳи-
собланади.

Буни схема шаклида қуидагича ифодалаш мумкин:



Ўсимликлар бўлимидаги экологик билимлар системасига киритилган ижтимоий-экологик түшунчалар қуидагилардан иборат:



Қуий синфларда ўқувчилар табиий мұхит (тупроқ, сув, ҳаво) билан анча кенгроқ таништирилганлиги сабабли, ўсимликлар бўлимидаги экологик бўлимларни асосан ташқи мұхит факторлари ҳақидаги түшунчалар ташкил қиласди. Бу анча мураккаб түшунча бўлиб, конкрет экологик факторларнинг бутун бир группасини (ёруғлик, намлық, температура, ҳаво, шамол, минерал тузлар ҳақидаги билимларни) ўз ичига олади. Факторлар ҳақидаги умумий түшунчаларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши мұхитнинг айрим факторлари ҳақидаги материалларнинг ўзлаштирилишига боғлиқ. Бу эса организм хоссаларининг шаклланиши

муҳитга боғлиқ эканлиги түғрисидаги тушунчаларни ривожлантиради. Бу билимлар орқали ўқувчилар ўсимликларнинг яшаш муҳити билан ўзаро боғлиқлиги, турларининг хилма-хиллиги, экологик системаларнинг тузилиши ва ишлаши, уларнинг табиатдаги ва одам ҳаётидаги аҳамияти, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар билан яқиндан танишадилар. Табиатда турли амалий ишлар бажариш, экекурсия ўюштириш орқали ўқувчилар ўлка табиатини ўрганадилар, уларда табиатни севиш, унинг бойликларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, фойдали меҳнат қилиш малакаси шаклланади. Маълумки, экология мұаммолари комплекс мұаммо бўлганлиги учун уни бир фани ўқитиш жараённида амалга ошириб бўлмайди, бу жараён ўқувчиларга экологияга оид билимлар системасини бериш билан амалга оширилади, уларнинг экологик билимлари бир қанча фанларни ўрганиш жараённида атрофлича шаклланиб, ривожланиб боради. Бунда табиат ва жамият, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, табиат қонуниятлари ҳақидаги илмий билимларнинг яхлит системаси таркиб топади. Табиат ҳақидаги фанлар—физика, химия, биология ва бошқаларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида дарсларни ташкил қилиш экология масалаларини мақсаддага мувофиқ ҳал қилишга қатта ёрдам беради.

Демак, мактабларда экологияга доир таълим-тарбиянинг самараси шу соҳада бериладиган билим мазмунига, унинг изчил баён этилишига, шунингдек, предметлараро боғланиш ва маҳаллийлик принципларининг түғри амалга оширилишига боғлиқ.

БИОЛОГИЯ ҚУРСИННИГ ЎСИМЛИҚЛАР БУЛИМИНИ ҮҚИТИШДА ҮҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ДОИР БИЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Экология ҳақидаги тушунча биология курси ўсимликлар бўлмининг биринчи темасидан бошлаб ривожлантирилади. «Кириш» ва «Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш» темаларида табиатнинг таркибий қисми бўлган ўсимликлар дунёси билан, уларнинг хилма-хиллиги, ер юзида тарқалишини ўрганиш каби назарий билимлар бериш билан бирга, ўқувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабат руҳини тарбиялаш, уларни шу бўлим бўйича биология кабинетида, тирик табиат бурчагида, мактаб ўқув-тажриба участкасида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан бажаришлари лозим бўлган ишлар билан таништириш орқали экологияга доир таълим-тарбияни амалга ошириш мумкин.

1- темадан бошлаб ўсимликларнинг аҳамияти тушиуниллади. Табиатдаги тирик мавжудотларнинг ҳаётини ўсимликларсиз тасаввур этиш қийин эканлиги, ўсимликлар инсон нафас оладиган ҳавони, тозалаши, дори-дармон сифатида ишлатилиши, ёзда иссиқдан, чангдан, қишида эса совуқдан, турли шовқиндан сақлаши, қишилар саломатлигини мустаҳкамлаши ҳақида, шу билан бирга ҳаётни, озиқ-овқатга ишлатиладиган, ем-хашак, қурилиш материаллари сифатида ишлатиладиган манзарали ўсимликлар ҳақида гапирилади.

«Илдиз» темасини ўтиш жараёнида ўқувчилар ўсимликларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши, илдиз системасининг тузилиши ва функциясининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги билимни эгаллайдилар. Бунда улар илдиз системасининг кучи, тармоқланиши, тупроқдан минерал моддалар ва сув ўзлаштирилиши, илдиз туклари илдизнинг ҳажмини катталаштиришини ва унинг сўриш жараёни самарасини оширишини, илдизда ўтказувчи найчаларнинг бўлиши, озиқ модда-

ларнинг тез ҳаракатданишини таъминдаши ҳақида билиб оладилар. Сўнгра ўқитувчи илдизлар ўсимликнинг бутун ҳаёти давомида тўхтовсиз ўсиши ва ўсимлик учун таянч вазифасини ҳам бажариши, илдиз системаси туфайли ўсимликлар тупроқка маҳкам ўрнашиб, кучли шамолга ҳам бардош бериши, чўйларда қум кўчишининг олдини олиши, тупроқ эрозиясидан ҳимоя қилиши ҳақида гапиради. Шу билан бирга, колхоз ва совхоз далаларидаги мактаб тажриба участкасида амалга ошириладиган асосий агротехника тадбирлари, яъни культивация, мінерал ўғитлар солиш ва ҳоказолар ўсимликлар илдизининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур шароит яратишга қаратилган ишлар эканлиги уқтириб ўтилади. Баъзи ўсимликларнинг илдизи тупроқни азот билан бойитишида муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, колхоз далаларида алмашлаб экишни жорий этиш мўл ҳосил гарови эканлиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Шунингдек, ўсимликларни қўшимча озиқлангирис мақсадида ишлатиладиган ўғитлар ҳақида ҳам гапирилади. Бунда ўғитларнинг нотўғри ишлатилиши, сақланиши ёки ерга кўп солиниши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади. Ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмай қолган минерал ўғитлар ёмғир ёғиши, суфориш натижасида ювилиб, анҳор ва кўлларга тушади, уларни ифлослантиради, уларда ўсадиган ўсимлик, яшайдиган ҳайвонларни заҳарлайди. Полиз экинларига қўп миқдорда азотли ўғитлар солиниши натижасида мевалар таъми бузилади ва уларни истеъмол қилган кишиларнинг соғлигига салбий таъсир қиласи. Бегона ўтларга қарши ишлатиладиган гербицидлар ва қишлоқ хўжалик зааркунандаларига қарши ишлатиладиган инсектицидлар секин емирилади, шамол ёрдамида узоқларга бориб, у ердаги бошқа организмларга ҳам таъсир этади. Гербицидлар ҳам, инсектицидлар ҳам заҳарли моддалар бўлиб, одам учун заарлидир.

Теманинг якунида ўқувчилар билимини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Илдизларнинг нормал ривожланиши учун қандай шароит зарур?

2. Нима учун ўсимликларни парвариш қилишда ерни юмшатиш муҳим роль ўйнайди?

3. Нима учун ўсимликларга қўп минерал ўғит солиш

мумкин эмас, ортиб қолган минерал ўғитлар нима сабдан далаларда қолдирилмаслиги керак?

4. Мана шу салбий омиллар ташқи мұхитта (табиатга) қандай таъсир күрсатади?

Темани ўтиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни ўстириш ва парвариш қилиш малакасини ҳосил қилиш учун хона ўсимликлариңи суғориш, озиқлантириш, тупроқни юмшатиши каби амалий ишларни ташкил қилиш мақсадға мувофиқидір.

«Барг» темасини ўтишда ҳам экологияга доир таълим-тарбия беришга ҳаракат қилинади. Бунда ўқувчиларга табиатны ҳимоя қилишнинг мұхим омили бўлган ҳавони ифлосланишдан сақлашда ўсимликларнинг роли ҳақида гапириш кўзда тутилади. Бунинг учун ўсимликларнинг фотосинтез жараёнидаги фаолияти очиб берилади. Ўқувчиларнинг диққати саноат корхоналаридан чиқадиган тутун, турли газлар таралашмаси, чангнинг ўсимликларга зарарига қаратилади. (Шу жойлардаги баргларнинг чангланиш даражасини аниқлашга доир амалий иш бажариш орқали темани мустаҳкамлаш мумкин.)

Баргларнинг ҳароратга таъсирини ўрганиш учун ҳам амалий иш бажариш ва дидактик материал (жадвал)дан фойдаланиш мумкин. Ана шу жадвалдан бир мисол: ёз ойда дарахтсиз жой ҳавосининг ҳарорати 50% бўлганда, дарахтли жойда 30% бўлиши акс этирилган. Демак, ўсимликлар мұхитнинг микроиқлимини ўзгартириши мумкинлиги ҳақида ўқувчиларда тасаввур ҳосил бўлади. Ўсимликлар барглари фақат ҳавонинг ҳароратига эмас, балки таркибиға ҳам таъсир қиласи. Медицина нормасига кўра, 1 м³ ҳавода 1000 дона микроб бўлса, у тоза ҳаво ҳисобланади. Нинабаргли ўрмонларнинг 1 м³ ҳавосида энг кўли билан 700 дона микроб учрайди, шунинг учун ўрмон ҳавоси энг тоза ҳаво бўлиб, бунга асосий сабаб, ўсимликлар касаллик тарқатувчи микроорганизмларни нобуд қилиш хоссасига эга бўлган махсус модда — фитонцид ажратишидир. Фитонцидлар турли касаллик тарқатувчи бактериялар ва микробларни нобуд қилиши билан бирга, кўпгина ҳашаротларни қириши ҳам аниқланган. Бундан ташқари, сербарг дарахтлар қуёш радиациясидан сақлайди.

Шундан сўнг, ўқувчиларга ҳозирги вақтда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини кўкаlamзорлаштиришда ифлос-

ланишга чидамли ўсимликларни (масалан, терак, чинор, акация, қайрәғоч ва бошқаларни) күп әкиш ҳақида гапирилади. Бунда ўқитувчи мамлакатимизда кенг тарқалган, ўқувчиларга ҳам тузилиши жиҳатдан яхши таниш бўлган терак тўғрисида тўлиқроқ маълумот беради. Теракнинг бошқа дараҳтларга нисбатан карбонат ангидридни кўпроқ ютиб, ҳавони тозалаш хусусиятига эга эканлиги қўйидаги мисоллар билан тушунтирилади. Масалан, бутун ёз давомида битта терак дараҳти 44 кг карбонат ангидрид ютса, дуб 28 кг, қаррафай 6 кг ютади. Бундан ташқари, теракнинг турли чангларни тутиб қолишдаги роли катта, чунки у бошқа дараҳтларга қараганда 20% кўп чанг зарраларини ўзида тутиб қолади, яъни 1 га ерга экилган терак бутун вегетация даврида 3400 г чангни ушлаб қолиши аниқланган. Тераклар ҳам бошқа манзарали дараҳтлар сингари атроф-муҳитнинг микроқлимига сезиларли таъсир этади, яъни қишида ҳаво ҳароратининг бирмунча юқори бўлишига, ёзда эса паст бўлишига олиб келади, шу билан бирга шамол кучини ва турли шовқинни сусайтиради. Уларнинг касаллик тарқатувчи микроорганизмларни нобуд қилиш хоссасига эга бўлган маҳесуслар — фитонцид чиқариши ҳақида ҳам гапирилади.

Бу маълумотларни бериш орқали яшил ўсимликлар кишиларнинг саломатлигини сақлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини, шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи ўз мактаби, ҳовлиси, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш ишида актив қатнашиши, кўчат ўтказиб, уларни парвариш қилиши ва шу орқали атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишига ҳисса қўшиши кераклиги тушинтирилади. Ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишларга жалб қилиш уларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, ўз ўлкаси табиатни севиш руҳида тарбиялаш, табиатни ҳимоя қилиш, табииий ресурслардан фойдаланиш бўйича ўқув малақасини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради.

«Новда» темасини ўтиш жараёнида уларнинг хилма-хиллиги, бўйига ва энисга ўсиши, ички тузилиши, озиқ моддаларнинг новда бўйлаб ҳаракатланиши ва кўтарилишига оид назарий билим бериш билан бирга, ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича қўйидаги факларга ҳам эътибор берилади:

1. Поянинг ўсимликлар ҳаётидаги ўрни.

2. Ўсимликлар поясининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

3. Пояси пишиқ ва мустаҳкам бўлган дарахтларни кўпайтириш тадбирлари.

4. Дарахтлар поясига зарар келтирувчӣ зааркунанда ҳашаротларга қарши кураш.

5. Дарахтларнинг шох-шаббаси кесилганда шу жой келгусида заарланмаслиги учун қўлланадиган тадбирлар.

Бу темани ўтишда қўйидаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Мутахассис олимларнинг ҳисобига кўра, 1 м³ ёғодан 1500 м сунъий ипак ёки 200 кг сирка кислота ё бўлмаса 200 кг қофоз, ёки 1 млн дона тугурт, ёки 300 кг картон тайёрлаш мумкин экан. Ўқувчилар республикамизда ўрмончилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилади.

«Гулли ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши» темасини ўтишда ўсимликларни ўстириш ва парвариш қилишда назарий билимларнинг аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, ўқувчилар ўсимликларни ўстириш ва парвариш қилиш усуслари билан, вегетатив кўпайтиришнинг табиатда ва қишлоқ хўжалигига энг кўп тарқалган усуслари билан таништирилади.

Бунда ўқувчилар вегетатив кўпайтириш учун зарур бўлган қўйидаги факторларни (шарт-шароитни) ҳам билиб оладилар:

1. Ўсимликларнинг кўпайиши учун озиқ моддаларнинг етарли бўлиши.

2. Пайванд қилинган жойга сув ва ҳавонинг тўхтосиз келиб туриши.

3. Ўсиш ва ривожланиш учун оптимал ҳарорат ва ёруғлик бўлиши.

«Уруғ» темасини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг экологияга доир билимини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи турли ўсимликлар уруғининг тузилиши, уларнинг таркиби, ҳар қайси тур ўсимлик уруғининг ўз вақтида, бир текис униб чиқишини таъминлаш учун уларга зарур шароит яратилиши ҳақида гапириш билан бирга, бу шароитга муҳитининг табиий факторлари — ёруғлик, иссиқлик, намликтининг кириши ва уларнинг ўсимликлар уруғининг униб чиқишига таъсири ҳақида ҳам гапириш лозим. Шунингдек, уруғларнинг униб чиқиши учун зарур шароит темаси бўйича ўтказиладиган амалий иш ҳам

ўқувчилар шу соҳадаги билимни мустаҳкам ўзлаштиришига катта ёрдам беради.

«Ўсимлик ва атроф-муҳит» темасини ўтишда экологик билимлар анча кенг берилади. Бунда ўсимликларнинг жонли ва жонсиз табиат билан ўзаро боғлиқлиги, ўсимликларнинг бирга ўсишга мослашганлиги ҳақида маълумот бериш билан бирга, уларни қўшимча озиқлантириш ва ерга ўғит солиш қоидалари, ўсимликларни ўстириш, инсон фаолиятининг ўсимликлар ва уларни яшаш муҳитига таъсири каби маълумотлардан ҳам фойдаланилади. Бу тема ўтилгач, табиатга экскурсия ўюштириш катта аҳамиятга эга. (Бундай экскурсия ҳақида кейинроқ гапирилади.)

«Епиқ уруғли ўсимликлар» бўлимидағи темаларда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг хилма-хиллиги, биологик аҳамияти, оиласаларнинг умумий характеристикиси, синфлари, уларнинг тузилишидаги фарқ ҳақида гапириш билан бирга; табиатдаги роли, турларнинг табиий омиллар билан ўзаро муносабати тўғрисидаги билим шакллантирилади. Натижада ўқувчилар фақат ўсимликларни эмас, балки улар ўсадиган муҳитни ҳам муҳофаза қилиш кераклигини билиб оладилар. Шу билан бирга ўқувчилар ўзлари яшайдиган жойда ўсадиган ўсимликларни кузатиши, уларни парвариш қилиш ишларига жалб қилиниши зарур. Булардан ташқари, ўқувчилар одам фаолиятининг гулли ўсимликлар турининг хилма-хиллигига таъсири, уларнинг ноёб турларини муҳофаза қилиш каби экологияга доир билимларни ҳам эгаллайдилар. Тема якунида «Гулли ўсимликлар турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг яшаш жойи» темасида экскурсия ўтказиш ўқувчиларнинг бу соҳадаги билими янада мустаҳкам бўлишига замин яратади.

Куйидә ўсимликлар бўлимининг кириш, гулли ўсимликлар билан умумий танишиш темаларини ўтиш методикаси, шунингдек, ўсимлик ва атроф-муҳит темаси ўтилгандан сўнг ўюштириладиган экскурсия билан ба-тафсил танишамиз:

Тема. Биология курсининг ўсимликлар бўлимига кириш

Теманинг мақсади. 1. Ўқувчиларни табиатнинг таркибий қисми бўлган ўсимликлар дунёси билан, ўсимликлар ҳақидаги фан — ботаника билан таништириш, ўсимликларнинг хилма-хиллиги, ер юзида тарқалишини ўрганиш орқали уларнинг шу фанга бўлган қизиқишини ривожлантириш.

2. Ўқувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабат руҳини тарбиялаш. Уларни ботаника фани бўйича биология кабинетида, тирик табиат бурчагида, ўқув тажриба участкасида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан бажаришлари лозим бўлган ишлар билан таништириш.

Дарсни жиҳозлаш. Янги ўсимликлардан намуналар, тайёр гербарийлар, ўқувчиларнинг яхши тутган дафтарларидан намуналар, Ҳимоя қилиниши зарур бўлган маҳаллий тур ўсимликларнинг номлари ёзилган стенд.

Дарс плани

1. Синф билан танишиш.
2. Табиат (жонли ва жонсиз) ҳақида, жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабати, ўсимликлар дунёсининг Ер юзидаги роли ҳақида ўқувчиларнинг табиатшуносликдан олган билимини эслатиш.
3. Ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги ва ер юзида тарқалиши.
4. Ботаника ўсимликлар ҳақидаги фан эканлиги ва мактаб ботаника курсининг қисқача мазмуни.
5. Табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, ўсимликларнинг табиатдаги роли ва уларни ҳимоя қилишнинг зарурлиги.
6. Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ўқувчиларнинг бажарадиган ишлари (мактабда, уйда ва табиатда).
7. Ўқувчиларга дарслик билан ишлаш қоидаларини тушунтириш.

Дарснинг мазмуни

Ўқитувчи синф билан танишгач, ўсимликларнинг хилма-хиллиги ҳақида қисқача суҳбат ўтказади ва қайси ўсимликлар ўқувчиларга таниш эканлигини аниқлайди. Шундан сўнг, дарсга олиб келинган ўсим-

ликлар (ёввойи ва маданий ўсимликлардан намуналар) морфологик томондан анализ қилинади.

Дарс давомида ўқитувчи ўз ҳикоясини сұхбат билан алмаштириб туради. Бунинг учун ўқувчиларнинг түртінчи синф табиатшунослик курсидан олған билимни (ташқи мұхит ва ўсимликларни) эсга солиш ва мустаҳкамлаш учун қуидаги саволлар берилади:

1. Табиат нима, жонли ва жонсиз табиат нималардан иборат?


2. Яшил ўсимликлар ҳәети учун қандай шароит зарур?

3. Нима учун турли табиат зоналарыда ҳар хил ўсимликлар ўсади?

Сүнгра ўқұвчиларга ботаника фаны, унинг мазмуны, ақамияти, уни ўрганиш усуллари ва шароити ҳақида гапирилади. Бу фан фақат китоб орқали ўрганилмасдан, балки доим жонли табиат билан боғлиқ ҳолда, уни кузатиш, ўсимликлар билан турли тажрибалар олиб бориш орқали амалга оширилади.

Ботаника (үт, күкат деган маңынан англатади) ўсимликлар ҳақидаги фан бўлиб, уларнинг тузилиши, хоссалари, ҳәети ва ер юзида тарқалишини ўрганади.

Табиат



Ўсимликлар жонли табиат таркибиға киради ва тирик организмларнинг барча хоссаларига эга бўлади (озиқланади, ўсади, кўпаяди, таъсирни қабул қиласи). Ҳаракатланади. Демак, ўсимликлар тирик организмлардир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлари кўрган, билган, кузатган ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши устида олиб борган кўзатишлари ҳақида, ўз ҳаётий тажрибалари ҳақида сұхбат уюштиради, сұхбатда яхши иштирок этганларни баҳолайди.

Кейин ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини кенгайтириб, умумлаштиради ва қуидагиларни қўшимча қиласи: Табиатда ўсимликлар жуда хилма-хил бўлади, ҳар хил табиий шароитда ўсади (қуруқлик ўсимликлари, доимий қор ва музликларда ўсадиган ўсимликлар, сув ўсимликлари ва ҳоказо). Ўсимликларнинг хилма-хиллиги, ўсиши ва ривожланишини, уларда борадиган жараёнларни билиш учун аввало уларнинг

ташқى ва ички тузилишини, ҳәётини ўрганиш керак. Ана шуларни билиш эса маданий ўсимликларни ўстириш, янғи навлар чиқариш, ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун ёрдам беради.

Табиатдаги тирик мавжудотларнинг ҳәётини ўсимликларсиз тасаввур этиш қийин, чунки ўсимликлар ҳам кийим-бош, ҳам озиқ-овқат, тураг жойлар, доридармон, гўзал манзара, ҳавони тозаловчи манба бўлиб ҳисобланади. Ўсимликлар дунёси табиий бойлик бўлиб, улардан оқилона, эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлиги тушунтирилади. Табиатдан оқилона фойдаланиш, уни асраш, қўриқлаш ва табиий бойликларни кўпайтириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлиб, бунга ўқувчилар ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги уқтирилади.

Ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, улардан илмий асосда оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришина таъминлаш ва инсоннинг атроф-муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Бу соҳада ўқувчиларнинг актив амалий фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар амалий фаолиятидан бири кўкаламзорлаштиришdir. Маълумки, кўкаламзорлаштириш инсоннинг ишлаши ва турмушининг санитария-гигиена шароитини яхшилайди, чунки кўкаламзор боғлар ҳавонинг ифлосланишига қарши курашдаги муҳим восита, кишилар кайфиятини яхшиловни манбадир.

Ўқувчилар кўчаларни, ҳиёбонларни, маданият ва истироҳат боғларини кўкаламзорлаштиришда актив қатнашиши зарур, чунки бу ишлар уларни ўз ўлкасининг табиатини севиш руҳидә тарбиялашга, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан ғойдаланиши бўйича ижтимоий меҳнаттага нисбатан уқув ва малакасини шакллантиришга, шу соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш ва'чукурлаштиришга, касбни онгли равишида танлашга яқиндан ёрдам беради.

Ўқувчиларни ботаника дарслиги, ундан фойдаланиш усуслари билан таништириш, уларда дарслик билан ишлаш малакасини шакллантириш зарур. Шу билан бирга биринчи дарсдаёқ, уларга ботаника дафтари тутиш тартиби ҳақида тушунтириш керак.

Ўсимликлар бўлимининг кейинги темаларини ўтиш мобайнида экологик билимлар кенгайтириб, чуқурлаштириб борилади.

Тема. Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш

1-д а р с. Ўсимликларнинг одам ҳётидаги ва табиатдаги аҳамияти

Теманинг мақсади. 1. Ўқувчиларга ўсимликларнинг табиатдаги, халқ хўжалигидаги ва инсонлар ҳётидаги аҳамиятини кўрсатиш, уларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги билимини янада бойитиш.

2. Инсон фаолиятининг ўсимликлар оламига таъсири, табиатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, ўсимликларнинг табиатда моддалар ва энергия алмашинувидаги аҳамияти. Ўқувчиларни табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш.

Дарсни жиҳозлаш. Ўсимликлар намунаси. (техник, озиқ-овқатга ишлағиладиган, ем-хашак, доривор, манзарали ва бошқа ўсимлик намуналари). СССР Қизил китобига киритилган ўсимликлар тасвирланган расмлар тўплами.

Дарс плани

1. Ўсимликларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги билимларни янада мустаҳкамлаш.
2. Ўсимликларнинг табиатдаги роли.
3. Ўсимликларнинг инсон ҳётидаги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.
4. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун ва Қизил китоб ҳақида ҳикоя.
5. Ўсимликлар оламига инсон фаолиятининг салбий ва ижобий таъсири ҳақида қисқача сўзлаб бериш.
6. Табиатга нисбатан онгли муносабат руҳини таркиб топтириш.

Дарснинг мазмуни

Ўқитувчи ўсимликларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги аввалги дарсдаги тушунчаларни давом эттириб, улар яшил ва яшил бўлмаган ўсимликларга бўлиниши ҳақида маълумот беради, уларга мисоллар келтириб, расм ва гербариylардан намуналар кўрсатади.

Шундан сўнг яшил ўсимликларнинг табиатдаги ро-
ли ҳақида қисқача тушунча беради, яъни табиатдаги
бутун тирик мавжудотнинг ҳаётини яшил ўсимликлар-
сиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги, ўсимликларнинг
табиатда моддалар ва энергия алмашинуидаги аҳа-
мияти ҳақида гапиради. Ўқитувчи ўсимликлар қаер-
ларда ва қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақида
ўқувчиларнинг табиатшунослик дарсларидағи ва шах-
сий кузатишларидағи тасаввури асосида суҳбат уюш-
тиради. Бу суҳбат давомида ўқувчилар кўпгина ўсим-
ликларнинг инсон ва ҳайвонлар томонидан озиқ-овқат
сифатида, кийим-бош хом-ашёси, қурилиш материали
сифатида ишлатилиши ҳақида билимга эга эканлиги
маълум бўлади. Ўқитувчи ана шу билимларга асосла-
ниб, кўргазма ҳуроллардан фойдаланган ҳолда қў-
шимча маълумот беради, яъни яшил ўсимликларнинг
инсон ҳаётидаги энг муҳим аҳамияти, инсон нафас
оладиган ҳавони тозалashi, дори-дармон сифатида иш-
латилиши, ёзда иссиқдан, чангдан, қишида эса совуқ-
дан, турли шовқиндан сақлаши, кишиларга эстетик
завқ бағишлиб, саломатлигини мустаҳкамлаши ҳақида
гапиради. Шу билан бирга техник, озиқ-овқатга иш-
латадиган, ем-хашак, доривор, қурилиш материаллари,
манзарали ўсимликлар намунасини кўрсатади. Техни-
ка ўсимлиги бўлган ғўза мисолида ўсимликларнинг
аҳамияти нақадар катта эканлиги ҳақида ишонч ҳосил
қилинади (пахтадан олинадиган маҳсулотлар стенди
орқали).

Сўнгра ўқитувчи ўсимликлар бебаҳо бойлик экан-
лиги, уларни муҳофаза қилиш, улардан эҳтиёткорлик
билан фойдаланиш, уларни синдириласлик, узмаслик,
босмаслик, аксинча, кўпайтириш зарурлиги ҳақида ва
бу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган иш-
лар, шу жумладан, ўқувчиларнинг ишлари, табиатни
муҳофаза қилиш ҳақида ватанимиз Қонуни, Қизил
житоб тўғрисида, ўқувчиларнинг табиатни қўриқлаш
бўйича бажаришлари лозим бўлган ижтимоий фойдали
меҳнати ҳақида гапириш керак. Бу ўринда кам учрай-
диган ёки йўқолиш хавфи бўлган ўсимлик турларининг
қонун йўли билан бутунлай ёки қисман ҳимоя қили-
ниши ҳақида, бутунлай ҳимоя қилинадиган ўсимликларни
кавлаб олиш, кўчириб ўтқазиш, юлиш мумкин
эмаслиги, қисман ҳимоя қилинадиган ўсимликларни
эса ер устки қисми (барги, пояси) нигина олишга рух-

сат этилиши, лекин бунда ер остки қисмиши (илдизи, пиёзбошчасини) шикастламаслик лозимлиги уқтириб ўтилади. Масалан, тоғ пиёзи, лола, ровоч ва бошқалар.

Ўсимликларнинг ҳавони турли чанг ва газлардан тозалашдаги роли, турли саноат ва транспорт шовқинларини сусайтириши, атмосферага маҳсус модда — фитонцидлар чиқариши, уларнинг эса турли касаллик тарқатувчи бактерияларни нобуд қилувчи хусусиятга эга эканлиги ҳақида гапиради.

Демак, ўсимликларнинг табиатдаги аҳамияти, уларнинг атроф-муҳитга ва тирик организмларга бўлган таъсири билан аниқланади. Сўнгра ўсимликларнинг эстетик аҳамияти ҳақида тушунтирилади. Бунда табиатнинг гўзаллиги, қушларнинг хушовозлиги, инсон яратган ва яратилётган барча гўзалликлар кишилар учун яратилаётганилиги ҳақида, бундан ташқари, шаҳарлар атрофида вужудга келтирилган яшил зоналар — дам олиш жойлари (масалан, Тошкент областидаги Оқтош, Чимён, Бурчмулла, Обираҳмат ва бошқадам олиш зоналари) ҳақида гапириш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан қўйидаги хулоса чиқарилади:

1. Ўсимликлар инсон учун озиқ-овқат манбаи, саноатнинг турли соҳалари учун, қурилиш ва бошқа соҳалар учун, дори-дармон тайёрлаш учун хомашё бўлиб ҳисобланади.

2. Инсон ўсимликлардан рационал фойдаланиш, кишиларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсирини олдиндан кўра билиш, уни ҳимоя қилиш ва қўпайтириш мақсадида ўсимликлар ҳаётини ўрганади.

3. Ўсимликлар кишилар учун соғлиқ ва қувонч келтиради, шунинг учун ҳам уйларга, ҳовлиларга, боғларга, кўчаларга, истироҳат боғларига, турли муассаса ва ташкилотлар қовлисига ўсимликлар экиб, уларни пárвариш қиласидилар.

Ўқувчилар экологик билим ва малакани эгаллашида, уларни атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда табиат билан бўлган алоқалари каттә аҳамиятга эга. Буни амалга ошириш учун темани якунлагач, программада таъкидланганидек, табиатга экскурсия ўтказиш зарур (шаҳар истироҳат боғларига, мактаб ўқув тажriba участкасига, колхоз далаларига). Бундай экскурсияларда ўқув-

чилар гулли ўсимликларниң хилма-хил турларини, уларнинг мева ва уруғлари тарқалишини, ўсимликлар ҳаётидаги кузги ўзгаришларни, ўсимликлар дунёси билан муҳит ўртасидаги боғланишни, шу билан бирга улар табиатда ўзини қандай тутиши кераклигини билб оладилар.

Ўсимлик ва атроф-муҳит темаларини ўтишда уларни экскурсия билан боғлаш ўқувчилар билимни янада чуқурроқ ўзлаштиришига ёрдам беради.

Экскурсиya: **Ўсимликларниң яшаш мұхитига мослашганлиги**

Экскурсиянинг мақсади. Ўсимликларниң табиий факторлар билан узвий боғлиқлиги ва ўсимлик гуруҳларининг бирға яшашга мослашганлиги ҳақида ўқувчиларниң дарсда олган назарий билимини мустаҳкамлаш.

Экскурсия бошлашдан олдин ўқитувчи унинг маршрути, мақсади, вазифалари билан ўқувчиларни таништиради ва экскурсия давомида қандай қоидаларга риоя қилиш зарурлигини уқтириб ўтади.

Экскурсияни қуйидәги план асосида олиб бориш мүмкін:

1. Ўсимлик гуруҳлари ва табиатда ўсимликларниң хилма-хиллиги ҳақида кириш сүзи.

2. Бирға ўсадиган ўсимлик гуруҳларининг асосий хусусиятлари ҳақида сұхбат (яшаш шароити, турларнинг таркиби, организмларнинг ўзаро ва миқдорий мұносабатлари, яруслилігі, организмларнинг ўзаро мұносабатининг хусусиятлари).

3. Ўқувчилар бажариши учун бериләдиган топшириқлар.

4. Күзатиши натижаларини холосалаш ва умумлаштириш.

5. Мазкур жойдаги ўсимликлар гуруҳига инсон фаолиятининг таъсири ҳақида сұхбат.

6. Холоса.

Ўқитувчи барча имкониятларни ва табиий шароитни ҳисобга олиб, экскурсия жойини танлайди (истироҳат бөғи, ўтлоқ, ҳовуз бўйи, тўқайлик ва бошқа жой). Экскурсия шу жойнинг ўсимликлари ҳақидаги сұхбат билан бошланади, ўқувчилар ўзини табиатда тутиш қоидалари билан таништирилади. Сўнг ўқувчилар 2—3 тадан груплага бўлиниб, уларга табиатда мустақил

бажаришлари учун топшириқ ёзилган карточкалар берилади.

Күйіда мана шу топшириқлардан намуна көлтирамиз.

1. 1 гектар майдоннинг манзаралы дараҳтлари сони-ни ҳисобланг.

2. Шу майдонда ўсган ўтларни ҳисобланг.

3. 1 гектар ерда эңг күп тарқалған дараҳтлар ва ўт ўсимликларни аниқланг.

4. Экскурсия ўтказилаётға жойдаги ёш ниҳолларни ҳисобланг.

5. Термометр ёрдамида дараҳтзордаги ва ундан ташқаридаги ҳаво ҳароратини аниқланг ва уларни таққосланг..

6. Дараҳтзорлардаги ва ундан ташқаридаги тупроқ-нинг намлигини аниқланг.

7. Шу ердаги ўсимликлар гурұхига инсоннинг салбий таъсирини исботловчы мисол топынг.

Бу вазифаларни группалар 20—25 минут давомида бажарадилар. Сүнгра мұстақил, бажарилған ишларнинг натижаси мұхокама қилинади. Бу экскурсия натижасыдан ўқувчилар табиатда ўсимликлар тасодиған группаланмай, балки маълум бир табиий шароитта мослашған ҳолда группаланиб қолған, деган холосага келадилар.

БИОЛОГИЯ ҚУРСИНИНГ ЎСИМЛИКЛАР БУЛИМИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭКОЛОГИЯГА ДОИР АМАЛИЙ ИШЛАРНИНГ МАЗМУНИ, ШАҚЛЫ ВА УСУЛЛАРИ

Хозиргача умумий таълим мактабларининг таълим-тарбия жараёнига экологиядан амалий ишлар ўтказиш киритилмаган. Хозирги кунда экологик таълим-тарбия қандай аҳамиятга эга экамлигini ҳисобға олған ҳолда, шунингдек, табиатта нисбатан онгли хұжалик юритувчиларни тайёрлаш мақсадида бириңчи навбатда ўқувчиларнинг экологик жиҳатдан тайёрлигини кучайтириш зарур.

Үлкә табиатини ўрганиш, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвоң турларининг хилма-хиллиги, уларнинг табиатдаги ва инсон ҳәтидаги аҳамиятини билиш, табиатни муҳофаза қилиш қонунлари билан танишиш, ўқувчиларда табиатта нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, экологик тарбиянинг асосини ташкыл этади.

Экология бўйича ўқитиладиган назарий билимларни амалий ишлар билан боғлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки табиатнинг сир-асорини мукаммал билиш, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш билан бирга, бу амалий ишлар ўқувчиларни табиатни севишга, табиат бойликларига тўғри муносабатда бўлишга, жамият учун фойдалӣ меҳнат қилишга, амалий ишларни бажаришга нисбатан қўнимка ҳосил қилишга катта ёрдам беради. Бунинг учун ўқувчилар дарсда, дарсдан ва синфдан ташқари вақтларда мактаб тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси, колхоз ва совхозларнинг дала ва фермаларида (маҳаллий шароитга қараб) амалий ишлар бажарадилар, турли кузатишлар олиб борадилар, экскурсияларга чиқадилар. Мана шу ишларни тўғри ташкил қилиш ўқувчиларга ёшлидан бошлаб экологик маданиятни сингдириш учун замин бўлади.

Биология курсини ўқитишнинг мазмуни, мақсади ва вазифаларининг ўзиға хослиги ўқитишда турли кузатишлар олиб бориш, тажрибалар қўйиш, амалий ишлар ва шу қабилардан кенг кўламда фойдаланишини тақозо этади. Бунинг учун экскурсиялар ўтказиш, фенологик кузатишлар олиб бориш, ёзги топшириқларни бажариш, ўсимликлар ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш, табиий муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, биология дарсларини кузатиш натижаси шуни кўрсатадики, синф шароитида табиат қонунларини ва ҳодисаларини ўрганиш чекланган ҳолда амалга оширилиши, бундай шароитда ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясий, экологик таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли амалга ошириб бўлмаслиги аниқланди. Шунинг учун сийфда олиб бориладиган дарслар билан бир қаторда экскурсия дарслари, мактаб тажриба участкаси ва табиатда турди амалий ишларни ўтказиш кенг йўлга қўйилса, биология ўқитишнинг сифати янада ортади ва амалий ишларга нисбатан ўқувчиларда уқув ва ғалака ҳосил бўлади.

Кўйида биология курсининг ўсимликлар бўлимидан ўтказиладиган экологияга доир амалий ишлар темалари ва уларнинг қисқача мазмуни берилган.

**Ўсимликлар бўлимидан ўтказиладиган экологияга
оид амалий ишлар плани**

Темалар	Амалий ишлар мазмуни	Ишни бажариш шакли
1. Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш	Экскурсия ўтқазилаётган жойнинг табиий шаронитини ўрганиш, унинг ўсимликларини аниқлаш, куз мавсумига хос бўлган хусусиятларни кўрсатиш. Инсонинг хўжалик фаолияти туфайли шу ерда рўй берган ўзгаришларни аниқлаш. Ўқувчиларни табиатга оғли муносабатда бўлиб, табнат муҳофазаси қондларига қатъий риоя қилишга (ўсимликларни узиш, синдириш, уларни шикастлашга йўл қўймасликка) чақириш.	Экскурсияда
2. Ўсимликларниң ҳужайравий тузилиши	Цитоплазманинг ҳаракатланишига табиий омиллардан иссиқликнинг таъсирини кузатиш (элодея ёки валлиснерия сув ўсимлиги мисолида). Бу амалий иш орқали ўқувчилар ўсимликларда ва уларнинг ҳужайрасида борадиган ҳаётий жараёнларнинг бир қатор ташқи муҳит омилларига боғлиқлигини билиб оладилар.	Дарсда
3. Илдиз	Ўқувчиларда ўсимликларни ўстириш ва парвариш қилиш малакасини ҳосил қилиш учун хона ўсимликларни сугориш, тупроқни юмшатиш, озиқлантириш каби амалий ишларни ташкил қилиш. Бунда илдизларнинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган шароит ҳисобга олинади. Салбий таъсиirlарнинг ўсимлик илдизи нормал ривожланишига бўлган таъсири ҳам аниқланади.	Дарсда
4. Новда	Новдаларнинг ривожланишига турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик, химиявий ва биологик таъсиirlарнинг натижасини кузатиш. Ўсимликларни муҳофаза қилиш. Мактаб атрофи, ҳовли, кўчаларда ўсаётган мевали ва манзарали дароxtларни кузатиш (масалан,	Дарсдан ташқари вақтда

Темалар	Амалий ишлар мазмуны	Ишни бажариш шақли
5. Барг	<p>баҳорда куртакларнинг бўртиши, гуллаши, барг чиқариши ва мева тугишини кузатиш). Хона ўсимликлари баргининг ёруғликка қарао ҳаракатланишини кузатиш. Усимликлар баргларининг ҳаво ҳароратига, уни турли заҳарли чиқиндилардан тозалашга бўлган таъсирини кузатиш. Ҳавонинг чангланиш даражасини аниқлаш. Бир хил ўсимликнинг сояда ва серкүёш жойда ўстган баргларини таққослаш. Қоқиўти баргига ёруғликнинг таъсирини аниқлаш.</p>	Дарсда
6. Гуллї ўсимликларнинг вегетатив кўпайтиши	<p>Усимликларни вегетатив кўпайтириш усуллари билан ўқувчиларни танишириш. Уларни қаламчалар тайёрлаш, пайвандлаш бўйича амалий ишларини ташкил қилиш. Бунда ўқувчилар вегетатив кўпайтириш учун зарур бўлган шартшароитни ҳам билиб оладилар. Турли гулли ўсимликлар гулининг тузилиши билан танишиш. Эфемер ўсимликларни топиб, уларга ҳарактеристика бериш. Экскурсия давомида ўтсимон гуллї ўсимликларни кўплаб узмасликка, уларни пайхон қилмасликка чақириш. Ўқувчиларнинг ўзлари яшайдиган жойлардаги муҳофаза қилинадиган нюёб ўсимлик турларини аниқлашга ўргатиш, уларни аерашва кўпайтиришда иштирок этиш.</p>	Дарсда, дарсдан ташқари вақтда
7. Гул ва мева	<p>Уруғларнинг униб чиқиши ва ривожланиши учун зарур бўлган омилларни аниқлаш мақсадида тажриба ўтказиш. Дараҳтларни уруғидан кўпайтириш бўйича тажриба олиб бориш. Уруғларнинг нафас олишини аниқлаш бўйича тажриба ўтказиш.</p>	Экскурсияда
8. Уруғ	<p>Уруғларнинг униб чиқиши ва ривожланиши учун зарур бўлган омилларни аниқлаш мақсадида тажриба ўтказиш. Дараҳтларни уруғидан кўпайтириш бўйича тажриба олиб бориш. Уруғларнинг нафас олишини аниқлаш бўйича тажриба ўтказиш.</p>	Дарсдан ташқари вақтда

Темалар	Амалий ишлар мазмуни	Ишни бажариш шакли
9. Үсимлик ва атроф-муҳит	<p>Үқувчиларда турли үсимлик уруғларини сақлаш, эквиш, парвариш қилишга иисбатан ўқув ва малака ҳосил қилиш.</p> <p>Мактаб тажриба участкасида үсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши устида тажриба олиб бориш:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) ҳар хил нормада сув бериб суғоришнинг таъсирини аниқлаш; б) ҳар хил нормада берилган ўғитларнинг таъсирини аниқлаш; в) үсимликларнинг ривожланишига ёруғликнинг таъсирини кузатиш; г) иссиқликнинг таъсирини аниқлаш; д) инсон фаолиятининг үсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини, кузатиш. <p>Шу тема бўйича экскурсия ўютириш, экскурсия ўқазијаётган жойнинг (мактаб атрофи, истироҳат бори, ўтлоқ ёки дарахтзор-ўрмон) табиий шароитини, унинг үсимликлар дунёсининг баҳор мавсумига хос бўлган ўзгаришлари устида фенологик кузатиш олиб бориш.</p> <p>Шу жойнинг ёш ниҳоллари, бута ва дарахтларини ҳисоблаш; номларини аниқлаш, уларнинг баҳорги ҳолатини кузатиш. Табиатни муҳофаза қилишининг асосий принципларини доим ёдда сақлаш руҳида тарбиялаш.</p>	<p>Дарсдан ташқари вақтда</p> <p>Экскурсияда</p>
10. Ёзги топшириқлар	Үқувчилар ўзлари яшайдиган районнинг табиий шароитини ўрганиши, атрофда бўлган ўрмон, анҳор, ҳовуз ёки бошқаларнинг схематик картасини тузиши, уларнинг ифлосланган жойини аниқлаб, тозалашга ёрдам бериш, уларнинг қирғоғида ўсадиган үсимликларни ўрганиш.	Табиатда мустақил бажарилади.

Темалар	Амалий ишлар мағымуни	Ишни бажариш шакли
11. Еңік уруғлы үсімліктер	<p>Мазкур районда күп тарқалған үсімлік турларини аниқлаш. Районнинг муҳофаза қилинадиган үсімліктерини аниқлаш, ноёб ва йүқолиш арағасындағи үсімліктер турларини, тарқалған территориясини аниқлаш, уларни муҳофаза қилишда актив иштирок этиш. Тұлиқ ва қисман муҳофаза қилинадиган маҳаллік үсімлік турлари рүйхатини түзиш.</p> <p>Төвәрак атрофда әнг күп тарқалған мевали ва манзаралы дараҳтлар турини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилишга ёрдамлашиш.</p> <p>Табиатни муҳофаза қилишнинг асосий принциптерини доим өткезу сақлаша.</p> <p>Түрли ойлаларга мансуб гулли үсімліктерни бир-биридан ажратса билиш.</p> <p>Одам фаолияттегін гулли үсімліктер турларининг хилма-хиллигі таъсирини аниқлаш.</p> <p>Гулли үсімліктер турларининг хилма-хил бўлишига табиий факторларнинг таъсирини кузатиши.</p> <p>Уларни муҳофаза қилиш ва күпайтириш.</p> <p>Хўжаликдаги аҳамияттаги кўрсатиш.</p>	
12. Қишлоқ хўжалик үсімліктери		

БИОЛОГИЯ КУРСИННИНГ ҮСІМЛІКЛАР БҮЛИМИ ДАРСЛАРИДА ПРЕДМЕТЛАРАРО БОҒЛАНИШ (ҮСІМЛІКЛАР БҮЛИМИ ВА ФИЗИКА) АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРНИ ШАҚЛАНТИРИШ

Юқорида таъкидланғанидек, ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш комплекс муаммо бўлганлиги сабабли унӣ битта фанни ўқитиш жараённанда амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун ҳар бир фанни ўқи-

тиш жараёнида мázкур фан учун хос бўлган тушунчаларни бериш билан бирга предметлараро (фанлараро) боғланиш, ўқувчиларни экологик билимлар системаси билан қороллантириш ва уни экологик тарбия билан бирга қўшиб олиб бориш зарур. Предметлараро боғланишдан фойдаланиш орқали назарий материялларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш учун курс темалари орасидаги боғланиш ва турли ўқув курсларининг ўзаро алоқаси амалга оширилади.

Хозир мактабларда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган асосий экологик таълимнинг мазмуни — табиат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига таъсири ва уларнинг бир бутунлиги моҳиятини тушуниб олиш, инсоннинг табиатга бўлган муносабатининг ижтимоий-синфий ҳамиятини англаб олиш, табиатнинг кишиларга маънавий-эстетик таъсир этишини билиб олиш, табиатни муҳофаза қилишда инсоннинг актив амалий фаолиятини тушуниб етиш кабилардан иборат бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий материаллардан унумли фойдаланиш ва предметлараро боғланишни мақсадга мувофиқ амалга ошириш зарур.

Хозирги замон табиий фанлари орасида физика етакчи ўрин / эгаллади. У ҳозирги фан-техника революцияси даврида техниканинг илмий асосини ташкил этади. Биология дарсларида, шунингдек, унинг ўсимликлар бўлимини ўқитиш жараёнида физик қонун ва тушунчалардан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг физикага доир тушунчаларини шакллантириб боришга, табиий фанлар асосларидан олган билимнинг онгли бўлишига ва уларнинг чуқур ўзлаштирилишига ёрдам беради. Бунда ўқувчиларнинг табиатшунослик ва география фанларидан олган физик ҳодисалар ҳақидаги билимига асосланилади, экологик билимларни ривожлантириш мақсадида физик тушунчалар янада кенгроқ қўлланилади. Бу билимлар келгусида ўқувчиларнинг физика курсидан оладиган экологик билимининг мустаҳкам ва чуқур бўлишига замин яратади. Мана шу асосда биология курсининг ўсимликлар бўлими дарсларида экологик билимларни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган физик тушунчаларни ўз ичига олган жадвал тузиш мумкин. У қўйидагича ифодаланади:

**Үсімліктар бўлими дарсларида физик ҳодисалар
асослариниң ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларга бериладиган
экологик билим ва унинг қисқача мазмунни**

Үсімліктар бўлимига оид темалар	Физика курсига оид темалар	Үсімліктар бўлиммининг экологияга доир билимлар мазмунни
1. Кириш	Жисм. Материя. Модда. Табиат ва инсон.	Кишилар томонидан үсімліктарнинг ишлатилиши, кишилар ҳаётida үсімліктарнинг роли. Уларнинг хилма-хиллиги тарқалиши ва ривожланиши. Салбий таъсирга қарши кураш. Таşқи мұхит омиллари ўзгаришининг үсімліктар ривожланишига таъсири. Үсімліктарни ҳимоя қилиш — ҳар бир инсоннинг мұхит вазифаси. Яшил үсімліктарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳаётининг давомийлігига таşқи мұхит факторларнинг таъсири, мева ва уруғларнинг тарқалишга мослашганлиги.
2. Гулли үсімліктар билан умумий танишиш	Температура. Еруғлик. Намлик,	Хужайра цитоплазмасининг ҳаракатланишига ҳарорат, еруғлик, намлик омилларининг таъсири. Хужайрага моддаларнинг кириши.
3. Ҳужайра	Босим. Суюқликларда диффузия, ҳароратнинг молекулалар ҳаракат тезлигига боғлиқлости.	Уруғларнинг униб чиқишига ва ривожланишига мұхиттінинг физик параметрлари ўзгаришининг таъсири.
4. Уруғ	Ҳарорат ва уни ўлчаш. Ҳавонинг намлығы.	Сирт таранглик кучи — мұхиттінинг табиий омил сифатида. Илдизнинг ўсиши, илдиз орқали тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларнинг өўрилиши. Тупроқ ва үсімліктарни қурғоқчилік ва музлашдан сақлаш йўллари. Еруғлик ва карбонат ангидрид гази яшил үсімліктарнинг яшаши учун зарур шароит. Фотосинтез жараёни, яшил баргарларда борадиган жараёнларга ҳаво ифлосланишининг таъсири. Үсімліктарнинг ривожланишига ёритиш нормаларнинг таъсири.
5. Илдиз	Табиатдаги кучлар. Оғирлик кучи. Босим. Сирт таранглик кучи.	Яшаш шароитининг, яъни ташқи мұхит омилларининг үсімліктарнинг таъсири.
6. Барг	Буғланиш. Еруғлик. Намлик. Ҳарорат.	
7. Новда	Ҳарорат. Намлик. Атмосфера босими	

Ўсимликлар бўлимига оид темалар	Физика курсига оид темалар	Ўсимликлар бўлимининг экологияга доир билимлар мазмуни
8. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши. 9. Ўсимликлар ва атроф-муҳит	Табиатдаги кучлар. Еруғлик. Ҳарорат. Намлиқ. Еруғлик. Ҳарорат. Атмосфера босими	ликлар поясининг ўсишига таъсири. Даражат ва буталар шоҳшаббасига шакл бериш. Ташқи муҳит омилларининг пайвандлашга ва пайвандланган ўсимликларга таъсири. Кишилар томонидан ўсимликларнинг тарқалиши, уларнинг эстетик аҳамияти, яшаш шароити ҳақидаги тушунчаларни умумлаштириш (муҳитнинг абиотик омиллари ҳақидаги). Яшаш муҳитининг ёмонлашуви натижасида ўсимликлар тузилиши ва ривожланишидаги салбий ўзгаришларни тушўнтиришни чуқурлаштириш. Ўсимликлар — муҳит ҳолатининг индикаторидир.

Тема. Цитоплазманинг ҳаракатланиши

Экологик тушунчаларни ривожлантириш мақсадида ҳужайра темасини ўтишда бажариладиган цитоплазманинг ҳаракатланиши амалий машғулотининг роли катта. Бу амалий машғулот орқали ўқувчилар ўсимликлар ва уларнинг ҳужайраларида борадиган ҳаётий жараёнларнинг бир қатор ташқи муҳит омилларига боғлиқ эканлигини билиб оладилар.

Ҳужайра темасидаги цитоплазманинг ҳаракатланиши амалий машғулотини ўтказишда қуйидагилардан қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Цитоплазманинг ҳарактерли хусусиятларидан бири унинг ҳаракатланишидир. Бу ҳужайра ҳаёти учун зарур бўлиб, унинг натижасида озиқ моддалар ва кислород бир ҳужайра ичидаги бўлиши, ҳужайрадан ҳужайрага ўтиши, силжиши мумкин. Цитоплазманинг ҳаракатланишига температура, ёруғлик ва муҳитнинг бошқа табиий омиллари таъсир қиласи, цитоплазманинг ҳаракатланишига ҳароратнинг таъсирини аниқлаш учун сув ўсимлиги—валлинерия ҳужайрасида тажрибалар

ўтказилган бўлиб, валлиснерия ҳужайраси цитоплазма-сининг ҳаракатланиши $1,25^{\circ}\text{C}$ да бошлангани, $38,5^{\circ}\text{C}$ да жадал ҳаракатлангани ва 45°C да эса тўхтагани аниқланган.

Демак, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида, моддаларнинг бир ҳужайрадан иккинчи ҳужайрага ўтишида цитоплазманинг ҳаракатланиши катта аҳамиятга эга.

Ташқи омиллар, иссиқлик, ёруғликнинг цитоплазма ҳаракатланишига маълум миқдорда таъсир этиши ҳам аниқланган. Масалан, элодея ҳужайраси цитоплазма-сининг ҳаракати — 10°C дан паст ва $+37^{\circ}\text{C}$ дан юқори ҳароратда бутунлай тўхтайди, $+37^{\circ}\text{C}$ да эса жадал ҳаракатланади.

Цитоплазманинг ҳаракатланиши ҳароратга боғлиқ-лигини элодея ҳужайраси цитоплазмасининг ҳаракатланишини кузатиш учун тайёрланган микропрепаратни қиздириш орқали амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади: цитоплазманинг ҳаракатини кузатиш учун элодея баргини олиб, уни буюм ойнасига томизилган сув устига қўйинг ва микроскоп остида кузатинг. Сўнгра препаратни бир оз қиздириб кузатинг, қандай ўзгариш бўлганини аниқланг. Бажарган тажрибангиз ва унинг натижаси ҳақида дафтарингизга ёзib қўйинг.

Уруғ темасини ўрганиш

Ўқувчиларнинг экологияга доир билимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, уларни қишлоқ хўжалик ишларига бўлган қизиқишини оширишда ўсимликлар бўлимидан бажариладиган амалий ишларнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, ўқувчилар билан мунтазам равишда мактаб ер участкасида, иссиқхонада турли ўсимликларнинг уруғини экиш, уларни озиқлантириш, ўстириш ва парвариш қилиш устида тажриба ўтказиш зарур.

Бу соҳада ўсимликлар бўлимидағи «Уруғ» темасини ўрганиш ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга, уруғларнинг униб чиқиши ва ривожланиши учун зарур бўлган абиотик омиллар ҳақида олган на зарий билимини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради. Бунинг учун мустақил амалий ишга жалб этиладиган синф ўқувчилари звеноларга бўлиниб, ҳар бир звенога

тегишли топшириқ берилади. Масалан: I звено — уруғларнинг униб чиқишида сувнинг аҳамиятини ўрганиши;

II звено — уруғларнинг униб чиқишида иссиқликнинг аҳамиятини ўрганиш;

III звено — уруғларнинг униб чиқишига экиш чўқурлэги ва озиқ моддаларнинг таъсирини ўрганиш;

Шу билан бирга барча звено аъзолари ҳавонинг ҳам ролини кузатадилар. Ҳар бир звено аъзолари ўз ишидан ташқари, бошқа звено аъзоларининг бажараётган иши билан танишиб, кузатиб боришлари ва кундалик дафтарга ўз звенолари, бошқа звеноларда ўтказилаётган тажрибалар, кузатишлар натижасини ёзиб боришлари айтилади.

Тажрибалар натижаси аниқлангандан сўнг, «Уруғларнинг униши учун зарур шароит» темаси ўтилади.

Тема. Уруғларнинг униб чиқиши учун зарур шароит

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларга муҳитнинг абиотик омилларидан ёруғлик, иссиқлик, намликнинг таъсири ва ҳаво, озиқ моддаларнинг аҳамияти ҳақида маълумот бериш. Табиий омилларнинг ўсимликлар учун зарур бўлган миқдори ва уларни ўлчаш ҳақида тушунча бериш.

Дарсни жиҳозлаш. Шиша банкаларда ўқувчилар томонидан ундирилган турли уруғлар (ҳар хил ҳароратда сақлаб ундирилган уруғлар, турли чиринди тупроқларда ундирилган уруғлар), ивтилмаган уруғлар, қайнатиб совитилган сувда ивтилган, аммо унмаган уруғлар.

Дарс плани

1. Ўқувчиларнинг табиатшунослик курсида олган ҳаво, сув, тупроқнинг тирик организмлар учун аҳамияти ҳақидағи билимини эсга солиш.

2. Ташқи муҳит омилларининг ўсимликлар уруғларнинг унишига таъсири ҳақидағи билимини янада бойитиш.

3. Ўтказилган тажрибага асосланган ҳолда уруғларнинг униши учун зарур шароит (ташқи муҳитнинг абиотик омиллари) ҳақида тушунтириш.

4. Уруғларнинг униши ҳақида олинган билимни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.

Дарснинг мазмуни

Ўқитувчи уруғларнинг тузилиши, таркиби тўғрисида олдинги дарсларда ўтилган темаларни яқунлаб, ҳар қайси тур ўсимлик уруғининг ўз вақтида, бир текис униб чиқишини таъминлаш учун уларга зарур шароитнинг яратилиши ҳақида гапириб, бу шароитга муҳитнинг табиий омиллари — ёруғлик, иссиқлик, намлиқ омилларининг кириши, уларнинг ўсимликлар уруғининг униб чиқишига таъсирини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба ҳақида звенолар бажарған ишларни қисқача гапиришларини сўрайди.

I звено аъзолари қўп намлика эга бўлган тупроқда, нормал намлика эга бўлган ва қуруқ тупроқда уруғларнинг униши устида олиб борган тажрибалари ҳақида гапириб беради.

II звено аъзолари иссиқликнинг аҳамиятини тушуниради. Ўлар турли даражадаги иссиқда, масалан, $+22^{\circ}$, $+25^{\circ}$, $+13^{\circ}$, $+15^{\circ}$, $+10^{\circ}$, $+12^{\circ}$ ва 0° иссиқлиқда ўндирилган уруғларни ўқувчиларга кўрсатиб, $+22^{\circ}$, $+25^{\circ}$ да сақланган уруғлар 3—4 кунда, $+13^{\circ}$, $+15^{\circ}$ да сақланган уруғлар 4—5 кунда, $+10^{\circ}$, $+12^{\circ}$ да сақланган уруғлар 7—8 кунда унгани, 0° да сақланган уруғлар эса унмагани ҳақида гапирадилар.

III звено уруғларнинг униб чиқиши учун экиш чуқурлиги ва озиқ моддаларнинг аҳамиятини гапиради.

Қўйида бу аъзоларининг ишини кенгроқ ёритамиз. Ўқувчилар иккита тувак олиб, бирига чириндили тупроқ, иккинчисига соз, унумсиз тупроқдан солиб, иккала тувакка бир ҳафта илтари 8 тадан ловия уруғи экиб, кун оралатиб сув қўйганликлари, унумсиз тупроқли тувакдаги уруғнинг 2 таси, чиринди тупроқли тувакдаги уруғнинг 7 таси униб чиққанлигини айтадилар. Кейин шу звено аъзолари аквариумдаги тупроқнинг шиша дёворига тегиб турган жойига турли чуқурликда экилган чигит уруғларини кўрсатиб, тажрибани қаҷон ва қандай шароитда ўтказганликларини ҳикоя қилиб берадилар. Аквариумдаги тупроқ 1:1 нисбатда қум, чиринди, соз тупроқ аралашмасидан иборат бўлиб, унга турли чуқурликда (2, 4, 6, 8, 10 см) чигит экилганини айтадилар. Кузатиш натижасида ўқувчилар 4—6 см чуқурликда экилган чигит тўлиқ униб чиққанлиги, 2 ва 10 см чуқурликда экилган чигит униб чиқмаганлигини гапириб берадилар ва улар чигит тупроққа жуда чуқур

Экилгани сабабли ҳаво етишмаганлыги учун униб чиқишига нормал шароит бўлмаган, деган хуносага келадилар.

Сұхбат давомида ўқувчилар уруғларнинг униб чиқиши учун иссиқлик, намлик, ҳаво зарурлигини ва уларнинг аҳамияти жуда катта эканлигини билиб оладилар.

Ўтказилган амалий ишдан ўқувчилар қандай хулоса чиқарганини аниқлаш мақсадида уларга қуидаги саволларни бериш мумкин:

1. Қайнатиб совитилган сув солинган идишда ивтилган уруғ билан ариқ суви солиб ивтилган уруғда қандай ўзгариш бўлганини кузатдингиз?
2. Нима сабабдан қайнатилган сувда уруғлар унмаган?
3. Нима учун иккита тувакка экилган уруғларнинг бири унган, иккинчиси унмаган?
4. Уруғлар бўртганда уларнинг ҳажми ва массаси неча баравар ортди?
5. Уруғларнинг пўсти сув ўтказмаса, улар қандай бўртади?
6. Бўртишнинг биологик аҳамияти нимадан иборат?

Ўқитувчи темани якунлашдан олдин қуидагиларни қўшимча қилиши мумкин: Демак, уруғларнинг униб чиқиши учун уларга зарур бўлган барча шароит бўлиши, шу билан бирга уруғлар тўла етилган, яъни соғлом, сифатли бўлиши керак. Сифатли ўруғлар учун ҳарорат, намлик, ҳаво каби омиллар етарли бўлса, яъни улар қулай шароитга тушса, ҳужайралари таркибидаги крахмал, оқсил моддалар сувни шимиб олиши натижасида уруғлар бўрта бошлайди. Уруғ қандай қилиб сувни тортиб олади? Уруғ тупроқдаги намни шимиш кучи ҳисобига тортиб олади, уруғнинг ҳажми катталашади, натижада унда тарангловчи куч ҳосил бўлади. Бу куч уруғларнинг пўстини ёриб, ўсимталағнинг тупроқ юзасига чиқишига ёрдам беради. Уруғларнинг униб чиқиши учун сув ўсимликнинг турига мос маълум миқдорда бўлиши керак. Агар нам керагидан ортиқ бўлса, у зарап келтириши мумкин, чунки буида уруғнинг нафас олиши учун зарур бўлган ҳаво етишмайди. Унаётган уруғ учун ҳаво ҳам жуда зарур. Агар сув шимиб бўртган уруққа ҳаво кириб турмаса, у чириб кетади, қайнаган сувга солиб қўйилган уруғ бўртган, лекин униб чиқмаган, чунки қайнаган сувда ҳаво бўл-

майди. Агар уруғлар юмшатилмаган (жуда зич) тупроққа әкілса, жуда секин униб чиқади ёки бутунлай чиқмайди (бундай тупроқда ҳаво кам бўлади). Уруғларнинг униб чиқиши учун сув ва ҳаводан ташқари, иссиқлик ҳам зарур эканлигини тажрибада кўрдик. Турли ўсимликлар уруғининг униши учун ҳар хил миқдорда иссиқлик талаб этилади. Иссиқликнинг кам ёки кўп бўлиши уруғлар тез ёки секин унишини белгилайди. Паст ҳароратда униш белгилари кўрина бошласа, ҳарорат кўтарилигандага униш жараёни тезлашади, ундан ошганда эса униш секинлашади. Масалан, нўхат дони $1-2^{\circ}\text{C}$ да 20 кунда, $9-10^{\circ}\text{C}$ да 8 кунда, кунга боқар $5-6^{\circ}\text{C}$ да 9 кунда, $9-10^{\circ}\text{C}$ да 5 кунда униб чиқади.

Иссиқликнинг нормал бўлиши фақат уруғларнинг унишига таъсир этмайди, балки уларнинг ривожланишига, мева тувишига ва ҳосил тўплашига ҳам катта таъсир кўрсатади. Кўпчилик ўсимликларнинг уруғи ёруғда ҳам, қоронғида ҳам нормал униб чиқади, баъзи бир уруғларнинг унишини тезлатиш учун уларга ёруғлик таъсир эттирилади. Масалан, пиёз, сабзи ўсимликларининг уруғига ёруғлик таъсир эттирилса, униши тезлашади.

Уруғларнинг унишини тезлатиш мәқсадида уларга турли озиқ моддалар солинади, уруғларни қиздириш, скарификация — қум қўшиб ишқалаш каби ўсуллар қўлланилади. Олма, нок уруғи, олхўри данаги скарификация қилинса, тезроқ униб чиқади. Бу усулларнинг қўлланилиши натижасида фақат уруғларнинг униши тезлашмайди, балки экинлар ҳосили ҳам ортади.

Тема. Уруғларнинг нафас олиши

Яшил ўсимликларнинг ҳар бир ҳужайраси нафас олади. Ўсимлик нафас олганда энергия ажралиши ва бу энергия органик моддалар ҳосил бўлиши, цитоплазма структурасининг сақланиб туриши ҳамда ҳужайрадаги моддаларнинг тўхтовсиз янгиланиб туриши, ўсиш, янги ҳужайра ва органлар вужудга келишига боғлиқ бўлған турли ҳаётий реакцияларга сарфланади, яна бу энергия моддалар ўсимлик танасида ҳаракатланиши учун ҳам зарур.


Мазкур темани ўтишда ҳам уруғларнинг униб чиқиши учун зарур шароит темасини ўтишдан олдин ўtkазилган тажрибага ўхшаш машғулот ўtkазиш ке-

рак. Бунинг учун ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига қуидаги тажрибани ўтказадилар.

Нафас олиш жараёнида ўсимликлар кислородни ютишини кўрсатиш учун шиша банка олиб, унинг ярмигача ундирилган уруғ солинади. Бирмунча вақтдан кейин банкага ёниб турган чўп туширилса, аланга ўчади, чунки банкада алланганинг ёниши учун кислород йўқ. Уруғдан ажралаётган газни аниқлаш учун найнинг учини оҳакли сувга туширилади, оҳакли сувнинг лойқаланишидан ажралаётган газ карбонат ангирид эканлигини билиб олиш мумкин. Ажралиб чиқаётган иссиқлик эса термометр ёрдамида ўлчанади. Банка деворида сув томчилари ҳосил бўлиши уруғлар нафас олганда сув буғлари ҳам ажралишини кўрсатади.

Шундан сўнг, ўқитувчи ўтказилган тажрибага асосланган ҳолда уруғларнинг нафас олиши темасини ўтади.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларга уруғлар ҳам тирик мавжудот эканлиги ҳақида тушунча бериш, уларнинг нафас олиш жараёнини тушунтириш (тажриба асосида) ва нафас олиш жараёнига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳақида гапириш.



1-расм. Уруғларнинг нафас олиши.

Дарсни жиҳозлаш. Ундирилган уруғлар, оҳакли сув, пробирка-
лар, штатив, пробкалар, термометр, колба, гутурт ва бошқалар.

Дарс плани

1. Ҳавонинг таркиби, кислород ва карбонат анги-
дриднинг хоссалари тўғрисида табиатшунослик курси-
дан олинган билимларни эсга солиш.
2. Ўқувчиларнинг уруғларнинг нафас олиши ҳақи-
даги билимини аниқлаш.
3. Унаётган уруғларнинг нафас олиш жараёнини
тажриба асосида тушунтириш ва унни мустаҳкамлаш.
4. Уруғларнинг нафас олишига ташқи муҳит омил-
ларининг таъсирини ва бунда ҳаво таркиби ўзгариши-
нинг таъсирини кўрсатиш.

Дарснинг мазмуни

Ўқитувчи ўқувчиларнинг табиатшунослик курсининг «Ҳаво» темасидаги ҳавонинг таркиби, кислород ва карбонат ангириднинг хоссалари ҳақида билимини эслатади. Сўнгра ўқувчиларга нафас олиш жараёни барча тирик организмлар учун хос эканлиги, одам ва ҳайвонларнинг нафас олиш жараёни ҳам уруғларнинг нафас олиш жараёнига ўхшашлиги тушунтирилади. Бунинг учун бажарилган тажриба ўқувчилардан сўра-
лади. Ўқувчилар ўтказилгац тажрибадан уруғлар ҳам худди инсон каби нафас олади, улар нафас олганда кислород ютиб, нафас чиқарганда карбонат ангирид ажратади, барча тирик организм нафас олади, демак, уруғлар ҳам тирик экан, деган холосага келадилар.

Ўқитувчи юқоридаги маълумотларга яна қўйидаги-
ларни қўшимча қилиши мумкин: барча тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари нафас олиш билан чамбарчас боғланган бўлиб, нафас олиш жараёни тўхтаса, организм нобуд бўлади. Барча тирик организмлар қатори ўсимликлар, шу жумладан, уруғлар ҳам тирик бўлиб, уларнинг нафас олиши учун тоза ҳаво зарур, ҳаво кириб турмаса, улар яшай олмайди, яъни ривожланмайди. Уруғлар нафас олганда ҳаводан кислород ютиб, нафас чиқарганда карбонат ангирид ажратади. Нафас олиш жараёнининг тез ёки секин бориши ташқи муҳит омилларига боғлиқ. Нафас олишга муҳитнинг ҳарорати катта таъсир кўрсатади. Барча тирик организмлар каби уруғларда ҳам нафас олиш ҳароратнинг ўзгаришига қараб ўзгаради. Ҳарорат кўтарилиши билан

нафас олиш жараёнининг интенсивлиги ортади, паса-
йиши билан эса камаяди. Нафас олиш интенсивлиги
тахминан 40°C гача ортади, 50 градусга боргандаги
жайра цитоплазмасидаги ҳаётий жараёнлар тўхтайди,
натижада нафас олиш ҳам тезда секинлашади.

Паст ҳароратда нафас олиш жуда ҳам суст боради.
Дараҳтларнинг куртаклари, уруғлар совуқ шароитда
ҳам нафас олади, лекин нафас олиш жуда секин бора-
ди. Ўсимликларнинг нафас олиши учун ҳаво таркиби-
даги кислороднинг нормал ҳолда бўлиши асосий ша-
роитлардан бири ҳисобланади. Атмосфера ҳавоси
ҳажмининг 21% ни кислород ташкил этиб, бу ўсимлик-
нинг нафас олиши нормал бўлишини таъминлайди.
Ҳаво таркибининг турли заҳарли моддалар билан иф-
лосланиши ўсимликларнинг нафас олишига салбий таъ-
сири этади, натижада уларнинг ўсиш ва ривожланиш
жараёни секинлашади ёки бутунлай тўхтайди. Нафас
олиш жараёнига ёруғлик ҳам таъсири этади. Ёруғда
ўсимликларнинг фотосинтез жараёни интенсив боради,
яъни ёруғда улар ҳаводан карбонат ангидрид гази
ютиб, тупроқдан сув шимиб, органик моддалар син-
тезлайди, ҳавога кислород ажратади. Бу жараённинг
жадал бориши нафас олишнинг тезлашишига сабаб
бўлади, чунки фотосинтез жараёни натижасида ҳосил
бўлган модданинг миқдори ортади. Қоронфида сақлан-
ган уруғларда фотосинтез жараёни секинлашади, бу-
нинг натижасида ҳосил бўлган модданинг камайиши,
ҳисобига нафас олиш ҳам секинлашади. Уруғларнинг
нафас олиши тез ёки секин бориши улар таркибидаги
сувнинг миқдорига ҳам боғлиқ. Масалан, арпа тарки-
бидаги 10—12% сув бўлса, бир суткада нафас олганда
ажралган карбонат ангидрид 0,3—0,4 мг ни ташкил
этади. Таркибидаги сув 14—15% гача ортса, нафас
олиш 3—4 баравар ортади. Сув миқдори 33% гача ет-
са, карбонат ангидрид миқдори 2 г бўлади, яъни на-
фас олиш тахминан ўн минг марта ортади.

Ўсимликлардан олинадиган ҳосилнинг мўл ва сифат-
ли бўлишида экиладиган уруғларни яхши сақлаш му-
ҳим аҳамиятга эга. Юқорида биз уруғлар сув шимиб
бўртса, ундан нафас олиш жараёни кучайишини,
бунинг натижасида сув ва иссиқлик ажралишини кўр-
дик. Уларнинг ҳаммаси уруғларнинг бузилишига олиб
келади. Шунинг учун сақланадиган уруғлар маълум
кондициягача қуритилади ва маҳсус элеваторларда

сақланади. Уларда уруғларни бир нече йиллаб сақлаш мумкин.

Демак, уруғларни яхши сақлаш учун уларнинг нафас олишини пасайтириш зарур. Ҳозирги вақтда уруғларни яхши сақлаш учун түрли усуллардан фойдаланилади, яъни уларга ҳар хил моддалар билан ишлов берилади ва нурлантирилади.

БИОЛОГИЯ КУРСИННИГ ЎСИМЛИҚЛАР БУЛИМИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭКОЛОГИЯГА ОИД ДАРСДАН ТАШҚАРИ АМАЛИЙ ИШЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Амалий ишлар бўйича уқув ва малакани шакллантириш учун ўқувчилар билан мунтазам равишда турли хил мустақил ишларни бажариш, хилма-хил тажриба қўйиш, табиатда кузатиш олиб бориш зарур. Қўйида ўқувчиларнинг экология соҳасида дарсдан ташқари вақтда бажариши лозим бўлган амалий ишлардан намуна келтирилади.

Сояда ва серқуёш жойда ўсган бир хил ўсимликларнинг баргларини таққослаш

Дарсни жиҳозлаш. Үрик, олма ёки бошқа дараҳт баргларидан намуналар.

Ишни бажариш. Сояда ва серқуёш жойда ўсган дараҳтлар баргининг ташқи кўринишини кузатиш ва таққослаш, барг томирларининг ривожланиш даражасига, унинг қалинлиги ва рангига аҳамият бериш. Шу баргларни кўндалангига кесиш ва микроскопда барг пластинкаларининг қалинлигини, эпидермис, кутикула, механик ва ўтказувчи тўқималарнинг ривожланиш даражасини аниқлаш.

Турли экологик шароитда ўсган бир турга мансуб ўсимликларнинг ривожланишини таққослаш

Дарсни жиҳозлаш. Турли биотоплардан (автомобиллар қатнайдиган йўл четидаги зичлашган тупроқ ва соя жойдаги юмшоқ, ғовакердан) олинган қоқиёт (ёки зултурум) намуналари.

Ишни бажариш. Турли биотоплардан олинган бир турга мансуб ўсимликларни (қоқиёт) таққослаш, уларнинг ер остки ва ер устки қисмлари тузилишини чизиш, бунда уларнинг ўлчамларига аҳамият бериш ва қўйида берилган таблицани тўлдириш.



2-расм. Түрли биотоплардан олинган қоқиұт намунасы:
1—серқүәш жойда зич тупроқлы ерда үсганса қоқиұт; 2—соя жойда юмшоқ ерда үсганса қоқиұт.

Соя жойдаги юмшоқ ердаға серқүәш жойдаги зичлашған тупроқлы ерда үсганса үсимликтарнинг (қоқиұтнинг) үзига хос белгилари

Органдары	Соя жойда үсганса үсимликтарнинг хусусиятлари	Серқүәш жойда үсганса үсимликтарнинг хусусиятлари
1. Илдіз системаси		
2. Пояси		
3. Барғи		

Үсимликтарнинг үсиши ва ривожланишига намликтарнинг таъсири

Тажриба үтказиш учун З қисм ҳосилдор тупроқ, ва 1 қисм құм аралашмасидан 0,5 м баланд тепалик ясалади. (Нам тупроқ остига сүрилиб кетмаслиги үчүн тепалик тағига полиэтилен плёнка қўйишини унутманг.) Сўнгра зубтурум ёки қоқиұт ё бўлмаса яйлов бедасини баландликнинг юқорисига, ўрта қисмига ва пастига

ўтқазинг. Ўсимликлар устидаги кузатишларингизни жуидаги жадвалга ёзинг.

Тажриба вариантылари	Кузатиш вақти	Ўсимликнинг ҳолати	Ғунча пайдо бўлиши	Гуллаши	Меваси
1. Тепалик юқорисидаги ўсимлик (намлиги кам)					
2. Тепаликнинг ўрта қисмидаги ўсимлик					
3. Тепалик этагидаги ўсимлик (намлиги кўп)					

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ёруғликнинг таъсири

1. Қишлоғи ойларида теплицада бодринг ва помидор кўчатларини етиштириш. Ўсиб чиққан қўчатларнинг бир қисмини 12 соат давомида лампа билан ёритиш. Қолган қисмини қўшимча ёруғликсиз, яъни табиий шароитда ўстириш. Қандай шароитда ўсимликлар тезроқ гуллайди ва мева тугади? Бунинг сабабини аниқлаш.

2. Баҳорда парник шароитида бодринг ва помидор кўчатларини етиштириш. Кўкариб чиққан кўчатларнинг бир қисмини 3 соат давомида қоронғида сақлаш. Қолган қисмини эса ўзгаришсиз қолдириш. Қандай шароитда кўчатларда гуллаш фазаси эрта бошланганини тушунтириш.

Ҳавонинг чангланиш даражасини аниқлаш

Районнинг турли жойларидаги ҳавонинг чангланиш даражасини аниқлаш. (Транспорт йўли ёқасидаги, истироҳат боғларидаги, шунингдек, мактаб, завод ва фабрика атрофидаги.)

Бунинг учун юқорида кўрсатилган жойлардан барг намуналари олиш ва уларни ялтироқ ёпишқоқ плёнкага жойлаштириш. Сўнг плёнкани олиб, баргнинг изи тушган томонини (чанг қавати плёнкага тушади) оқ қоғозга зич қилиб ўрнатиш. Мана шу асосда турли

жойларда ўсган дарахтлар баргларининг чангланиш даражасини аниқлаш. Кузатилган ҳодисалардан тегишли хулоса чиқариш.

Зуптурум баргига ёруғликининг таъсирини аниқлаш

Иирик зуптурум ўсимлигини илдизи билан қазиб олиб, узунасига тенг икки бўлакка бўлиш. Уларнинг ҳар иккаласини алоҳида тувакчаларга ўтқазиш. Тувакчалардан бирини доимий ёруғ жойда сақлаш, иккинчисини эса ўзгаришсиз қолдириб, иккала тувакчадаги ўсимликларнинг ривожланишини кузатиш, кузатиш натижасини ёзиб бориш.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига сугоришнинг таъсирини аниқлаш

Хона ўсимликларининг яхши ўсиши ва ривожланиши учун уларни қандай муддатларда сугориш зарурлигини аниқлаш мақсадида кузатиш олиб бориш. Бунинг учун хона ўсимликларидан бирини, масалан, бегония, амариллис ўсимлигини иккита тувакчага ўтқазиб, уларнинг бирини ҳар куни уч маҳал сугориш, иккинчисини эса бир суткада бир марта сугориш ва уларнинг ривожланишини кузатиш. Кузатиш натижаларини дафтарга ёзиб бориш.

Турли экологик шароитда ўсган бир турга мансуб ўсимликларнинг анатомик тузилишини таққослаш

Турли шароитда ўсган 2 та зуптурум ва 2 та қоқиёт ўсимлигининг баргини кўндалангига кесинг. Пинцет билан баргларнинг пастки қисмидан бир бўлак эпидермис ҳужайралардан олиб, уни буюм ойнасидаги бир томчи сувга солинг. Сўнгра қоплағич ойна билан беркитиб, микроскопда кузатинг. Эпидермис ҳужайраларининг ўзаклини аниқлаб, улардаги устъицалар сонини аниқланг ва шу асосда 43-бетдаги жадвални тўлдиринг.

Демак, биология курси ўсимликлар бўлимининг турли темаларини ўтиш жараёнида, дарсдан ва синфдан ташқари вақтларда табиат билан хилма-хил алоқада бўлиш ўқувчиларда ахлоқий, экологик ва эстетик туйғуларни ривожлантиради. Бу ёш авлодни тарбиялашнинг таъсиричан воситаларидан бири бўлиб, улар характерининг олижаноблик, инсонпарварлик, гўзалликни тушуниш ва ҳис этиш, кузатувчанлик, табиат

**Турли шароитда ўсган ўсимликларнинг анатомик
хусусиятлари**

Барг тузилишидаги хусусиятлар	Очиқ (серкүёш) жойда ўсган ўсимлик		Соя жойда ўсган ўсимлик	
	зуптурум	қоқиұт	зуптурум	қоқиұт
Күндаланг кесими, қалинлиги, механик тұқымаларнинг ривожланиши. Эпидермиснинг қалинлиғи Эпидерма: эпидермис ұжайраларнинг шакли, күринаётган устьи- цаляр сони				

қонунларини ўрганишга интилиш, мәхнатсеварлик, ўз ватанини севиш каби күпгина хислатларни ривожлантиришга ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларда мәхнат малакасини ҳосил қилиш, табиатта муҳаббат, қишлоқ хұжалиғи, агротехникадан тажриба ишларига қизиқиш уйғотиши, шу соңадаги касбларга қызықиши шакллантириш мүмкін.

**БИОЛОГИЯ КУРСИННИҢ УМУМИЙ БИОЛОГИЯ
БУЛИМИНИ ҮҚИТИШ ЖАРАӘНИДА ҰҚУВЧИЛАРННИҢ
ЭКОЛОГИК БИЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йұналишлари лойиҳасида ўқувчиларни таълим-тарбиялаш жараәни сифатини янада ривожлантириш, ҳар бир фанни үқитишиң савиясини ошириш, улар турли фанлардан оладиган билимни пухта әгаллашига әришиш, ғоявий-сиёсий, мәхнат, экологик ва ахдоқий тарбияни янада яхшилаш асосий вазиға қилиб қўйилган. Шунингдек, лойиҳада ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг билиш фаолиятини ошириш мақсадида үқитишиң шакли, усули ва воситаларини тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланган. Ана шуларга асосланиб, үқитувчи ҳар бир дарсни үқитишиң шакли, усули ва воситаларини дарснинг мақсади, мазмуни ва ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олған ҳолда танлаши, дарс давомида ўқувчилар фаолиятининг актив ҳолатда бўлишиши ва шу асосда таълим-

тарбия жараёнини яна юқори поғонага күтариши лозим. Бунинг учун юқори синфлардә лекция, семинар, конференция, ўқув ўйини каби прогрессив даре шаклларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Умумий биология бўлими материаллари ҳажми жиҳатдан кенглиги ва мураккаблиги, шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг фикрлаш қобилияти юқори дарражада эканлиги, уларда конспект олишга нисбатан кўникмаларнинг шаклланганлигини ҳисобга олиб, 9—11-синфларда лекция, семинар, конференция дарсларидан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи дарсни қайси формада ташкил этмасин, унда турли усуслардан мөҳирлик билан фойдаланиб, ўқувчилар фаолиятини активлаштириш, уларнинг фикрлаш қобилиятини, фанга бўлган қизиқишини ривожлантириши, турли амалий ишларни бажаришга доир ўқув ва малака ҳосил қилиши, меҳнатга ва табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишни шакллантириши лозим. Бу формалар ўқитувчилар томонидан онгли равишда ҳар бир темани ўқитишида дарснинг мақсади ва мазмунига мос ҳолда таалланади. Уни ўтказишда фақат ўқитувчи эмас, ўқувчилар ҳам актив қатнашадилар. Юқоридаги фикрлар бошқа фанлар қатори биология курсига, шунингдек, унинг умумий биология бўлимини ўқитишига ҳам таалуклидир.

Биология дарсларида ўқувчиларга биологияга доир билим бериш билан бирга, уларни табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, дарсда олган экологик билимини системалаштириш ва уларни амалда қўллай бориш малакасини ҳосил қилиш лозим, чунки ҳозирги ўқувчилар бир неча йилдан сўнг, она ватанимиз табиатининг хўжайинлари бўлиб етишади, она ватанимиз тақдирини шу ўқувчиларнинг келгусидаги фаолияти белгилайди, шунинг учун ҳам бугунги кунда ўқувчиларни табиатни севицшга, унга ҳурмат билан қарашга, уни эъзозлашга ўргатиш мактаб жамоасининг асосий бурчидир. Экологик билим ва тарбиянинг самараси мактабларда баён этиладиган шу соҳадаги билимларнинг мазмунига, баён этишининг системалилигига, маҳаллийлик принципининг амал қилишига ва предметлараро боғланишдан унумли фойдаланишга боғлиқ.

Биология курсининг «Умумий биология» бўлимидан билим олиш жараёнида ўқувчилар турлар, популяциялар, биогеоценозлар, биосфера, унинг структураси ва

функциялари, органик оламнинг ривожланиш қонуниятлари ва шу қонуниятларга асосланган ҳолда генетика ва селекция ҳақидаги билимни пухта эгаллайдилар. Шулар билан бирга ўқувчиларга табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабат, турларнинг хилма-хиллигини сақлаш ва табиий бойликлардан рационал фойдаланишда жамиятнинг ролини кўрсатиш, популяциялар сонини тартибга солиш, органик моддалар, энергия ва кислород манбай бўлган ўсимликлар дунёсини янада бойитиш, биогеоценоз ва агроценозларнинг маҳсулдорлигини ошириш, биосферадаги мувозанатни сақлаш каби экологик билимлар ҳам берилади.

Лекин ўқувчиларнинг табиатга бўлган онгли муносабатини шакллантиришда экологик билимлар системасини ўзлаштиришнинг ўзи етарли бўлмайди, бунинг учун албатта ўқувчиларнинг табиат қўйнида бажарадиган амалий ишларини кенг йўлга қўйиш зарур. Экскурсиялар уюстириш, фенологик кузатишлар олиб бориши, ўсимлик ва ҳайвонларни ўстириш ва парвариш қилиш, турли ёзги топшириқларни бажариш, атрофмуҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қўлиш шулар жумласига киради. Мана шу тадбирларни тўғри йўлга қўйиш ва амалга ошириш ўқувчиларда табиатга нисбатан масъулиятни англаш малакасини ҳосил қиласди. Умумий биология бўлимидаги асосий экологик билимлар системасига — муҳит ва муҳит омиллари, организмлар экологияси, популяциялар экологияси, биогеоценология ва социал экология каби тушунчалар киради.

Умумий биология курсининг «Организм ва муҳит» бўлими янги биология программасига асосан X синифда ўрганилади ва «Экология асослари» деб номланади. Бу бўлимдаги темаларни ўтишда табиатни қўриқлаш ҳақидаги билимларни анча мураккаб экологик тушунчалар орқали бериш мумкин, чунки экология биология фанлари системасидаги фан бўлиб, тирик организмларнинг яшаш шароити, яъни организмларнинг яшаб турган муҳити ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар қонуниятларини ўрганади, у табиат муҳофазасининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам бу бўлимда умумий планетар қонуниятларнинг организмларга бўлган таъсири ҳам ўтилади, яъни организм — популяция—биогеоценоз—биосфера орасидаги алоқалар кўрилади.

Мазкур темани ўтиш жараёнида Чарлз Дарвиннинг органик дунё эволюцияси тўғрисидаги мосланиш, яшаш учун кураш, табиий танланиш ҳақидаги тушунчалари ривожлантирилиб, барча биоценозлар узоқ эволюция натижасида турғун системага айланганлиги, бу системанинг бирон бўлагига қўшимча киритиш ёки олиб ташлаш мумкин эмаслиги уқтирилади. Масалан, Африканинг баъзи кўлларида бир неча ўн йиллар илгари балиқ ва бегемотлар кўп эди. Бегемотлар қирилиб кетгач, тез орада балиқлар ҳам йўқолди. Маълум бўлишича, бегемотлар сув ўсимликларини еб ҳавзаларни тозалар ва ўғитлар, натижада қўлларнинг фито ва зоопланктони кўпайиб, балиқларга озиқ бўлар экан.

Мана шу материаллар билан ўқувчиларни таништириш улар X синфда ўтиладиган «Биосфера ҳақидаги таълимот» темасидаги биологик ҳодисаларни бутун планета миёсида тушунишларига ёрдам беради.

Тема бўйича дарсларни қўйидагича тақсимлаш мумкин:

1-дарс. Экология, унинг предмети, вазифалари, экологик билимларнинг аҳамияти.

2-дарс. Абиотик факторлар.

3-дарс. Организмлар ҳаётидаги мавсумий ритм.

4-дарс. Фотопериодизм.

5-дарс. Биотик факторлар.

6-дарс. Ҳовуз ёки ўрмон биогеоценози.

7-дарс. Биоценозларнинг алмашиниши.

Экскурсия. Биогеоценозларнинг баҳорги ҳаёти.

8-дарс. Экологиянинг асосий муаммолари. Агроценозлар (умумлаштирувчи дарс).

Бу темаларни ўтишда ўқувчилар билан бирга тайёрланган таблицалардан, ўқувчиларнинг ёзда бажарган ишларидан (мактаб тажриба участкасидаги тажрибалари ва табиатда олиб борилған кузатишларидан) фойдаланиш мумкин.

1-д а р с . Экология

Дарснинг мақсади. 1. Экологиянинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши ҳақида гапириш;

2. Экологик билимларнинг халқаро аҳамиятини уқтириш.

Дарсни жиҳозлаш. Юқорида айтилганларга қўшимча сифатида табиий зоналар картасидан фойдаланиш мумкин.

Дарс ялани

1. Экология нимани ўргатади?
2. Экологик билимларнинг аҳамияти.
3. Ҳозирги босқичда экологик билимларни әгаллашнинг зарурлиги.

Дарснинг бориши

Бу тема ўқувчилар учун анча таниш, чунки ўқувчилар табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимлар билан қўйи синфлардан анча мукаммал таништириб борилган ва ҳозир матбуотда бу ҳақда жуда кўп гапирилмоқда, кўп ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга экология табиат муҳофазасининг ажралмас қисми бўлиб, организмларнинг яшаб турган мўҳити ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар қонунйятларини ўрганади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи экологияга таъриф бериб, унинг предмети ва вазифаларини тушунтиради, сўнг ҳозирги вақтда табиатга етказилган зарар ва унинг оқибатлари ҳақида қисқача гапириб, мана шу соҳада матбуотда чиқаётган материаллардан, ўқувчиларнинг қўйи синфларда олган билимларидан фойдаланган ҳолда суҳбат (савол-жавоб) ўtkазиш мумкин.

Савол: Табиат ва унинг компонентлари деганда нималарни тушунасиз?

Жавоб: Инсон ўз атрофидаги барча борлиқ билан бирга табиатни ташкил этади. Табиат жонли ва жонсиз табиатга бўлиниб, жонсиз табиат — ер, сув, ҳаво каби компонентлардан иборат. Жонли табиат эса ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламидан ташкил топган. Жонли табиатнинг энг олий маҳсули инсон бўлиб, уни табиат яратган. Инсон ҳамиша шу она табиат бағрида яшайди ва ўз ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсаларни бевосита табиатдан олади, унга таъсир этади, яъни инсон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, ўзининг меҳнат фаолияти туфайли табиатга таъсир этади ва уни ўзгартиради.

Савол: Иңсон билан табиат ўртасидаги муносабат деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Инсон табиатнинг тарқибий қисми бўлиб, тирик мавжудот сифатида бутун ўзининг ҳаёт фаолияти давомида табиатга таъсир этади, табиат билан моддалар алмашинувида бўлади. Бунда меҳнат асосий роль ўйнайди, чунки меҳнат инсон билан табиатни

бирлаштирувчи асосий воқита бўлиб, у инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни тартибга солади ва мослаштиради.

Табиат тарихига назар солсак, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан инсоннинг атроф-муҳитга таъсири ҳам кенгайиб, ҳам кучайиб борган. Бунинг натижасида инсон билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви бир неча марта кучайди. Бу айниқса ҳозирги вақтда кучли намоён бўлмоқда. Илм-фан тараққий этган ҳозирги даврда инсон табиатга жуда катта куч билан таъсир этиб, унинг табиий ҳолатини ўзгартироқда, табиат компонентлари ўртасидаги миллион йиллар мобайнида таркиб топган мувозанатга салбий таъсир этмоқда.

Савол: Ҳозирги вақтда инсоғи фаолиятининг табиатга таъсири ҳақида нималар биласиз?

Жавоб: Кейинги йилларда инсон омилиниң фаолияти жуда кучайди, бунинг натижасида табиат таниб бўлмас даражада ўзгарди, янги шаҳарлар, шаҳар тибидаги посёлкалар, қишлоқлар барпо этилди, йирик саноат марказлари қурилди, қишлоқ хўжалиги механизациялаштирилди, химиялаштирилди, аҳоли сони бирмунча ортди, транспорт ривожланди, табиий бойликлардан фойдаланиш мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Шуларнинг ҳаммаси табиатни кучли ўзгариб юборди.

Савол: Нима учун табиатни муҳофаза қилиш зарур?

Жавоб: Инсон фаолияти табиат компонентлари ва уларнинг айрим элементлари ўртасида миллион йиллар мобайнида уйғунлашган мувозанатга салбий таъсир кўрсатди. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Суфорилаётган баъзи майдонларнинг шўрланиши, тупроқнинг емирилиши, денгизларнинг чекиниши (Орол денгизи), кўлларнинг саёzlаниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги нодир турларнинг камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши шулар жумласидандир.

Айниқса кейинги 20 йиллар мобайнида табиат ниҳоят даражада ифлослантирилиб, инсоннинг ҳаётини ҳам ҳавф остида қолдирмоқда, чунки инсон ҳам табиатнинг бир қисми бўлиб, унинг салбий ўзгариши бу инсон саломатлигининг ҳам ўзгаришига олиб кела-

ди. Демак, табиатдаги экологик мувозанатни сақлаш — бу инсонни асраш демәкдир.

Савол: Инсон фаолиятининг табиатга ижобий таъсири ҳақида нималар биласиз?

Жавоб: Инсон фаолиятининг ижобий томонига қўриқ ерларни, ботқоқликларни ўзлаштириб, янги экинзорлар, боғлар барпо этиш, янги майданий ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари яратилаётганини кўрсатиш мумкин.

Савол: Инсон фаолиятининг салбий таъсири оқибатларидан нималарни биласиз?

Жавоб: Инсон кейинги йилларда табиатга борган сари кўпроқ таъсир ўтказди. Завод ва фабрикалардан чиқариладиган заҳарли тутунлар, ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга солинаётган заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар табиат иқлимига ва инсонлар саломатлигига жуда ҳам кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги фан-техника тараққиёти, табиий ресурслардан ҳалқ ҳўжалигидаги тобора кўп фойдаланиш, аҳолининг борган сари кўпайиши ва уларнинг янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб бориши, табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, ер ости бойликларига, тупроқнинг ҳолатига, сув ҳавзалари ва ҳавога сезиларли даражада таъсир кўрсаతмоқда ва натижада инсон саломатлигига акс садо бермоқда. Буни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, кейинги 20 йил мобайнида XX аср касаллиги ҳисобланган аллергия билан касалланган беморлар сони 10 баравар ортди, болалар орасидаги касалликлар кўпайди. Асрлар мобайнида Орол денгизига бориб қуйилаётган Амударё билан Сирдарёнинг суви инсон фаолияти туфайли Орол денгизига етиб келолмай, унинг суви бир неча баравар камайиб қурий бошлади, натижада унинг атрофидаги территорияларнинг иқлими ўзгарди, бу эса деҳқончиликка кучли зарар етказмоқда.

Савол-жавобдан сўнг ўқитувчи ўқувчилар ахборотини тўлдириб, қуйидагилар билан дарсни якунлайди.

Юқоридаги фикрлардан шундай хulosса чиқариш мумкин. Табиатнинг ҳар бир элементи ўзаро ва табиий муҳит билан узвий боғланган бўлиб, шуларнинг йиғиндиси яхлит табиатни ташкил этади. Унинг бирон элементига бир оз таъсир этилса, бу таъсир бутун та-

биатда акс этиши мумкин. Бу таъсир ижобий ёки салбий томонга йўналганини билиш учун табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб ўзаро боғланиш моҳиятини яхши билиш зарур. Табиатдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва қонуниятларини яхши билмасдан туриб уларга таъсир этишнинг оқибатлари кейинги вақтда айниқса намоён бўлди. Аҳоли сонининг ортишиб, саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг кенгайиши, тўрли химиявий ўғитлар, пестицидлар ва гербицидларнинг кўплаб ишлатилиши табиий муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ташқи муҳитнинг айrim жойларда кескин даражада ёмонлашиши табиат муҳофазаси масалаларини бутун дунё миқёсида ҳал қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўқитувчи ҳозир мамлакатимизда шу соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар ҳақида гапириб, қуийдаги сўзлар билан ўз фикрини якунлайди.

Демак, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун уларнинг экологиясини билиш зарур, яъни агрономия ва чорвачиликнинг барча технологияси экологик қонунларга мувофиқ тузилгандагина ва уларнинг тўғри амалга оширилиши орқалигина керакли самарага эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам экология қонуниятларини ўрганиш давримизнинг барча ихтисосдаги кишилари (колхозчилар, агрономлар, врачлар, инженерлар, қурувчилар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, шоғёрлар ва бошқалар) учун жуда зарурдир, чунки бу масалани тўғри ҳал этиш моддий бойликларни асрараш ва янада кўпайтириш, халқларнинг фаровонлигини ошириш, аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласи.

Ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтиришда биологиядан ўтказиладиган экскурсияларнинг дарсда олган назарий билимларини мустаҳкамлашга, уларни амалиёт билан боғлашга, мустақил ишларга нисбатан малака ҳосил қилишга ёрдам беради.

Янги биология программасига мувофиқ «Экология асослари» бўлимий ўтилгандан сўнг «Табиий биогеоценозлар, улардаги мавсумий ўзгаришлар» темасида мактаб атрофига (ўрмон, ўтлоқ, ҳовуз бўйига) экскурсия ўтказиш кўзда тутилган. Программада экскурсия учун

2 соат вақт ажратилганини ҳисобга олиб, биринчи соатда экскурсия (кузатиш) ўтказиш, кейинги соатда эса экскурсия натижалари ва экология асослари бўлими юзасидан умумлаштирувчи — конференция дарсини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Буни экскурсия ўтказиладиган жойнинг барча шароитни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ўзи танлаши мумкин. Шунингдек, экскурсиянни тема ўтилгандан сўнг ўтказиш мақсадга мувофиқ, чунки бунда ўқувчилар мана шу тема юзасидан олган билимларини мустақил текшириб кўриш ва уни мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар, кейинги ахборотларида шу экскурсия давомида кузатған нарса ва ҳодисалардан ҳам фойдаланадилар. Экскурсиянинг муваффақиятли ўтиши ўқувчиларнинг бутун экскурсия давомида актив иштирок этишига боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билими, қизиқиши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни группаларга бўлиб, ҳар бир группага алоҳида вазифа бериш ёки ҳар бир ўқувчига индивидуал топшириқ бериш мумкин.

Экскурсиянинг мазмуни дарсда ўтилган темалар (76-§, 82-§) материалларига мос бўлиши, шу билан бирга «Эволюцион таълимот» темасидаги материаллар билан боғланган бўлиши зарур, чунки экскурсия давомида ўқувчиларга маълум бўлган тушунча ва билимлардан фойдаланиб, табиатда юз берадиган нарса ва ҳодисалар тушунтирилади.

Тема. Табиий биогеоценозлар, улардаги мавсумий ўзгаришлар

(экскурсия дарси)

Экскурсиянинг
таълимий
вазифалари:

Маҳаллий тур ва популяциялар мисолида ўқувчиларни табиий биогеоценозлар билан таништириш, улардаги баҳор мавсумига хос бўлган ўзгаришларни кўрсатиш. Ўқувчиларни табиий биогеоценозлардаги ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳаётӣ формалари ҳақида олган билимларини конкретлаштириш, табиий биоценозлар билан

Экскурсиянинг
ривожлантирувчи
вазифалари:

Экскурсиянинг
тарбиявий
вазифалари:

муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини
кўрсатиш.

Ўқувчиларнинг тирик объектлар
 билан олиб борадиган ишларида
 амалий уқув ва малакани ривож-
 лантириб боришга аҳамият бериш
(турли кузатишлар олиб бориш,
 табиатнинг нарса ва ҳодисаларини
 таққослаш, умумлаштириш ва тўғ-
 ри хуносалар чиқариш, ҳисоботлар
 тузиш, гербариylар ясаш ва шу
 кабилар).

Экскурсия ўтказиш давомида ўқув-
 чиларнинг экологик тарбиясини
 тўғри амалга ошириш, уларни та-
 биатда ўзини тутиш қоидаларига
 амал қилишга ўргатиш, табиатни
 асрар ва унга нисбатан онгли му-
 носабатда бўлишни тарбиялаш,
 табиий объектларни асрар бўйи-
 ча ўқувчиларнинг амалий фаолия-
 тини ташкил қилиш.

Экскурсия дарснинг бориши. Экскурсияга бориши-
 дан олдин, унинг жойи, плани, ўтказиш тартиби аниқ-
 ланади, экскурсия давомида ўқувчилар бажариши ло-
 зим бўлган вазифалар белгиланади, шунингдек, та-
 биатда ўзини тутиш қоидалари билан таништирилади
(дараҳт шохларини синдириласлик, гулларни узмаслик
 ва шу кабилар).

Янги программага мувофиқ, бу экскурсия баҳорда
 ўтказилиши муносабати билан баҳор фаслининг ўзига
 хос хусусиятлари, табиатдаги мавсумга хос ўзгариш-
 лар ҳам ҳисобга олинади.

Экскурсия ўқитувчининг кириш сўзи билан бошла-
 нади. Бунда у ўқувчиларни ўсимликларнинг табиий
 ва сунъий гуруҳлари билан таништиради. Сунъий гу-
 руҳларнинг хусусиятларини санаб ўтади ва уларга ми-
 соллар келтиради. Сўнгра ўқувчиларнинг қуий синф-
 ларда олган билими асосида табиатдаги баҳорги ўзга-
 ришлар ҳақида қисқача сухбат ўтказади.

Савол: Табиатнинг баҳор-фаслига хос ўзгаришла-
 рини кўрсатинг?

Ўқувчилар баҳор фасли табиатнинг уйғониш даври

эканлиги, об-ҳавонинг бекарорлиги, куннинг узайиши, ҳаво ҳароратининг аста-секин орта бориши, осмонда булутлар парча-парча бўлиб юриши, тез-тез ёмғир, сель ёғиб тўриши, анҳор, дарёлар сувининг кўпайиши ва шунга ўхшаш ўзгаришлар ҳақида ахборот берадилар.

Савол. Тирик табиатдаги ўзгаришлар нималардан иборат?

Ўқувчилар баҳор фаслида тирик табиатда бўладиган ўзгаришларни шундай изоҳлайдилар: Баҳор фаслида кўплаб қушлар ўз жойига қайтиб келади, дараҳтлар куртаги бўртиб, гул ва барг чиқаради. Ер юзи кўм-кўк ўт билан қопланади. Баҳорги экиш ишлари бошланади, ҳамма жойдан қушларниң сайраган овози эшитилади. Ҳашаротлар синфига мансуб кўплаб жониворларни учратамиз. Умуман, баҳор фаслида бутун табиат уйғонади, актив ҳаёт кечира бошлайди.

Савол. Баҳор фаслида табиатнинг мана шундай ўзгаришига сабаб нима?

Бундай ўзгаришларниң асосий сабабларини ўқувчилар шундай изоҳлайдилар: Табиий муҳит омилларининг (ёруғлик, намлик, температура) мавсумий ўзгариши ва уларниң таъсири табиатнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Баҳор фаслига келиб, бу табиий муҳит факторларининг ўзгариши биогеоценозларниң ҳам ўзгаришига олиб келади.

Суҳбатдан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни экспурсия обьектлари билан таниширади. Ўқувчиларга табиатда мустақил бажаришлари лозим бўлган топшириқлар ёзилган инструктив карточкалар тарқатади. Уларга топшіриқни бажариш тартиби, уни бажариш йўлларини аниқ ёзиб боришлари зарурлигини таъкидлайди. Звенолар 20—30 минут давомида ўз вазифасини бажариш учун керакли жойларга тарқалиб кетади.

Индивидуал бажариш учун топшириқлар

1-топшириқ. Турли экологик шароитда ўсган бир турга мансуб ўсимликларниң ривожланишини таққослаш.

Дарсни жиҳозлаш. Турли биотоплардан (автомобиллар қатнайдиган йўл четидаги зичлашган тупроқли ва соя жойдаги юмшоғовак тупроқли ердан) олинган қоқиёт ёки зумтурум) намуналари.

Ишни бажариш. Турли биотоплардан олинган бир турга мансуб ўсимликларни таққосланг. Уларниң ер

ости ва устки қисмлари тузилиши расмини чизинг, ва қўйидаги жадвални тўлдиринг.

**Соя ва серқуёш жойда ўсан ўсимликларнинг
(коқиёт ёки зўптўрумнинг) характеристли белгилари**

Ўсимлик органлари	Соя жойда ўсан ўсимликнинг хусусиятлари	Серқуёш жойда ўсан ўсимликнинг хусусиятлари
Илдиз системаси		
Пояси		
Барги		

2-топшириқ. Ҳавонинг чангланиш даражасини аниқлаш.

Дарсни жиҳозлаш. Турли жойлардан олинган барглар намунаси.

Ишни бажариш. Районингизнинг турли жойларида таъсири ҳавонинг чангланиш даражасини аниқланг (транспорт йўли ёқасидаги, мактаб, завод ва фабрика атрофидаги).

Бунинг учун юқорида кўрсатилган жойлардан барглар намунасини олинг ва уни ялтироқ ёпишқоқ плёнкага жойлаштиринг. Сўнг плёнкани олиб, баргнинг изи тушган томонини (чанг қавати плёнкага тушади) оқ қофозга зич қилиб ўрнатинг. Мана шу асосда турли ерлардан олинган дараҳт баргларининг чангланиш даражасини аниқланг. Кузатган ҳодисаларингиздан тегишли хулоса чиқаринг.

3-топшириқ. Ёмғир чувалчангининг тупроқ структурасига таъсирини кузатинг.

Дарсни жиҳозлаш. Шиша аквариум, тупроқлар намунаси, бир нечта ёмғир чувалчанги.

Ишни бажариш. Ернинг турли қатламларидан олинган тупроқ билан шиша аквариумни З қават қилиб тўлдиринг ва ичига бир нечта тирик ёмғир чувалчангини солинг. Чувалчангларнинг тупроқдаги фаолиятини кузатинг ва тупроқ структурасининг ўзгаришида уларнинг ролини кўрсатинг.

Ўқувчиларга юқоридаги топшириқларга ўхшаш яна бир нечта индивидуал топшириқ бериш мумкин.

Группага бўлинган ўқувчилар учун топшириқлар

1. Экскурсия ўтказилаётган жойнинг табиий шароитини ўрганинг, унинг биогеоценозини аниқланг (баҳор мавсумига хос бўлган хусусиятларни кўрсатинг).
2. Эфемер ўсимликларни (эрта баҳорги, ўтсимон) топиб уларга характеристика беринг, уларнинг ҳолатини баҳоланг.
3. Шу жойнинг ёш ниҳоллари, бута ва дараҳтларини ҳисобланг, номларини аниқланг ва уларнинг баҳорги ҳолатини кузатинг.
4. Дараҳтларда (асосан дараҳт пўстлоғида) яшовчи организмларни топинг ва уларни кузатинг.
5. Экскурсия уюштирилган жойда энг кўп тарқалган ҳашаротлар, қушлар ва бошқа ҳайвонлар турини аниқланг.
6. Тупроқ қатламлари орасидаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаётини кузатинг, тупроқнинг ҳолатини, структурасини, унумдорлик даражасини аниқланг.
7. Экскурсия уюштирилган жойнинг ифлосланган участкаларини аниқлаб, уни тозалаш чора-тадбирларини кўринг.
8. Абиотик факторларнинг жойнинг рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини кўрсатинг.
9. Инсон ҳўжалик фаолияти туфайли шу ерда рўй берган ўзгаришларни аниқланг.
10. Ўзингиз ҳам табиатга онгли муносабатда бўлиб, табиат муҳофазаси қоидаларига қатъий риоя қилинг.

Ўқувчилар топшириқни бажариб бўлганлйклари ҳақида ўқитувчига аҳборот берадилар. Бундай кузатишлар натижасида ўқувчилар жонли табиатдаги ҳаётий функциялар табиий муҳит омилларига (ёруғлик, намлик, ҳароратга) боғлиқ, деган экологик қонуниятни тўғри талқин қилишларига олиб келади.

Дарс якунида ўқувчиларга келгусида дарсда «Экология асослари» бўлими ва экскурсия натижалари юзасидан умумлаштириш — такрорлаш дарси ўтказилиши, бунинг учун ўқувчилар экскурсия давомида бажарган ишлари, кузатган обьектлари, шунингдек, «Экология асослари» бўлимида ўтилган материаллар асосида аҳборотлар тайёрлаб келишлари зарурлиги уқтириб ўтилади.

Тема. Экологиянинг асосий мұаммолари (якунловчи конференция дарси)

**Дарснинг
таълимий
вазифалари**

**Дарснинг
ривожлантирувчи
вазифалари**

**Дарснинг
тарбиявий
вазифалари**

Организм ва популяциялардаги моддалар ва энергия алмашинуви абиотик ва биотик омилларга боғланган ҳолда бориши ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш.

Үқувчиларнинг табиий биоценозлар, улардаги барқарорлик, табиатда биоценозлар алмашинуви, уларнинг муҳофазаси бўйича олиб борилаётган тадбирлар, шунингдек, агроценозларнинг хусусиятлари, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари ҳақида олган билимларини ривожлантириш ва шу соҳада уқув-малака ҳосил қилиш. Экскурсия натижаларига асосланган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ғояларини ўқувчиларга сингдириш, уларда амалий кўнкималар ҳосил қилиш. Еш авлодни табиат гўзалликларини севувчи, уни ардоқловчи актив ҳимоячи қилиб тарбиялаш.

Дарс плани

1. Абиотик факторлар ва организмлардаги моддалар ва энергия алмашинуви (назарий билимлар ва экскурсия натижалари асосида бир ўқувчининг жавоби).
2. Йқлиминг асосий омиллари ва уларнинг организмга таъсири, популяциялардаги мосланишлар (назарий билимлар ва экскурсияда бажарилган топшириқларга мувофиқ иккинчи ўқувчининг жавоби).
3. Биотик факторлар, моддалар ва энергия алмашинуви, биоценозлардаги ўзгариш сабаблари (назарий билимларни экскурсия кузатишларига боғлаган ҳолда ўқувчиларнинг жавоби).
4. Агроценозлар сунъий биоценозлардир, агроценозлар маҳсулдорлигини оширишда инсоннинг хўжалик фаoliyati (агроценозлар маҳсулдорлигини ошириш соҳа-

- сида ўз райони, колхоз ёки совхозида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ўқувчининг ахбороти).
5. Биогеоценозларнинг географик зоналлиги ва уларнинг маҳсулдорлиги (жадвалдан фойдаланган ва назарий билимларга асосланган ҳолда ўқувчининг ахбороти).
 6. Фан-техника тараққиёти асрида биогеоценозлардаги ўзгаришлар (қўшимча адабиётлардан ижодий фойдаланган ҳолда ўқувчининг ахбороти).
 7. Биогеоценозлардаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва уларни асрарда экологик билимларни билишининг зарурлиги (ўқитувчининг якунловчи сўзи).

Дарсни жиҳозлаш. Ярим шарлар картаси, ўтилган темалар бўйича жадвал ва қўлланмалар, экскурсия давомида йигилган материаллар.

Бу дарс экология асослари темаси бўйича якунловчи ва умумлаштирувчи дарс бўлиб, уни ўқитувчи раҳбарлигیدа ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ўтказишлари мумкин (чуңки бу тема ўқувчилар учун анча таниш, бу соҳада ҳозирги матбуотларда кўплаб материаллар берилмоқда, шунингдек, бу тема юзасидан бир нечта амалий ишлар бажарилган, экскурсиялар ўтказилган, доклад ва рефератлар тайёрланган). Бу дарс конференция, семинар, дискуссия формаларида ташкил қилиниши мумкин. Унга ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига 1 ой олдиндан тайёргарлик кўрадилар, турли кўргазма қуроллар тайёрлайдилар, қўшимча адабиётлар ўқийдилар. Шулардан конференция дарсини ўтказиш билан танишиб чиқамиз.


Дарснинг бориши

Дарс бошлангач, ўқитувчи ўзининг кириш сўзида конференция дарснинг мақсад ва вазифалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўтказиш тартиби билан таниширади, сўнг ҳал қилиниши дозим бўлган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтади, сўзга чиққан ўқувчиларни диққат билан тинглаш, биология дафтарларига доклад темаси, ундаги асосий фикрлар, қизиқарли фактлар ва шунга ўхшашларни қисқача ёзиб боришлиари лозимлигини таъкидлайди. Шундан кейин ўқитувчи конференцияни олиб борувчи ўқувчига сўз беради (конференцияни олиб борувчи ўқувчи ўқитувчи томонидан тайинланади, у дарсни ташкил қилиш ва уни олиб бориш

Билан олдиндан яхши таништирилади). Бу ўқувчи дарснинг вазифалари ва плани билан ўқувчиларни таништиради, план асосида биринчи ўқувчига сўз беради. Бу ўқувчи абиотик омиллар ва организмлардаги моддалар ва энергия алмашинуви ҳақидаги назарий билимлар билан бирга экскурсия давомида ўзи бажартган топшириқ ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Ўқувчининг жавоби: Ҳар қандай организм, хоҳ ўсимлик бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин у ташки муҳитсиз яшай олмайди, чунки шу муҳитда организм озиқланади, ривожланади, яъни ҳаёт кечиради. Шу ҳаёт фаолияти давомида муҳит билан узлуксиз моддалар алмашинуви боради. Бу жараён натижасида организмларнинг ўзи ҳам табиий муҳитга таъсири қиласи ва уни ўзгартиради. Шунингдек, организмлар ҳам ўз ҳаёти давомида экологик омиллар (факторлар) таъсирида бўлади, факторлар эса улардаги моддалар алмашинувига таъсири қиласи.

Демак, табиий муҳитнинг организмлар билан ўзаро таъсири этадиган элеменлари экологик фактор дейилади ва улар қуйидаги группаларга бўлинади:



Ўқувчи юқоридаги жадвални тушунтириб беради, сўнг факторларнинг таъсири ҳақида қуйидаги фикрларни баён қиласи.

Табиатда ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бир-бирига таъсири этади, ўзгартиради, ривожлантиради ва ҳоказо.

Дарё сувларининг сатҳи, ҳажмининг бир хилда сақланиши ўрмонларга боғлиқ бўлади, шунингдек, тупроқнинг эрозияланишига ўсимлик, иқлим, шамол, ёғингарчилик катта таъсир қиласи.

Табиат — элемент (мураккаб бир бутун нарсанинг таркибий қисмидир), ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланган мураккаб системасидир. Унда барча нарса ва ҳодисалар ўзаро мувофиқлашган, компонентларга (қисмларга) бириккан бўлиб, бу компонентлар занжирининг бирон еридаги бузилиш унинг бошқа ерида ҳам кутилмаган бузилишга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ўзаротаъсир муайян (маълум бир) биологик мувозанатни таъминлайди. Масалан, бойқуш (бойўғли)ларни ўлдириш билан сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдорини кескин камайтириш мумкин. Бу ерда қандай борланиш бўлиши мумкин?

Бу муаммоли саволга бир қанчай ўқувчилар ўз фикрларини айтадилар. Биринчи жавоб берадиган ўқувчи синфдошларининг фикрларини мулоҳазалаб, ўз сўзини шундай якунлайди: Бойқушлар сичқонларни қиради, сичқонлар эса тукли ариларнинг уясини бузади, тукли арилар беда ўсимликларни чанглантиради, беда билан сигирлар боқилади. Демак, озиқ занжири бузилали. Статистика маълумотларига кўра, битта тулкини отиб ўлдириш 1 тонна донни ҳавога учирish билан барабар экан, чунки тулкининг асосий озиғи дала сичқонларидир. Демак, табиатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этишининг қомплекс характеристи аввало табиатнинг бир бутунлиги, уни ташкил этган элементларнинг бирбири билан чамбарчас боғланганлиги ва ҳамиша ўзаромуносабатда бўлиши билан белгиланади.

Сўнг ўқувчи абиотик факторлар ҳақидаги маълумотни яҳада тўлдириш ва ривожлантириш мақсадида экскурсия давомида олиб борган тажрибаси ҳақида ахборот берди. Бунда у турли экологик шароитда ўсган бир турга мансуб ўсимликлардан қоқиётнинг 2 туپини таққослаб уларнинг поя, илдиз, барг ва гулидаги фарқни аниқлаганлиги ва шу асосда 1-топшириқда берилган жадвални қандай тўлдирганини тушунтириб берди.

Иккинчи ўқувчи иқлимнинг асосий факторлари ва уларнинг организмларга таъсири, популяциялардаги мосланишлар ҳақида гапирди.

Иқлим ташқи мұхитнинг асосий компоненти бўлиб,

унинг энг асосий қисми ёруғлик, ҳарорат ва намлиkdir. Ер юзидағи барча тирик мавжудотнинг ҳаёти учун иқлиминг аҳамияти жуда катта. Ёруғлик планетамизда рўй берадиган барча жараёнлар учун асосий энергия манбай бўлиб, шу нурлардан фойдаланиб яшил ўсимликлар ўзи учун зарур органик моддалар синтезлаши, яъни яшил ўсимликларда ёруғлик таъсирида фотосинтез жараёни бориши ҳаммамизга биология курсининг ўсимликлар бўлимидан маълум. Бундан ташқари, суткалик ёруғлик ритми асосида кўпгина ҳайвонларда кун ва тунда ҳаёт кечиришга мосланишлар вужудга келтанилигини ҳам биламиз, деб ўқувчи хилма-хил организмларнинг кун ва тун узунлигига кўрсатадиган реакциясига бир қанча мисол келтирди.

Экологик омиллардан ҳарорат ҳам ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳаёт кечиришида катта аҳамиятга эга. Ташқи муҳит ҳароратининг ўзгаришига қараб организмларда борадиган жараёнлар ҳам ўзгаради. Совуқлонли ҳайвонларда ҳароратга боғлиқлик айниқса яққол намоён бўлади, чунки уларда тана ҳароратининг кўтарилиши физиологик жараёнларни тезлаштиради. Иссиқлонли ҳайвонларнинг ҳароратга боғлиқлиги эволюция давомида анча такомиллашган бўлиб, ҳар қандай ҳароратда ҳам актив ҳаёт кечиришини таъминлайди.


Намлик организмларнинг ҳаёт фаолиятида жуда муҳим роль ўйнайди, чунки ҳужайралардаги барча жараёнлар сувли муҳитда боради. Намлик етишмаслигига мосланиш чўл ўсимликлари ва ҳайвонларида яққол намоён бўлади. Чўл ўсимликлари баргининг майдалашиб кетиши, тиканга айланishi ёки бутунлай ўйқолиб кетиши, масалан, янтоқ, саксовул, жузғун, шунингдек чўл ҳайвонларининг баъзилари узоқ вақт мобайнида сув ичмасдан яшашга мослашганлиги (туя), тез югуриш қобилиятининг ортиши (кийик, жайрон) шулар жумласидандир.

Намлик кам бўлган шароитда ўсимликлар ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди, моддалар алмашинуви жуда суст боради. Ҳайвонларнинг актив фаолияти ҳам тўхтаб, улар уйқуга киради.

Сўнгра ўқувчи экскурсия давомида звено аъзолари билан бирга бажарган 8-топшириқ ҳақида ахборот беради. Бунда у ўз звеноси билан бирга абиотик факторларни жойнинг рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунё-

сига таъсири юзасидан олиб борган кузатиш **натижаларини** изоҳлайди. Звено аъзоларидан яна бири ёруғлик кўп бўлган жойда ўсган ўсимлик билан ёруғлик кам бўлган жойда ўсган ўсимликларга мисол келтириди, уларнинг фарқини кўрсатди, намликнинг кўп ёки камлигига қараб ўсимликларнинг ривожланишидаги ўзгаришларни тушунтириди. Ўқувчи ўз ахборотини тирик организмларнинг ҳаёти, уларнинг активлиги, ҳужайраларда борадиган барча физиологик жараёнлар абиотик омилларнинг таъсирига боғлиқлиги, мана шу таъсирига асосланиб организмларнинг ривожланишини бошқариш усуllibаридан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги сўзлар билан якунлади.

Учинчи ўқувчи биотик омиллар, (факторлар), моддалар ва энергия алмашинуви, биогеоценозлардаги ўзгариш сабаблари ҳақида гапирди. Биотик фактор тирик мавжудотларнинг ўзаро ва жонли табиатга бўлган муносабати (таъсири), яъни ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўзаро ва табиатга бўлган таъсиридир.



Тирик мавжудотлар орасидаги боғланиш асосан озиқ занжиридаги муносабатлар ва шу жараён давомида энергиядан фойдаланиш асосида вужудга келади. Барча организмлар озиқ моддалар ва энергиядан фойдаланиш усулига қараб автотроф (яшил ўсимликлар, баъзи бир микроорганизмлар) ва гетеротрофга (ҳайвонлар, одамлар, кўпчилик микроорганизмларга) бўлинади. Аэроб гетеротроф организмлар озиқланиш жараёнида органик моддаларни карбонат ангидрид, сув ва минерал тузларга парчалайди. Бу моддаларни автотроф организмлар ўзлаштиради.

Шундай қилиб, табиатда моддалар узлуксиз айланаб юради, яъни автотроф организмлар ўз ҳаёти учун зарур моддаларни ташқи муҳитдан олади, бу моддалар гетеротроф организмлар орқали яна ташқи муҳитга қайтади. Бу жараён бориши учун қуёш энергиясининг бўлиши зарур, чунки организмлар фаолияти натижасида ҳосил бўлган моддаларнинг давра бўйлаб айланishi жараёнида қуёш энергияси (ёруғлик энергияси)

бошқа хил (масалан, химиявий, иссиқлик, механик) энергияга айланади.

Тирик мавжудотлар гуруҳи ва уларнинг яшаш муҳити биргаликда экологик система ёки экосистема деййлади. Ҳозир бундай системалар биогеоценозлар деййлади, яъни биоценозларнинг органик компонентлари анорганик компонентлар билан бирга мустаҳкам экосистема — биогеоценозларни ҳосил қилиб, улар биогеоценозларнинг органик компонентларини ташкил этади, биогеоценознинг анорганик компонентларини тупроқ, сув, ҳаво ва шу кабилар ташкил қиласиди.

Биогеоценозларнинг барқарорлигига ташқи шароитнинг ўзгариши, биогеоценозни ҳосил қилган организмлар ҳаёти натижасида вужудга келадиган ўзгаришлар таъсир этиб, ундаги турлар сонининг ўзгаришига ёки биогеоценознинг алмашишига сабаб бўлади.

Биогеоценозларнинг бир бутунлигига, беқарорлиги га одам фаолияти ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Инсон фаолиятининг биогеоценозларга ижобий таъсирига қўриқ ва бўз ерларни, ботқоқликларни ўзлаштириб, янги экинзорлар, боғ-роғлар барпо этиш, янги маданий ўсимликлар навлари, ҳайвон зотларини яратиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Инсон фаолиятининг салбий таъсири ҳозирги кунда айниқса кучли намоён бўлмоқда. Масалан, кейинги йилларда республикамизда кўпроқ пахта етиштириш мақсадида кўплаб тўқайзорлар, яйловлар йўқ қилиб юборилди. Бу эса ўз навбатида паҳтачилик ва чорвачиликда бир қатор муаммолар келтириб чиқарди. Тўқайзорларнинг камайиши қушларнинг камайишига, қушларнинг камайиши ҳашаротларнинг кўпайишига, ҳашаротларнинг кўпайиши эса ғўза ҳосилига салбий таъсир этмоқда. Табиий мувозанатнинг бузилиши натижасида сув ресурслари ифлосланмоқда, бу ўз навбатида фауна ва флорага сезиларли таъсир этмоқда. Дарё ўзанларнинг қисқартирилиши натижасида тошқинлар бўлмоқда, тошқинлардан кўплаб иқтисодий зарар кўрилмоқда. Атмосфера, сув, тупроқнинг ифлосланиши, кўргина ўсимликларни, шу жумладағ, дараҳтларнинг плансиз, тартибсиз кесилиши, ҳайвонлар баъзи турларининг камайиб ёки қирилиб кетиши ва бошқалар шулар жумласидандир.


Шунингдек, гулхайридошлар оиласига мансуб мада-

ний ўсимликлардан ғүзага ишлатиладиган дефолянтлар ёмғир чуваңчангларига таъсир этиб, уларнинг камайишига, бу эса тупроқ структурасининг бузилишига, тупроқ структурасининг бузилиши, ўз навбатида ўсимликлар ҳосилининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Шундан сўнг, ўқувчи назарий билимларини экскурсия давомида бажарган амалий ишига боғлаган ҳолда ўзига берилган топшириқ юзасидан ҳисобот берди. Бунда у З-топшириқ — ёмғир чуваңчангининг тупроқ структурасига таъсирини ўрганиш юзасидан бажарган иши ва кузатган натижалари ҳақида гапириб ўтди.

Тўртинчи ўқувчи агроценозлар, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари ҳақида ўзи тайёрлаган жадвалдан фойдаланган ҳолда жавоб берди.

Агроценозлардаги моддалар айланиши



Сўнг ўқувчи темага оид қуйидаги саволларни ўрта-та ташлади:

1. Табиий биогеоценозлар билан сунъий биогеоценозлар (агроценозлар) ўртасида қандай фарқ бор?
2. Ҳозир инсон хўжалик фаолияти натижасида қандай агроценозлар вужудга келган?
3. Сунъий биогеоценозлар маҳсулдорлигини ошириш учун инсон нималар қилиши зарур?

Бу саволларга баъзи ўқувчилардан тегишли жавоб олингач, ўқувчи мана шу соҳадаги ўз фикрини шундай ифодалади: Агроценозлар (қишлоқ хўжалик экосистемалари), инсон томонидан юқори ҳосил олиш учун яратилган сунъий системалар бўлиб, улар табиий биогеоценозлардан қўйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласди:

1. Уларда организмларнинг турли-туманлиги кескин камайтирилган, бу далалар бир ёки бир неча ўсимлик турини ётиширишга мослаштирилган. Чорва молларини боқиш ҳам яйловдаги турларнинг хилма-хиллигини камайтиради. Маданий ўтлоқлар майдони ҳажм жиҳатдан қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган далалар майдонига тенглашиб қолади.

2. Инсон томонидан яратилган турлар сунъий танлаш йўли билан сақланади. Улар яшаш учун курашда ёввойи турлар билан бўлган рақобатга бардош беролмайди.

3. Агроценозларга қуёш энергиясидан ташқари, инсон томонидан қўшимча энергия ҳам берилади. Улардаги дастлабки ҳосил озиқ занжирига тушмасдан йифиб олинади.

Ҳозирги вақтда Ер юзида 1,5 млрд гектар экинзор бўлиб, бу бутун қуруқликнинг 10—11% ни ташкил этади. Бу экинзорлар қўриқ ер ва яйловлар билан бирга 28—30% ни эгаллайди, ўрмонлар билан эса қуруқликнинг 50% ни ташкил этади.

Мамлакатимиз табиий шароити тупроқнинг унумдор бўлиши учун ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Масалаң, Болтиқбўй ва Белоруссия республикаларида тупроқ нормадан ортиқ, Закавказье, Ўрта Осиё республикаларида эсà намгарчилик ётишмайди.

Агроценозлардаги тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш тадбирлари мазкур жойнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим, акс ҳолда у бир қанчá салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу тадбирлар қўйидагича олиб борилади:

1. Тупроқни касаллик тарқатувчилар билан ифлосланишдан сақлаш.

2. Тупроқнинг химиявий моддалар билан заҳарлашига қарши кураш.

3. Тупроқ эрозиясига қарши кураш.

4. Яйлов ўсимликларини, қишлоқ хўжалик экосис-

темалари (агроценозлар)ни, ўрмон ўсимликларини ҳимоя қилиш.

5. Ҳайвонлар дунёсини мұхофаза қилиш.

6. Тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш.

Республикамизда катта-катта майдонлар инсон меҳнати түфайли экинзор-боғларга айлантирилган, ўерларга турли-туман маданий ўсимликлар экилиб, улардан юқори ҳосил етиштирилмоқда. Ўзбекистон республикаси асосий пахта ва мева-сабзавот базасидир. Республика изда 1100 та совхоз, 850 тадан ортиқ колхоз, 240 та хўжаликлараро ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларда хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Ер қанча унумдор ва соғлом бўлса, унга сарфланган меҳнатнинг самараси шунча сўрмаҳсул ва баракали бўлади. Шунинг учун ҳам ерга ихлос қўйган, уни эъзозлаган деҳқонларимиз ер бойликларидан унумли фойдаланиш учун кўп ҳаракат қилмоқдалар. Ерни табиий оғатлардан асрар, эрозияга селга, захланиш ва шўрланишга қарши кураш, ирригация иншоотларини бунёд этиш, алмашлаб экишга амал қилиш, мелиорация ишларини тўғри олиб бориш шулар жумласидандир.

Сўнгра звено аъзоларидан икки ўқувчи экскурсия давомида ўзлари бажарган 6 ва 9-топшириқлар ҳақида қисқача маълумот бердилар. Улар инсон фаолияти туфайли шу ерда рўй берган ўзгаришларга кўплаб мисоллар келтирдилар.

Бешинчи ўқувчи биогеоценозларнинг географик зоналлиги ва маҳсулдорлиги ҳақида қўйидагиларни баён қилди. Биогеоценозларнинг турли типлари географик зоналлик билан боғлиқ бўлиб, буни табиий зоналар картасидан ҳам кўриш мумкин. СССР территориясида муз, тундра, нинабаргли ўрмон, баргли ўрмон, чўл ва субтропик зоналар борлиги география курсидан маълум. Мазкур зоналар ҳар бирининг ўзига хос биогеоценози бўлиб, ҳар бир зонанинг туб биогеоценозларини шу зонада энг кўп учрайдиган типлар характерлайди.

Республикамиз чўл зonasи ва тоғли ўлкада жойлашган бўлиб улар Мирзачўл, Қизилқум, Қарши, Ёзёвой, Нишон, Қорақалпоқ чўли ва бошқалардир. Чўл зонаси учун хос бўлган ўсимликлар эфемерлардир. Уларга лолақизғалдоқ, ялти́рбош, арпағон, мойчечак, исириқ нўхатак, ажриқ, юлғун ва шунга ўхшаш баҳорда кўкариб, ёзда қуриб қолувчи ўсимликлар киради.

Эфемер ўсимликлар ўрнини ёзда иссиқ ва қурғоқчиликка чидамли чўл ўсимликлар эгаллади. Буларга янтоқ, селин, илоқ, жузғун, саксовул, қуёнсуяқ, астрагалини кўрсатиш мумкин.

Чўл ўсимликлари чўл шароитига мослашиб барглари кам, майда, сертук ёки тиканга айланган бўлади. Илдизлари эса жуда узун бўлиб, ер ости сувларидан фойдаланади. Бу чўллар кейинги йилларда ўзлаштирилиб, уларга сув чиқариб, экин майдонларига, боғроғларга айлантирилди. Республикамиз чўлларида пахта, маккажўхори, арпа, каноп, полиз ва сабзавот экинлари, мевалар ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликлари экилиб, улардан мўл ҳосил олинмоқда. Инсон ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишда ўғитлаш, ерга ишлов бериш ва селекция имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Шунингдек, ерларни мелиорациялаш (ернинг ҳамини қочириш, сугориш, сув режимини, тупроқнинг химиявий таркибини яхшилаш) йўли билан ҳосилдорликни кўтариш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Бу ўқувчи ўз сўзини тугатгач, унинг звеносидаги ўқувчилардан бири экскурсия давомида бажарган иккинчи ва учинчи топшириқлар (эфемер ўсимликларни топиш ва уларга характеристика бериш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва шу жойнинг ёш ниҳоллари, бута ва дараҳтларини ҳисоблаш, номларини аниқлаш ва уларнинг баҳорги ҳолатини кузатиш) ҳақида ахборот беради.

Кейинги ўқувчининг жавоби ҳозирги фан-техника тараққиёти асрида биогеоценозлардаги ўзгаришлардан иборат бўлиб, у қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда қўйидагича ахборот берди.

Биоценоз, юқорида таъкидланғанидек, ўсимлик, ҳайвон, микроорганизм ва замбуруғлар популяциясининг мураккаб йиғиндиси бўлиб, биосферанинг миллион йиллар мобайнидаги тараққиёти натижасида таркиб топган тирик системадир. Ҳозирги замон шароитида унсон таъсирида тобора кўпайиб бораётган салбий таъсирга дучор бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришни, минерал ўғитлар ва пестицидлардан кўплаб фойдаланишни тақозо қиласи. Химиявий моддаларни ишлатишнинг ижобий томони билан бирга унинг салбий томони ҳам бўлиб, агар улар нормадан ортиқ ишлатилса, атрофдаги фауна ва флорага катта зарар келтиради. Ерга ишлов беришда қишлоқ хўжа-

лик машиналаридан нотўғри фойдаланиш ҳам биогеоценознинг муҳим компонентларидан бўлган тупроқнинг структурасини бузади, унинг унумдорлигини пасайтиради. Масалан, ғўзани бир мавсум давомида парвариш қилишда қишлоқ хўжалик машиналари ҳар бир эгатдан камида 20 марта ўтади. Бу эса тупроқнинг сифатига салбий таъсир этади, у зичлашиб кетади, тупроқда ҳаво ва моддалар алмашинуви бузилади. Шунинг учун ҳам ерга ишлов беришни янада такомиллаштириш, ёрнинг ишлаб чиқариш қувватини тиклаш, тупроқ таркибини яхшилаш, фан ва техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш ҳозиргй кундаги муҳим вазифага айланган.

Булардан ташқари, сугориладиган баъзи майдонларнинг шўрланиши, тупроқ эрозияси, денгизларнинг чекиниши, кўлларнинг саёzlаниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси баъзи бир турларининг камайиши, яйловларнинг пайҳон қилиниши шулар жумласидандир.

Хуллас, фан-техника тараққиёти шароитида инсон билан табиат ўртасидаги алоқа мураккаблашиб боради, мана шу алоқани олдиндан кўра билиш уни ижобий ҳал қилиш асосий вазифага айланиб бормоқда.

Сўнгра, ўқувчи экскурсия давомида бажарган 2-топшириқ — ҳавонинг чангланиш даражасини аниқлаш ҳақида қисқача ахборот берди. Бунда у транспорт йўли бўйидан олинган барглар намунасининг чангланиш даражаси юқори эканлиги аниқланганини гапириб ўтди.

Дарс охирида ўқитувчи ўқувчилар ахборотини умумлаштириб дарсни якунлайди. Бунда у биогеоценозлардаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва уларни ёсрash учун экологик билимга эга бўлиш зарурлиги ҳақида қўйидагиларни қўшимча қиласди: Планетамизда ҳаёт миллиард йиллар илгари энг содда организмларнинг вужудга келиши билан бошланиб, ер юзида катта ўзгаришлар содир бўлди. Органик дунё аста-секин тараққий эта борди. Жонсиз табиат билан организмлар ўртасидаги муносабат ўзгара борди. Органик дунёning узоқ давом этган эволюцияси натижасида организмларнинг ҳозирги замон турлари пайдо бўлди. Инсоннинг пайдо бўлиши билан эса табиатга бўлган таъсир янада кучайди. Инсон ўз фаолияти билан муҳитни ўзгартирди, атмосферани ва сув ҳавзаларини ифлослантириди, тупроқка минерал ўғитлар солиб, за-

паркунанда ҳашаротларга ва ёввойи ўтларга қарши химикатлар ишлатиб, табиатни заарали моддаларга бойитди. Бу эса неча миллион йиллар давомида таркиб топган табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Маълумки, табиатда бўладиган ҳар бир жараён, ҳар бир ҳодиса бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, уларнинг бирига бўлган таъсир бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар ижобий ёки салбий бўлишини билйш учун табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб боғланиш қонуниятларини яхши билиш зарур. Табиатдаги ҳодисаларнинг мөҳияти ва қонуниятларини яхши билмасдан уларга таъсир этишнинг оқибатлари кейинги вақтларда айниқса намоён бўлмоқда. Аҳоли сонининг кўпайиши саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, турли химиявий ўғитлар, пестициidlар ва гербициidlарнинг кўплаб ишлатилиши табиий мухитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир экология масалалари жуда мухим масалага айланган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун уларнинг экологиясини билиш зарур, яъни агрономия ва чорвачиликнинг барча технологияси экологик қонуниятларга мос slab тузилгандагина ва уларни тўғри амалга ошириш орқали керакли самарага эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам экологик қонуниятларни билиш давримизнинг барча ихтисосдаги кишилари учун жуда зарур, чунки бу масалаларнинг тўғри ҳал қилиниши энг аввало инсон учун, унинг саломатлигини асрash учун мухим бўлиб, табиатни, ундаги мувозанатни асрash — бу инсоннинг ўзини асрashdir. Ҳаммамизга маълумки, сув, ҳаво, ер, қуёш бўлмаса, планетамизда ҳаёт ҳам бўлмайди, шунинг учун ҳам табиатни, унинг барча компонентларини эъзозлаш керак.

Холоса қилиб шуни айтиш мумкинки, яхши тайёрланган ва муваффақиятли ўтказилган ўқув экспурсияларидан кейинги бундай умумлаштириш ва такрорлаш дарслари ўқувчиларнинг шу соҳадаги назарий билимини мустаҳкамлайди, уларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, мұстақиллигини оширади, шунингдек, уларнинг биология фанига бўлган қизиқшини ривожлантириш билан бирга меҳнат малакасини

шакллантиради ва экологик маданиятли қилиб тарбиялашга катта ёрдам беради.

Бундан ташқари, агар мактаб яқинида колхоз ва совхоз биолабораторияси жойлашган бўлса, у ерга экскурсия уюштириш жуда катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Бу экскурсия натижасида ўқувчилар биологик курашнинг аҳамиятини, заҳарли химикатлар, уларнинг атроф-муҳитга, одамларга таъсирини, бу химикатлардан фойдаланишни камайтириш, унинг ўрнига биологик усулни кўплаб қўллаш зарурлигини билиб оладилар. Масалан, ғўза ўсимлигининг кушандаси бўлган ўргимчаккана ва ғўза баргига тушган шираний йўқотишда биолабораторияларда етиштириб берилаётган хабробракон, трихограмма ва олтин-кўзлардан фойдаланилаётганлиги, ана шу усулларнинг кенг қўлланилиши туфайли инсон соғлиғига таъсир қилаётган заҳарли химикатларнинг камаяётганлиги ҳақида билиб оладилар.

**БИОЛОГИЯ ҚУРСИННИГ УМУМИЙ БИОЛОГИЯ
БУЛИМИНИ ҮҚИТИШДА ПРЕДМЕТЛАРАРО БОҒЛАНИШ
(УМУМИЙ БИОЛОГИЯ ВА ФИЗИКА) АСОСИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ДОИР БИЛИМИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

Ҳозирги кунда биологияни бошқа ўқув предметлари билан боғламай үқитишини тасаввур қилиш қийин. Предметлараро боғланишини тўғри йўлга қўйиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланиш ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги билими системасини шакллантиришга, шунингдек, уларнинг умумбиологик ғоялар (органик оламнинг эволюцияси, тирик табиатнинг тузилиши ва функцияларининг ўзаро боғлиқлиги, биологик системаларнинг ўзаро ва табиий муҳит билан муносабати ва ўз-ўзини бошқариш) ва табиий-илмий тушунчалар (моддалар, энергия, модданинг тузилиши ва хоссалари, моддаларнинг даврий айланиши, энергиянинг ўзгариши, жисем, унинг физик ҳолати, физик ҳодиса ва бошқалар)ни мустаҳкам ўзлаштиришга ижобий таъсир этиши тажрибаларда исботланган. Биология дарсларида предметлараро боғланишини қўллаш орқали биология үқитиши жараёни активлашади, ўқувчиларнинг биология ва бошқа фанларга бўлган қизиқиши ортади.

Ҳозирги замон дидактикасида мактаб табиий фанлари: химия, биология, физика, география ва бошқа-

ларнинг ўзаро боғлиқ масалалари асосий масалалардан бири бўлиб, у мактаб ўқувчиларида табиий билимларнинг яхлит системасини шакллантиришга имкон беради.

Биология курсининг умумий биология бўлимини ўқитиш жараёнида физик тушунча ва қонуниятлардан фойдаланиш ўқувчиларда биофизик тушунчаларни шакллантиришга, табиий фанлар юзасидан олган билимларнинг онгли бўлишига ва улар чуқур ўзлаштирилишига олиб келади. Шу асосда умумий биология дарсларида экологияга доир билимларни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган физик тушунчаларни ўз ичига олган жадвал тузиш мумкин, у қўйидагича ифодаланади:

Тартиб номери	Умумий биологияга оид темалар	Физика кур- сига оид те- малар	Умумий биология бўлимидағи экологик билимлар мазмуни
1.	Кириш. Умумий биология муаммолари		
2.	Яаша учун кураш ва унинг турлари	Ҳарорат, ёруғлик, намлик	Анорганик табиатнинг ноқулай шароитига қарши кураш
3.	Табиий танланиш органик олам эволюциясини ҳаракатлантирувчи кучдир		Яаша шароити танланиш омили сифатида
4.	Эволюцияни ҳаракатлантирувчи кучлар таъсирида ўзгарувчанлик	Намлик, ёруғлик	Ўсимлик ва ҳайвонлар ўзгарувчанлигига муҳит шароитининг таъсири
5.	Организмларнинг яаша шароитига мосланиши. Мосланишларнинг хилма-хиллиги	Ташқи муҳитнинг физик омиллари	Табиий муҳитнинг ўзарига қараб организмларда мосланишнинг вужудга, келиши
6.	Экология асослари		Экология-организмлар билан яаша муҳити ўргасидаги ўзаро муносабат қонуниятларини ўргатувчи фан. Организмларнинг муҳитнинг абиотик ва биотик шароитига мосланиши. Муҳит ва экологик факторлар. Иқлимининг асосий факторлари, уларнинг организмларга

1	2	3	4
7.	Биосфера ҳақидаги таълимот	Қуёш энергияси	таъсири. Табиатдаги мавсумийлик. Экологик системалар. Озиқ занжирлари. Озиқ занжирларидаги энергия сарфи. Табиий экологик системалар. Фотопериодизм. Биосфера ва биомассанинг хоссалари. Тирик модданинг хоссалари. Биосферада моддаларнинг даврий айланishi ва энергиянинг ўзгариши. Табиат қонуниятларининг бузилиш оқибатлари (тупроқ эрозияси, сув, атмосферанинг ифлосланиши)
8.	Цитология асослари	Микроскоп	Хужайранинг химиявий таркиби. Сув ва унинг ҳужайраннинг ҳаёт фаолиятидаги роли. Хужайраннинг анорганик таркиби ва уларнинг ҳужайрадаги роли. Ҳужайрада моддалар алмашинуви ва энергиянинг ўзгариши ҳужайра ҳаёт фаолиятининг асосидир. Ҳужайрадаги энергия алмашинуви ва унинг моҳияти. Энергия алмашинувида АТФнинг роли, энергия алмашинуви босқичлари, ҳужайраннинг нур таъсирида зарарланиш хусусиятлари. Ҳужайра мембраннынг ўтказувчанлигига нурлантириш ва наркотикларнинг таъсири. Фотосинтез-мураккаб кўп босқичли жараён. Фотосинтезнинг ёруғлик ва қоронғиллик фазалари, қуёшнинг ёруғлик энергиясини химиявий энергияга айлантириши фотосинтезнинг биолоғик мөҳиятидир. Бу эса ерда органик моддалар ва кислород ҳосил бўлишининг бирдан-бир манбаидир. Усимликларнинг нафас олиши ва фотосинтез, хемосинтез. Ассимиляция ва диссимилляция Модификацион ўзгарувчанлик. Белгиларнинг шаклланиши
9.	Генетика асослари	Нурланиш, ҳарорат, ёруғлик,	

1	2	3	4
10.	Биосфера ва илмий-техника прогресси	намлик, атом тузилиши, гамма нурлари, рентген нурлари	ва ривожланишида ташқи мұхиттің роли. Мутация жараённинг мұхит шароитига боғлиқлігі. Ташқи мұхиттің мутагенлар билан ифлосланиши ва унинг оқибатлары. Сунъий мутациялар олиш ва улардан фойдаланиши. Биосфера ва одам саломатліги, атроф-мұхиттың қимоя қилиш, Қызил китоб, биоценоз ва ландшафтларни сақлаш. Табиий бойликлардан фойдаланишининг кучайиши ва табиатдәгі мувозанаттің бузилиши.

Юқоридаги жадвалдан күриниб түрибдики, умумий биология дарсларини физика курсининг керакли темалари билан бөвлаб ўқытиш ўқувчиларнинг экологик маданиятини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Цитология асослари

«Цитология асослари» бўлимидаги темаларни ўтишда асосий ғоялар З та бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) ҳужайранинг химиявий таркиб топиши;
- 2) ҳужайранинг тузилиши ва функциялари;
- 3) ҳужайрада моддалар ва энергия алмашинуви.

Бу ғоялар ҳужайрани тирикликнинг бевосита тузилиш, функционал ва генетик бирлиги сифатида ўрганишга бағишиланган.

Цитология — ҳужайралар тузилиши, химиявий таркиби, ҳаёт фаолияти ва кўпайишини ўрганадиган фан.

«Цитология асослари» темасининг «Ҳужайранинг химиявий таркиб топиши» параграфини ўрганиш орқали ўқувчилар ҳужайра таркибдаги анорганик моддалар, уларнинг роли, ҳужайранинг буфер хоссасини таъминлаши, ҳужайранинг ҳаёт фаолиятида доимий

мұхитни сақлаб туриши ҳақидаги билемларни әгалайтындар.

«Хужайранинг химиявий таркиб топиши» параграфининг мазмуни кейинроқ ўтиладиган ҳужайра органдары, шунингдек, ҳужайра метаболизми темаларини ўтишда асосий фундамент бўлиб ҳисобланади. «Ҳужайранинг тузилиши ва функциялари» бўлими материаллари ўқувчиларнинг ҳужайра назарияси ҳақидаги билемини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ўқувчиларнинг политехник билеми даражасини кенгайтириш ва уларни дарс жараёнида СССР озиқ-овқат программасини бажариш йўллари ва воситалари билан танишириш учун бўлим якунида конференция дарси ўтказилиб, бунда илғор фан-техника янгиликларидан кенг фойдаланиш лозим. Шу билан бирга ўқитувчи ҳужайранинг химиявий таркиби ҳақида гапирганда, ҳужайрадаги анорганик ва органик моддалар ташқи мұхитдан ўзлаштириладиган моддалар ҳисобига ҳосил бўлиши, шунингдек учун ҳам ташқи мұхитдаги ўзгарышларнинг ҳужайра ичидаги борадиган жараёнларга таъсир этиши ҳақида ҳам гапириб ўтади. Шу асосда ўқитувчи ўқувчиларнинг экологик тушунчалари доирасини янада кенгайтириб, ривожлантириб боради. Бундан ташқари, бу темаларни ўтишда предметлараро боғланишни тўғри йўлга қўйиш орқали ўқувчиларда табиий-илмий билемлар системаси шаклланиб, йиғилиб боради.

Биологиядан мактаб программаси талабларига асосланган ҳолда методик ишланмаларни ёзишда ўқувчиларнинг мустақил ишларига ва бу ишларнинг натижасига ҳам катта аҳамият берилди.

Ўқувчиларнинг ҳужайранинг химиявий таркиб топиши, ҳужайранинг тузилиши ва функциялари, ундаги моддалар алмашинуви ва энергиянинг ўзгариши ҳақидаги материалларни ўзлаштиришларини енгиллаштириш учун программада кўрсатилган қўйидаги лаборатория ишларини ўтказиш кўзда тутилади:

1. Водород пероксидни каталаза ферменти таъсирида парчалаш.
2. Тирик ўсимлик ҳужайрасидаги плазмолиз ва деплазмолиз ҳодисаларини кузатиш.
3. Кўк-яшил сувўтлар ҳужайраларини микроскопда кўриш, ядро, ҳужайралар тузилишини кузатиш.

Элодея барги ҳужайралари цитоплазмасининг ҳаракатини кузатиш.

Тема бўйича дарслар қўйидагида тақсимланади:

1-дарс. Ҳужайра назарияси.

2-дарс. Ҳужайранинг химиявий таркиби. Анерганик моддалар.

3-дарс. Ҳужайранинг органик моддалари. Оқсиллар ва уларнинг тузилиши.

4-дарс. Оқсилларнинг хоссалари ва функциялари.

5-дарс. Углеводлар. Ёллар.

6-дарс. Нуклеин кислоталар. ДНК.

7-дарс. Нуклеин кислоталар (давоми). АТФ.

8-дарс. Эукариотлар ҳужайрасининг тузилиши, ҳужайра ташқи мембраннынинг тузилиши ва функцияси.

9-дарс. Цитоплазма. Эндоплазматик тўр. Рибосомалар.

10-дарс. Гольжи комплекси, лизосомалар, ҳужайра маркази, ҳужайрани ҳаракатлантирувчи органоидлар, ҳужайра қўшилмалари.

12-дарс. Ядро. Ҳужайранинг бир бутунлиги.

13-дарс. Прокарнотлар ҳужайрасининг хоссалари. Ҳужайрасиз организмлар — вируслар.

14-дарс. Ҳужайрада моддалар алмашинуви ва энергиянинг ўзгариши. Энергия алмашинуви босқичлари.

15-дарс. Автотроф ва гетеротроф ҳужайралар. Фотосинтез.

16-дарс. Фотосинтез (давоми). Ўсимлик ҳужайраларидағи пластик ва энергия алмашинувининг хусусиятлари.

17-дарс. Оқсиллар биосинтези.

18-дарс. Матрица синтези реакциялари. Рибосомада полипептид боғнинг синтезланиши.

2-дарс. Ҳужайранинг химиявий таркиби.

Анерганик моддалар

Дарснинг
таълими
вазифалари:

Ҳужайра ҳаётида химиявий элементларнинг ролини кўрсатиш. Ўқувчиларда ҳужайранинг асосий компонентлари ҳақидаги билимни шакллантириш; уларнинг таркиби, тузилиши ва биологик функциялари орасидаги боғланишнинг характеристикини тушунтириш.

Дарснинг
ривожлантирувчи
вазифалари:

Дарснинг
тарбиявий
вазифалари:

Үқувчиларда ҳужайранинг химия-
вий таркибига кирувчи моддалар-
ни таққослаш үқувини шаклланти-
риш, уларнинг физика, химия ва
биология предметларидан олган
билимини умумлаштириш, ҳужай-
ра таркибига кирувчи ва унинг
ҳаёт фаолияти жараёнида иштирок
этувчи моддаларнинг тузилиши,
таркиби ва хоссалари ўртасидаги
боғланишдан тўғри холоса чиқа-
риш малакасини таркиб топтириш.
Үқувчиларга жонли ва жонсиз та-
биатнинг моддий бирлиги ҳақида
билим бериш орқали уларда ил-
мий дунёқарашни тарбиялаш, яъни
жонсиз ва жонли табиатнинг тар-
кибий тузилишининг бирлиги—органик
моддаларнинг таркиби анорганик
табиатда учрайдиган эле-
ментлардан иборатлигини исбот-
лаш орқали органик олам анорганик
оламнинг кўп миллион йиллар
давом этган ривожланиши туфай-
ли пайдо бўлган деган холосага
олиб келиш.

Дарс плани

1. Ҳужайра назариясининг ривожланишида моле-
куляр биология, биофизика, биохимия, математика
фанларининг роли.
2. Ҳужайранинг атом ва молекуляр таркиби.
3. Сув молекуласининг тузилиши хусусиятлари ва
унинг ҳужайра ҳаётидаги роли.
4. Катион ва анионлар таркибига кирувчи тузлар-
нинг ҳужайра ҳаёт фаолиятидаги роли.
5. Ташқи муҳит ўзгаришларининг ҳужайрада бора-
диган жараёнларга таъсири.
6. Ўтилган дарс темасини умумлаштириш.

Дарсни жиҳозлаш. Ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг микро-
препаратлари, микроскоп, спирт лампа, гугурт, колба, сув молекула-
сидаги водород боғини тасвирловчи таблица ва бошқалар.

Дарснинг бориши

Бу темани қайси формада ўтиш ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинади, у дарсни ўқувчиларнинг билим даражасини, индивидуал хусусиятларини, моддий базани ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиши мумкун. Мисол тариқасида дарснинг лекция шаклида ташкил қилиниши билан танишамиз.

Дарс ўқитувчи томонидан ҳужайра назариясини тақрорлаш билан бошланади. Бунда у ҳужайра мустақил яшаш, ўзидан кўпайиш ва ривожланиш хусусиятига эга бўлган элементар тирик система эканлиги, «ҳужайра» терминини биринчи бўлиб инглиз олими Р. Гук таклиф қилганлиги (1665 йил), у ўсимлик танасидан тайёрданган пўкақда микроскоп остида ари уяларини эслатувчи тузилмаларни кўрганлиги ва уларни катақчалар ёки ҳужайралар деб атаганлиги ҳақида гапиради. Ҳайвон ҳужайралари (оддий организмлар, эритроцитлар, сперматозоидлар) биринчи марта голланд олими А. Левенгук томонидан таърифлаб берилган (1695 йил), аммо ҳужайра борлиқ организмларнинг структура бирлиги эканлиги микроскопик тадқиқотлар натижасида XIX асрда аниқланди. Ядро ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраларининг таркибий қисми эканлиги чех олими Я. Пуркинье (1825), инглиз ботаниги Р. Браун (1831) томонидан таърифланди. 1838—1839 йилларда немис ботаниги М. Шлейденнинг ҳужайра тузилиши ҳақидаги изланишлари асосида немис олими Т. Шванн ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраси ягона принципда тузилади ва ривожланади, деган хуносага келди ва шу тариқа ҳужайра назарияси вужудга келди.

Ҳужайранинг кўпайиши тўғрисидаги изланишлар асосида немис олими Р. Вирхов (1858 й.) «ҳар бир ҳужайра ҳужайрадан» деган принципни тавсия этди. Электрон микроскопнинг кашф этилиши, янги микроскопик тадқиқот усулларининг қўлланилиши ҳужайра тузилишини ҳар томонлама ўрганадиган цитология фанининг ривожланишига олиб келди. Бу муҳим вазифаларнинг ҳал қилиниши қишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, одамлар учун оғир оғат бўлган баъзи касалликларни енгищ, инсон умрини узайтириш каби муаммоларни ҳал қилишининг назарий асосини яратади, деб

қисқача якунлаб, ўқувчиларни ҳужайранинг элементар таркиби билан таништира бошлайди. Бунинг учун утирик ҳужайра элементларининг жонсиз табиат элементлари билан бирлиги, бу эса жонсли ва жонсиз табиатнинг бир-бiri билан боғланганини кўрсатади. Ўқитувчи ер қобиғида кислород, углерод, водород, азот, калий, кальций, темир, алюминий, магний, фосфор элементлари энг кўп тарқалганини ўқувчиларга эслатиб ўтади. Шунингдек, ҳужайрада энг кўп тарқалган элементлар кислород, углерод, водород ва азот бўлиб, улар ҳужайра таркибининг 98% ни ташкил этади. Булардан ташқари, ҳужайрада кам миқдорда бўлган элементлар ҳам борлиги, уларга калий, олtingугурт, фосфор, хлор, магний, натрий, кальций ва темир кишини гапиради. Улар ҳужайра таркибининг 1,9% ни ташкил қиласди, яна ҳужайрада ниҳоятда кам бўлган элементлар — микроэлементлар бўлиб, улар ҳужайра таркибининг 0,01% ни ташкил этади. Уларга рух, мис, йод, фтор кабилар киради. Демак, ўсимлик ва ҳайвон организми ҳужайраларида Менделеев даврий системасидаги 109 та элементдан 60 таси топилган бўлиб, баъзи элементлар миқдор жиҳатдан кўпроқ, баъзилари эса жуда ҳам кам эканлигини таъкидлайди.

Шундан сўнг, ўқитувчи ҳужайра таркибидаги химиявий бирикмаларнинг анорганик ва органик қисмларга бўлниши ҳақида гапиради.

анорганик бирикмалар		органик бирикмалар	
Сув	70—80%	Оқсиллар	10—20%
Анорганик моддалар (тузлар)	1,0—1,5%	Углеводлар	0,2—20%
		Ёғлар	1—5%
		Нуклеин кислоталар	1,0—2,0%
		АТФ ва бошқа органик моддалар	0,1—05%

Кейин ўқитувчи ҳужайранинг асосий анорганик таркибий қисми бўлган сув, унинг молекуляр тузилишининг хусусиятлари, ҳужайранинг ҳаёт фаолиятидаги роли, унинг ҳужайра физикавий ва химиявий хоссаларига таъсирини бир қанча мисоллар асосида ўқувчиларнинг физика ва химия дарсларида олган билимига асосланган ҳолда тушунтиради. Сўнгра ўқитувчи қуидаги фикрларни баён қилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳужайра таркибидаги органик ва анорганик моддалар ташки муҳитдан ўзлаштириладиган моддалар

ҳисобига вужудга келади, бинобарин, ташқи муҳитда бўлладиган ҳар хил ижобий ва салбий ўзгаришлар ҳуҗайра таркибидаги моддаларнинг тузилиши, сифати ва миқдорига таъсир этади. Масалан, ташқи муҳитнинг ифлосланиши (радиациянинг кучайици, чанг-тўзон, химиявий заарланиш ва бошқалар) натижасида ҳуҗайрада борадиган моддалар алмашинуви жараёни бузилади, ҳуҗайранинг бир бутунлиги ва ўз функциясини нормал бажариши издан чиқади, натижада ҳуҗайрада турли заарли токсингилар йиғилиб, ҳуҗайрани, шунингдек, организмни заарлайди, турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Мана шуларнинг бўлмаслиги учун организм билан муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи фан — экологияни билишнинг аҳамияти жуда катта.

Кейинги вақтда инсоннинг табиатга таъсирининг жуда ҳам кучайиши, шунингдек, экологик билимларга етарлича аҳамият берилмагандиги оқибатида турли салбий ўзгаришлар вужудга келди. Шулардан Орол тақдир, ичимлик сув муаммоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нодир турларининг камайиб бориши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, инсон-саломатлигининг ёмонлашуви ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз мамлакатда экология ишини тубдан қайта қуриш зарурлиги ҳақида бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди. Шулардан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида»ги қарори, «Орол деңгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилиши кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, 1988 йил январь ойида тузилган иттифоқ ва республикалар табиатини муҳофаза қилиш давлат комитетлари мамлакатимизда экология иши яхши йўлга қўйилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг экономика соҳасидаги фаолиятининг турли аспектларининг табиий муҳитга ва инсон саломатлигига таъсири чуқур ўрганилмоқда. Шу асосда табиий бойликлардан рационал фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш обьектларини қуриш ишларини илмий асосда планлаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз тех-

нологияларни танлаш ва жорий этиш, йигилган чиқиндиларни заарасизлантириш усулларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Дарс сўнгидаги вазифа берилади, организмларда борадиган жараёнларга ташқи муҳит факторларининг салбий таъсирига қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда бир нечта мисоллар топиб келиш зарурлиги уқтирилади.

6-д а р с. Нуклеин кислоталар. ДНК

Дарснинг
таълимий
вазифалари


Ўқувчиларнинг нуклеин кислоталар, уларнинг турлари, тузилиши, функциялари ҳақидаги библиомини шакллантириш. Нуклеин кислоталарнинг биологик аҳамиятини мисоллар билан кўрсатиш. Оқсил — ферментларнинг ДНК ва РНК ни синтезлашдаги роли ҳақидаги библиомини янада ривожлантириш.

Дарснинг
ривожлантирувчи
вазифалари


Ўқувчиларнинг нуклеин кислоталар ҳақида «Одам ва унинг саломатлигига» курсида олган тушунчаларига асосланган ҳолда тирик табиат учун хос бўлган оқсиллар синтезининг моҳиятини очиб бериш ва шу асосда ҳужайра ҳаётида нуклеин кислоталарнинг ролини тўғри тушуниш уқув ва малакасини шакллантириш.

Дарснинг
тарбиявий
вазифалари

Нуклеин кислоталарнинг ҳужайра тириклигини сақлашдаги ролини тушунтириш орқали ўқувчиларнинг ҳаёт пайдо бўлиши ҳақидаги илмий билимларнинг янада ривожлантириш. Ташқи муҳит факторларининг таъсири натижасида нуклеотидларда борадиган ўзгаришларни тушунтириш орқали уларга экологик таълим-тарбия бериш.



Нуклеотиднинг тузилиш схемаси



Дарс плани

1. Оқсилларнинг тузилиши ва функцияси.
2. Нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва аҳамияти.
3. Ташқи мұхитдаги баъзи моддалар таъсирида нуклеин кислоталарда борадиган ўзгаришлар.
4. Дарсни мустаҳкамлаш ва уйга қазиға бериш.

Дарсни жиҳозлаш: ДНК нинг модели, оқсилнинг модели, оқсил ва нуклеин кислоталарни ифодаловчи ҳар хил таблица ва жадваллар.

Бу темалар ўқувчилар томонидан анча қийин ўзлаштирилишини ҳисобга олиб, уни ўқитувчи лекция асосида ўтиши мумкин. Бунинг учун у аввал ўқувчиларнинг оқсиллар, уларнинг ҳужайрадаги роли ҳақида олган билимини эсга олиб, конкретлаштириб, сўнг нуклеин кислоталар ҳақида тушунчаларни шакллантиришга ўтади. Сўнгра «нуклеин кислоталар» терминини тушунтиради, яъни бу ном лотинча «нуклеус», ядро сўзидан олинганлиги, у биринчи марта ҳужайра ядро сидан топилган бўлиб, улар ҳужайрада оқсилларнинг синтезланишида муҳим роль ўйнаши ҳақида гапириб ўтади. Шунингдек, ўқувчиларга IX синфда ўтилган эволюцион таълимот (дарвинизм) курсидан ирсий) ўзгарувчанлик — мутациялар, генлардаги ўзгаришлар, яъни нуклеин кислоталарнинг маълум бир участкасидаги ўзгаришлар билан боғланганлиги маълум. Ўқитувчи нуклеин кислоталар ҳақида гапирганда, улар ҳам оқсиллар каби макромолекулалардан, яъни оқсиллардан ҳам йирик молекулалардан иборатлиги, уларнинг молекуляр массаси 6500000—13000000 га tengлиги, улар узун полимер занжир ҳосил қилиши, полимерлар эса нуклеотидлар деб номланувчи мономерлардан ташкил топганлиги ҳақида гапириб, уни 80-бетда кўрсатилгандек тасвирлайди:

ДНК таркибида 4 хил нуклеотид бўлиб, улар бирбиридан фақат азотли асосининг тузилиши билан фарқ қиласди, яъни ДНКнинг молекуляр занжири қуйидаги тартибда бўлади: аденин-тимин, гуанин-цитозин ёки тимин-аденин, цитозин-гуанин. Молекуланинг қолган қисми бир хил, яъни углеводлар ва фосфат кислотадан иборат.

ДНК занжирида нуклеотидлар мана шу фосфат кислота ва углеводлар орқали бир-бири билан боғланади. Бир нуклеотид фосфат кислотанинг гидрооксили қўши нуклеотид углеводининг гидрооксили ҳисобига бир

молекула сув ажралиб чиқиб, нуклеотидлар қолдиғи үзаро ковалент бое ҳосил қиласы.

Шундан сүнг ўқитувчи ДНК редупликацияси ҳақида тушунча беради. Бунинг учун у ДНК редупликацияси схемасидан фойдаланади. Ҳужайра бўлинішидан олдин ДНК молекулалари икки ҳисса ортади, яъни ДНК нинг 2 та спиралли атрофидаги бўш нуклеотид билан бирнишиб, янги бое ҳосил қиласы, лекин бу занжирдаги боғлар маълум бир қонуният асосида жойлашади, яъни занжирдаги А нинг қаршисига албатта Т. Г нинг қаршисига эса Ц жойлашади ва ҳоказо. Натижада бир молекула ДНК ўрнига икки молекулá ДНК ҳосил бўлади. Бу жараён редупликация (икки ҳисса ортиш) дейилади. Демак, янги ҳосил бўлган ДНК молекуласининг бир занжири олдинги молекуласидан иборат бўлиб, иккичи занжири эса янгидан синтезланади. Бинобарин, янгидан ҳосил бўлган иккала спираль дастлабки ДНК молекуласининг спиралли билан бир хил бўлади, яъни:

Аденин		Тимин
Гуанин		Цитозин
Цитозин		Гуанин
Тимин		Аденин
Тимин		Аденин
Цитозин		Гуанин

А ва Т ўртасида 2та, Г ва Ц ўртасида 3 та водород бое ҳосил бўлади. Демак, А ва Т боғда А ни Т тўлдиради, Г ва Ц боғда Г ни Ц тўлдиради. Бир занжирдаги нуклеотидларнинг жойлашишига қараб, иккичи занжир нуклеотидларини жойлаштириш комплементарлик асосида олиб борилади. («тўлдириш» ёки «жойлаш»—лотинча «комплемент» дейилади). Сүнг ўқитувчи темани экологияга боғлаб қуйидагиларни қўшимча қиласы: ҳужайра темасини ўтишни бошлаганда муҳитнинг ўзгариши натижасида ҳужайрада борадиган жараёнлар бузилади, унинг бир бутунлиги йўқолади, дейилган эди. Мана шуни нуклеотидлар асосида тушунтиради.

Кейинги пайтларда турли хил химикатларнинг кўпласб ишлатилиши натижасида тупроқнинг структураси

бузилиб, унда ҳар хил заарли моддалар тўпланган. Мана шу тупроқдан озиқланган ўсимликлар ҳужайрасида бундай моддалар йифилиб, уларни заарлаганлиги аниқланган. Масалан, тарқибида азот сақловчи моддалар ҳужайрадаги ДНК таркибидаги аденин, цитозин, гуанин каби азотли асослар билан реакцияга киришиб, унинг таркиби ўзгаришига сабаб бўлади, яъни нуклеотидлардан аденин-тимин ўрнига цитозин-гуанин ҳосил бўлади, бу эса ҳужайрадаги жараёнларнинг бузилишига, турли касалниклар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, муҳит радиациясининг ортиши натижасида ДНКда борадиган синтез жараёни бузилиб, ҳужайрада турли токсинлар йифилади ва уни заарлайди. Булардан ташқари, ўқитувчи матбуот саҳифаларида шу темага оид материаллардан ҳам кўплаб мисол келтириши мумкин.

Дарснинг охирида қуйидаги жадвални дарсликдан фойдаланган ҳолда мустақил иш сифатида тўлдириб, саволларга жавоб топиб қелишни уйга вазифа қилиб бериш мумкин.

ДНК, унинг таркиби ва ҳужайрадаги биологик аҳамияти

ДНК, унинг мономерлари ва химиявий боғланиши	Таркибининг хусусиятлари	Қаерда учрайди
ДНК Нуклеотидлари Нуклеотидларнинг жойлашувидаги қонуният Водород боғлар		

Генетика асослари

Мазкур тема мазмун жиҳатидан эволюцион таълимот, ҳужайра, организмларнинг ривожланиши ва кўпайишига доир темалар материали билан узвий боғланган. Бу темаларда ирсият ва ўзгарувчанликнинг диалектик бирлиги масаласи эволюцион таълимот темалари дагига нисбатан чуқурроқ ўтилиши сабабли ўқувчилярнинг органик олам эволюцияси жараёнида тирик организмларнинг ролини янада яхшироқ тушунишларига ёрдам беради. Шунинг учун генетика асослари темаларини эволюцион таълимот темалари билан узвий боғлиқ ҳолда ўтиш зарур.

«Генетика асослари» темаларини тушуниш осонроқ бўлиши ва бу жараёнларнинг боришини амалда кўриш, генетик тажрибалар ўтказиш учун жонли табиат бурчаги ва мактаб ўқув-тажриба участкасида маҳаллий материаллар асосида турли амалий ишлар бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу темани ўтиш учун дастлаб генетика фанига характеристика берилади.

Генетика тирик организмларнинг икки хусусиятини — ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганади. Генетика сўзи грекча «генетикос» туғилиш, келиб чиқиш дегав маънени англатади. Ирсият организмларнинг ўз белги ва хоссаларини келгуси бўғинга ўтказиш хоссасидир. Бу хосса организмларнинг характерли белгиларини наслдан-наслга сақлаб қолиш имконини беради. Тур доирасида индивидлар ўртасидаги фарқ ўзгарувчанликдир. Ўзгарувчанлик организмлар ривожланадиган ташқи шароитга боғлиқ. Масалан, ҳайвонларни боқиша асраш шароитига қараб, зотнинг хоссалари намоён бўлади. Ирсият ва ўзгарувчанлик, Ер юзидағи орғаник олам эволюциясини (тараққиётини) таъминловчи икки муҳим фактордир.

Организмларнинг ота-онасидан оладиган ирсиятнинг моддий асослари йиғиндиси унинг генотипидир. Ташқи ва ички белги-хўссаларнинг йиғиндиси эса унинг фенотипидир.

Организм фенотипининг ирсий асоси генотипнинг ташқи муҳит шароити билан ўзаро таъсирига боғлиқ бўлиб, генотип бир бўлгани билан ривожланиш шароити ҳар хил бўлса, организмнинг белгилари бир-бираидан фарқ қилиши мумкин. Буни қоқиёт устида тажриба ўтказиш орқали кўрсатиш мумкин. Бунинг учун ўқувчиларга битта илдиздан ўстирилған иккита қоқиётнинг ўзгарувчанлигини мустақил кузатиш топширилди (ишини бажариш дарсликда берилган).

Ўзгарувчанлик қонуниятлари

Ўзгарувчанлик тур ичидаги индивидларнинг ўзаро фарқи бўлиб, организмнинг ташқи шароит билан ўзаро муносабатини акс эттиради. Ўзгарувчанлик ирсий ва ноирсий хилларга бўлинади. Ноирсий ўзгарувчанлик организм белгиларининг ўзгариши бўлиб, у наслдан-наслга берилмайди. Бу ўзгарувчанлик модификацион ўзгарувчанлик дейилади. Ирсий ўзгарувчанлик генотип

билин боелиқ бўлганлигидан орғанизмнинг белги-хоссалари наслдан-наслга ўтади. Бундай ўзгарувчанлик мутацион ўзгарувчанлик бўлиб, бунда орғанизмларнинг генотипи ўзгаради.

Демак, ирсий ўзгарувчанлик (мутацион ўзгарувчанлик) организм генотипининг, ноирсий ўзгарувчанлик (модификацион ўзгарувчанлик) организм фенотипининг ўзаришидир.

Организм белги-хоссаларининг ривожланиши генотип билан ташки шароитнинг ўзаро таъсирига боелиқ. Ташки шароит қулай бўлса, организм ривожланади, масалан, тухум товуққа бостирилса ёки инкубаторга қўйилсагина ундан жўжа чиқади, уруғ қулай температура ва намлик бўлсагина униб чиқади.

Белгиларнинг ўзаришига ташки шароитнинг таъсирига бир нечта мисоллар келтириш мумкин. Кartoшкани кўзчалари сонига қараб бўлакларга бўлиб, улар иссиқлик, намлик, ёруғлик, тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлган ерга экиб парвариш қилинса, генотипи бир хил бўлишига қарамай, улардан ўсиб чиқсан картошка ўсимликлари ҳар хил бўлади. Лекин тугунаклар бир хил шароитга экилса, улардан бир хил ўсимликлар ўсиб чиқади. Масалан, наврўзгул (примула)нинг баззи бир турлари 15—20°C да қизил гуллайди, агар шу ўсимлик 30—35° иссиқ жойга қўйилса, гули оқ бўлади.

Демак, турли шароитда турли белгилар учун модификацион ўзгарувчанлик чегараси турлича бўлади. Белгининг модификацион ўзгарувчанлик чегараси шу белгининг *реакция нормаси* дейилади. Реакция нормаси орғанизмнинг турли белгиларида турлича бўлади. Масалан, яхши боқиш билан қорамолларнинг сути ортиб боради, лекин сутининг ёғлилик даражаси деярли ўзгармайди, чунки сутининг ёғлилиги зотнинг доимий хоссасидир. Фўза ўсимлиги унумдор ерда, нам ва иссиқлик етарли бўлса, бўйчанг, барг пластинкаси, кўсаги анча йирик, пахта толаси узун бўлади. Ноқулай шароитда эса бунинг акси бўлади. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам толанинг ранги ўзгармайди.

Демак, қорамол сутининг кўпайиши, фўзанинг бўйчан бўлиб ўсиши, барг, кўсак ва чигитнинг йириклиши, толанинг узайиши каби белгиларнинг реакция нормаси катта, сутининг ёғлилиги, барг, кўсак, тола рангининг реакция нормаси кичикдир. Ўсимлик навлари ва

хайвон зотларининг қайси белгилари катта, қайси белгилари кичик реакция нормасига эга бўлишини билиш қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Меваларнинг янги навларини чиқаришда шу қонуниятлардан кенг фойдаланилади.

Мутацион ўзгарувчанлик модификацион ўзгарувчанликдан тубдан фарқ қиласди, бу ўзгариш организм генотипининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгаришdir. Бунда ҳосил бўлган янги белги ва хоссалар (мутациялар) ташқи муҳит қандай бўлишидан қатъий назар, наслдан-наслга берилаверади. Мутацион ўзгарувчанлик натижасида ҳосил бўлган организмлар мутантлар дейилади.

Мутация ташқи омиллар ёки ички сабаблар таъсирида содир бўладиган ирсий ўзгаришлар бўлиб, бу организмларда янги белги ва хоссалар ҳосил бўлишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, мутация — генларнинг сони ҳамда хромосомалар сони ва структурасининг ўзгаришидир.

Хозирги замон фани мутацияларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганишга имкон берди. Мутациялар модификацион ўзгаришлардан бутунлай фарқ қиласди.

1. Мутациялар тўсатдан вужудга келади.
2. У организм белгиларини бирданига ўзгартиради.
3. Бу ўзгаришлар келгуси бўғинга қатъий равишда берилади.

Мутациялар организмнинг ҳар қандай хоссаларини ўзгартириб, эволюция жараёни учун янги формалар вужудга келтирувчи манба бўлиб ҳисобланади. Эволюция жараёнида ҳосил бўладиган мутациялар организм учун заарли, нейтрал ва фойдали бўлиши мумкин. Фойдали мутациялар организмнинг ноқулай шароитига чидамлиликни оширади.

Сунъий мутациялар олиш ва улардан амалда фойдаланиш

Инсон қадимдан бери ҳайвон ва ўсимликларнинг янги-янги формаларини вужудга келтиради. Шунингдек, олимлар томонидан сунъий йўл билан организмлар ирсиятини ўзгартиришга кўпдан-кўп ҳаракатлар қилинган. 1925. йилда олимлардан Г. А. Надсон ва Г. С. Филипповлар ачитқи замбуруғларга рентген нурлари таъсир эттириб, мутациялар ҳосил қилгацлар.

1932—36 йилларда С. Я. Краевой рентген нурлари таъсирида, нўхатнинг, 1937 йилда А. Н. Лутков арпанинг фойдали мутацияларини ҳосил қилганлар.

Ўсимликларнинг уруғига, чанг доначаларига, мевасига, илдизига, умуман ўсиш ва ривожланиш жараёнинг барча босқичларида уларга нур таъсир эттириш мумкин.

Ўқувчиларга физика кўрсидан яхши таниш бўлган гамма нурлар, нейтронлар, ультрабинафша нурлар ҳам мутациялар ҳосил қилади. Радиоактив нурлар таъсирида ген мутациялари ва хромосомалар структураси ўзгаради. Катта дозадаги радиоактив нурлар ҳар қандай организмга зарарли таъсир этиб, уларни нобуд қилади. Одам учун 600 рентген, сичқоилар учун 900 рентген зарарли доза ҳисобланади, 2500000 рентген барча тирик мавжудотларни нобуд қилади. Кичик дозадаги нур ҳужайранинг бўлининини тўхтатади. Ҳужайранинг ядроси цитоплазмага нисбатан радиоактив нурлар таъсирига кўпроқ берилувчан бўлади. Ҳужайраларнинг физиологик ҳолатига қараб, нурдан таъсириланиш кучи ўзгаради. Масалан, етилмаган жинсий ҳужайра етилган жинсий ҳужайрага қараганда кўпроқ таъсириланади. Одам ҳужайраси ўсимликлар билан ҳайвонлар ҳужайрасига нисбатан нур таъсирига жуда чидамсиз бўлади. Академик Н. Н. Назировнинг кузатишларига қараганда, ғўзанинг илдиз системаси ер усти қисмига нисбатан, кечпишар навлар эртапишар навларга нисбатан рентген нурларига анча чидамсиз бўлар экан. Радиоактив нурлар таъсирида рўй берадиган мутация жараёнини ўрганиш медицина, қишлоқ ҳўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Селекцияда қимматли белгиларга эга бўлган мутациялар олиш учун гамма нурлар, рентген нурлари, нейтронлар ва турли хил химиявий мутагенлардан (этиленамин, нитрозоалкилмочевина, этилметансульфат ва бошқалардан) кенг фойдаланилади.

Кейинги 15—20 йил давомида мутагенлар — радиоактив нурлар ва кучли химиявий бирикмалар таъсирида вируслардан тортиб то сут эмизувчи ҳайвонлар гача сунъий мутациялар олиш мумкинлиги исботланади.

Генетикада нурланишнинг зарарли дозаси билан бирга критик дозаси ҳам бўлиб, бу дозада организмнинг аҳволи анча оғир бўлади, нобуд бўлмай қолган-

ларидан бир нечта мутациялар олинади. Ҳозир ҳар хил экинлар уруғи учун радиоактив нурларнинг критик дозаси аниқланган.

Гамма ва рентген нурларининг баъзи экинлар уруғи учун критик (мутаген) дозаси

Экинлар уруғи	Мутаген (критик) доза	Экинлар уруғи	Мутаген (критик) доза
Юмшоқ буғдой	15—20	Маккажӯхори	10
Жавдар	10—20	Кунгабоқар	5—7
Ирик буғдой	5—20	Шоли	20—60
Арпа	20—25	Кунжут	20
Сули	25—30	Нўқат	5—10
Ловия	10	Зигир	100—200
Ғўза (хирзутум)	20—25	Картошка	5—10
Ғўза (барбаденза)	25—50	Помидор	20—25
Бодринг	50	Сабзи	80
Қовун	16	Тарвуз	40
Пиёз	1—5	Мош	10—25

Бошқа экинлар қатори ғўза устида ҳам кўплаб тажриба ўтказилган. Америка олимларидан И. Мак-Кей ва Т. Гудспидлар биринчи бўлиб ғўзанинг чанг доначаларини ҳар хил дозадаги рентген нурлари билан нурлантириб, сўнгра бу чанг билан она ўсимлигини чанглантириб, туксиз чигитли навлар (мутантлар) олдилар. А. А. Қулиев 1963 йилда ғўзанинг 2441 навли чигитини экишдан олдин гамма нурлари ва нейтронлар оқими билан нурлантириб, фойдали мутантлар олишга муваффақ бўлди. Узбек олимлари Ш. И. ИброХимов ва П. Файзиевлар 108-Ф навли ғўза ўсимлигини шоналаш даврида гамма нурлари билан нурлантириб, серҳосил, йирик кўсакли мутант олдилар ва ҳоказо.

Мамлакатимизда радиоактив нурлар ва химиявий мутагенлар таъсир эттириб, серҳосил, йирик донли, туши ётиб қолмайдиган, касалликларга чидамли буғдой, йирик кўсакли ғўза, серҳосил помидор, тамаки, беда, арпа, жавдар, маккажӯхори ва бошқа кўпгина ўсимликларнинг навлари чиқарилиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилинди.

Биосфера ҳақидаги таълимот

Биологиядан янги программага мувофиқ, мазкур тема XI синфда ўтиладиган дастлабки тема бўлиб, унга З соат вақт ажратилган. Темани ўтиш учун ажратилган вақт кам бўлса ҳам, унинг мазмуни биологик билимларнинг инсон ҳаётидаги кенг ва ҳар томонлама аҳамиятини кўрсатиб, илмий дунёқарашни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур тема орқали ўқувчиларга бутун планетада рўй берадиган барча ҳаётий жараёнлар ҳақида билим берилади. Бу тема «Экология асослари» темаси билан узвий боғланган бўлиб, унда экология асослари тема-сидаги тушунчалар янада ривожлантирилади.

Дарсни қўйидаги темалар бўйича ўтиш мумкин.

1-дарс. Биосфера ва биомассанинг хоссалари.

2-дарс. Ер планетасидаги биомасса.

3-дарс. Биосферада моддаларнинг даврий айланиши ва энергиянинг ўзгариши.

Қўйида дарсни ўтиш усули билан танишамиз.

2-дарс. Ер планетасидаги биомасса

Дарснинг мақсади. 1. Тупроқда ўсимлик ва тирик массанинг тарқалиши ва уларнинг ҳаёт фаолиятини кўрсатиш. 2. Жаҳон океанидаги экосистема ҳақида гапириш. 3. Тирик модданинг хоссаларини тушунтириш.

Дарс плани

1. Қуруқлик юзасидаги биомасса.
2. Тупроқдаги биомасса.
3. Жаҳон океанидаги биомасса.
4. Ер планетаси биомассасига инсон фаолиятининг таъсири.

Дарсни жиҳозлаш. Биосфера ва биомассани тасвирловчи таблицилар.

Дарснинг бориши

Ўқитувчи дарсни план асосида лекция дарси сифатида ўтиши мумкин. Бунда ўқитувчи тупроқнинг ўзига хос биоценозлари, унинг органик қолдиқлари билан

доимо бойиб туриши, тупроқдаги тирик организмларнинг жойлашгани, улардаги рақобат, тупроқда газлар ва минерал моддалар алмашинуви ҳақида, шунингдек, тупроқда рўй берадиган жараёнларнинг ҳаммаси биосферадаги моддаларнинг даврасимон айланишига боғлиқ эканлиги тўғрисида гапиради. Темани ўтишда ўқувчиларнинг экологик билимини янада бойитиш мақсадида ўқитувчи шароитни ҳисобга олган ҳолда планнинг І, II пунктига қўйидагиларни қўшимча қилиши мумкин.

Тупроқ табиатнинг асосий таркибий қисми бўлиб, инсон ҳаёти учун энг зарур маҳсулот етишириш воситасидир. Демак, тупроқ қимматли қабиият ресурс бўлиб, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Доно халқимизнинг «Ер бойлиги — эл бойлиги» деган ибораси ҳам бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсоннинг бутун ризқ-рўзи, фаровонлиги, соғлиғи табиатнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган она еримизнинг тоза, унумли бўлишига боғлиқdir. Лекин кейинги вақтда саноат ва транспортнинг ривожланиши, шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг кенгайиши унумдор ерларни қисқартиришга, тупроқни қайта шўр босиши, ботқоқланиши, шамол ва сув эрозиясига учраши ҳам унумдор ерларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга кўп жойларда тупроқ саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндилари, заҳарли химикатлар билан ифлосланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ер бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш борасида кўпгина чора-тадбирларни амалга ошироқда.

Сўнгра ўқитувчи Жаҳон океанидаги биомасса ҳақида ахборот беради. Бунда у Жаҳон океани планетанинг 2/3 қисмидан кўпроғини эгаллаши, уларнинг табиият хоссалари, химиявий таркиби, ундаги ўсимликлар ва ҳайвонот олами, яъни ҳозирги вақтда океанлarda 150000 тур ҳайвон, 15000 турга яқин сув ўсимликлари мавжудлиги, уларнинг ҳаёти ҳақида гапириб, планктон, нектон, бентос организмларни тушунтиради.

Кейин ўқувчилар ўзлари тайёрлаган «Океандаги биомассанинг озиқ занжири» ҳақидаги таблицадан океандаги организмларнинг озиқланишини схема асосида тушунтириб берадилар.

Сув табиат ресурслари орасида алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, сувсиз на инсон ҳаётини, на

жонли табиатнинг равнақини тасаввур қилиш қийин. Айниқса республикамиз шароитида ёз ойлари мобайнида сувга талаб жуда катта бўлади.

Ҳозир океан, дengizларда 1,3 млд. км³ сув бўлиб, лекин бу сувнинг кўп қисми шўр, фақат 300 минг км³ га яқини чучук сувдир. Дунёдаги тоза сув запаси йилдан-йилга камаймоқда. Бу аҳоли сонининг ортиши, кўп сув талаб қиласидиган саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, сувнинг ифлосланиб бораётганлиги ва ортиқча исроф қилиш туфайли содир бўлмоқда.

Денғиз, океан ва чучук сув ҳавзалари нефть маҳсулотлари билан ифлосланмоқда, бу эса улардаги ҳаётга салбий таъсири этмоқда, яъни унда яшовчи балиқлар, бошқа организмлар, сувўтларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда деҳқончиликда қўлланилаётган заҳарли химикатлар халқ хўжалигига, инсон саломатлигига ва умуман табиатга жуда катта зарар келтирмоқда. 1953 йили Канада ўрмонларидаги задаркунандаларга қарши кўп миқдорда (1 га ерга 500 г дан) ДДТ сепилган. Дорилангандан 3 кун ўтгач, Мирамиши дарёсидаги кўп балиқлар нобуд бўлган, уларни еган қушлар ҳам кўплаб ҳалок бўлган. Шунга ўхшаш салбий ўзгаришларни республикамида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги чорак аср мобайнида инсон табиатдаги мувознатга птур етказди. Орол денгизи қурий бошлади. Бунга асосий сабаб, уни сув билан таъминловчи Амударё билан Сирдарёning суви кўплаб ва норационал сарфланиши туфайли Оролга қуилиши кескин камайиб кетди. Бунинг натижасида денгизнинг сув сатҳи 12,5 метр пастга тушди, майдоңи эса 25000 квадрат километрга қисқарди, унинг ҳар бир метр куб сувида ўрта ҳисобдан 11 г дан 23 граммгacha туз кўпайди. Қорақалпоғистон, Хоразм области, Туркманистоннинг Ташовуз обlastининг иқлими ўзгариб, ёз ойлари ҳарорат юқори бўлиб, намлиги камаймоқда. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсири кўрсатмоқда. Ҳайвон ва ўсимликларнинг бир қанча турлари йўқолиб кетмоқда. Орол денгизининг қуриб қолган жойларида кучли чанг тўзон бўронлари содир бўлиб, кўплаб тузларни аҳоли яшайдиган районларга учириб кетмоқда. Шунинг учун ҳам Орол бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш, ўлар-

нинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди ва бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Ород денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унинг IV пунктига қуйидагиларни киритиш мүмкин. Саноатни жадал суръатлар билан ривожлантириш, табиий ресурслардан борган сари кўп фойдаланиш аҳоли сонининг йил сайин ортиб бориши, тупроқ, сув, атмосферанинг ифлосланиши барча мамлакатларда рўй бермоқда. Шунга кўра, табиатни муҳофаза қилиш жаҳон муаммосига айланди ва бир қанча мамлакатларнинг бу соҳада ҳамкорликда иш олиб бориши зарурати туғилди. 1948 йилда Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш иттифоқи (МСОП) тузилиб, унга 35 давлат аъзо бўлди. Иттифоқ йўқолиб бораётган популацияларни сақлаб қолиш, янги қўриқхоналар ташкил этиш ва табиат муҳофазаси соҳасидаги бошқа ишларни амалга оширмоқда. Бу масала 1962 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг кун тартибиға қўйилди. Биосферадан оқилона фойдаланиш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишга бағишлиланган мамлакатлараро конференция БМТ нинг маориф, маданият бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО томонидан 1968 йилда чақирилиб, бутун биосфера миқёсида табиатни муҳофаза қилишнинг барча муҳим муаммоларини кўриб чиқиб, инсон ва биосфера деб номланган программа ишлаб чиқди. 1969 йилда «Қизил Китоб» ва «Яшил китоб» жорий қилинди.

«Қизил китобда» йўқолиб кетиш арафасидаги сувда ва қуруқда яшовчилар, судралиб юрўвчилар, қушлар, сут эмизувчилар, «Яшил китоб»да эса споралилар, очиқ ва ёпиқ уруғли ўсимлик турлари кўрсатилган.

Биосферани муҳофаза этиш ва экологик ҳалокатнинг олдини олиш мақсадида БМТ 1978 йилдан бошлаб ҳар йили 5 июнда «Табиатни муҳофаза қилиш куни»ни ўтказишга қарор қилди. Қейинги 10 йил мобайнида табиатни муҳофаза қилишнинг янги формаси — биосфера қўриқхоналарини ташкил қилиш айниқса ривожланди. Бундай қўриқхоналарда табиатни муҳофаза

қилиш фақат миллий, умумдавлат муаммоси бўлмай, жаҳон муаммосига айланганлиги сабабли бир қанча мамлакатлар ҳамкорлигига иш олиб борилади.

Бошқа турли қўриқланадиган масканлардан фарқ қилиб, биосфера қўриқхоналарида бутун ер юзи экосистемасининг намуналари муҳофаза қилинади. Ҳозир 55 та мамлакат аъзолари иштирокида 209 та биосфера қўриқхонаси ташкил қилинган бўлиб, улар табиат муҳофазаси соҳасида ибратли ишларни амалга ошироқмодалар.

Ўқитувчи ахбороти давомида «Ўзбекистон қўриқхоналари» номли диафильмдан парчалар, шу соҳага банишланган адабиётни кўрсатади. Дарс охирида табиат муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот беради.

Дастлаб ўқитувчи қўриқхоналар ҳақида сўзлаб асосан Европада, Фарбий Сибирь, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Урта Осиёда жойлашганини таъкидлайди. Шунингдек, ўқитувчи қўриқхоналарни кўпайтириш соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталиб шундай дейди: Ҳозирги вақтда айрим регионларнинг ўзига хос ландшафт зоналарида махсус қўриқхоналар ташкил қилиш планлаштирилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини эҳтиёт қилиш, йўқолиш хавфи туғилган ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида бир қанча қўриқхоналар ташкил қилинди. Республикамизда 13 та қўриқхона бор. Уларда 430 тур қуш, 40 тур сут эмизувчи ҳайвон, сув ҳавзаларида 70 турдан ортиқ балиқ муҳофаза қилинади. Қўриқланадиган майдонларда «Ўзбекистон Қизил китоби»га киритилган 31 тур нодир қуш 32 тур сут эмизувчи ҳайвон, 10 тур судралиб юрувчи ва бир неча тур балиқ муҳофаза қилинади. Булардан ташқари, Ўзбекистонда 7 та заказник бўлиб, уларда кўплаб овланадиган қимматли ҳайвонлар муҳофаза қилинади ва кўпайтирилади. Баъзи жойларда табиатнинг айрим нодир объектлари, масалан, ажойиб қоятошлар ёки ер юзасига чиқиб қолган тоғ жинслари ва бошқалар эҳтиёт қилиб сақланади. Бахмал районидаги «Қирққиз» табиий қалъаси, Зоминдаги «Уч қиз» тоши, Хатирчи районидаги «Сангижумон» харсанги алоҳида аҳамият касб этади. Республикамизда муҳофазага муҳтож бўлган ландшафт комплекслари ҳам бор. Бўстонлиқ, Оқтош, Чимён, Мироқи, Арнасой, Ўрикли кўл, Куйтош,

Ҳазрати Башир ва бошқа кўпгина табиат комплекслари шулар жумласига киради. 400 дан ортиқ табиий обидалар давлат назоратига олинган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда табиат муҳофазасининг янги шакли — халқ парклари ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда Жizzах обlastida 57000 га майдонни эгаллаган Зомин халқ парки ташкил этилган. Халқ паркларида табиий комплекслар эҳтиётлик билан муҳофаза қилинади ва улар меҳнаткашларнинг гўзалдам олиш жойига айланади.

Сўнгра ўқитувчи табиат муҳофазаси соҳасида ботаника боғларининг фаолияти ҳақида гапиради. Бунда у мамлакатимизда 100 дан ортиқ ботаника боғлари мавжудлиги, уларда ўсимликларни иқлимлаштириш ва бошқа соҳаларда кўплаб илмий ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида гапиради.

Дарс якунида тема умумлаштирилади ва якунлади.

Табиатни муҳофaza қилиш борасида ўқувчиларнинг мактаб ўқув-тажриба учгаасткасида, меҳнат ва дам олиш лагерларида, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари, звеноларида олиб борган мустақил ишлари тўғрисида қисқача ахборотлар тайёрлаб келиш уйга вазифа қилиб топширилади. Бу ахборотларда маҳаллий колхоз, совхоз ва саноат корхоналарининг табиат муҳофазаси юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида аниқ мисоллар келтириш лозимлиги таъкидланади.

«Шовқин» темасини ўтиш

Мактабда ўқувчиларга «Шовқин» ҳақида маълумот бермаслик мумкин эмас, чунки шовқин кишилар тинчлиги ва саломатлигини бузадиган хавфли биологик-физик омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли бутушунчани ўқувчиларда атрофлича шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Шовқин ҳақидаги тушунчалар ўқувчиларда бирданига шаклланмасдан, бир қанча фанларни ўрганиш асосида кенгайиб, ривожланиб боради. Масалан, ўқувчилар ботаника курсидан яшил ўсимликларнинг аҳамияти ҳақидаги тёмани ўрганиш жараёнида «Шовқин ва унга қарши кураш» ҳақида дастлабки тушунчага эга бўладилар. Сўнгра «Одам ва унинг саломатлиги» кўр-

сини ўрганишда уни бирмунча кенгроқ ўрганадилар. Бунда ўқувчилар «шовқин»нинг зарарли таъсирини инсоннинг эшитиш органларига, нерв системасига, уумман, соғлиғига ва иш қобилиятига таъсири, ишлаб чиқаришда шовқинга қарши кураш усуллари ҳақида билимга эга бўладилар. Ўқувчиларга бериладиган бу тушунчалар етарли эмас, чунки «шовқин» бу физик жараён бўлиб, у муҳитни ифлослайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу тушунчани физика нуқтаи назаридан атрофлича ҳал этмоқ керак. Бунда ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимига суюнган ҳолда, уларни янада мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ривожлантириш зарур.

Х синф физика курсида «Шовқин» темасини ўтиш жараёнида ўқувчиларда мазкур тема юзасидан системали ва атрофлича тушунча ҳосил қилиш учун предметлар алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда қўйида-гича акс этдириш мумкин:

Тушунчалар	Предметлар
а) шовқин тўлқинлари б) шовқинни ўлчаш	физика
Шовқин манбаси: а) абиотик б) биотик	табиатшунослик география биология
в) Антропоген (ишлаб чиқариш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилишлари, турмушдаги шовқин)	Биологиянинг одам ва унинг саломатлиги, ўсимликлар, умумий биология бўлимлари, табиатшунослик, физика, география
Шовқин таъсири: I. Одамга: а) эшитиш органига б) кўриш қобилиятига товуш органига, юрак ишига в) нерв системасига (асабига) а) бутун организмнинг ҳолатига б) шартли рефлексни тўхтатиш, уйқуга в) иш фаолиятига II. Хайвонларга таъсири III. Предметларга таъсири: а) емиради б) сифатини ўзгартиради	Биология курсининг одам ва унинг саломатлиги бўлими Умумий биология бўлимлари Биология курсининг ҳайвонлар, умумий биология бўлимлари физика

IV. Шовқинга қарши кураш

1. Шовқиндан қутулиш йўллари:

а) техника тузилишини такомиллаштириш

2. Планлаштириш:

а) аҳоли яшайдиган жойларда

б) дам олиш жойларида

Турмушнинг маданий ҳолатига

3. Шовқинни камайтириш йўллари:

а) шовқинни техника йўли билан камайтириш

б) дарахтлар

в) тарбиявий мухит

Ўсимликлар, одам ва унинг саломатлиги, умумий биология бўлимлари, физика

география, биология ва барча предметлар

Физика, биологиянинг одам ва унинг саломатлиги, умумий биология бўлимлари

Биология курсининг ўсимликлар, ҳайвонлар, одам ва унинг саломатлиги бўлимлари ва барча предметлар

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, шовқин ва унга қарши кураш фанларнинг ўзаро боғланишига асосланган бўлиб, барча фан ўқитувчилари ҳамкорлигидаги экологик маданиятни ривожлантиришни амалга ошириш мумкин.

Ўқувчилар физика дарсларида шовқин ҳақида тушунча, уни ҳосил қилувчи манбалар, шовқиннинг киши организмига таъсири, уни нормаллаштириш, шовқин дозаси, турли мухитда тарқалиши (атмосферада, ер юзасида ва ўрмонларда), шовқиндан ҳимояланиш чоралари, уни ўлчаш ва анализ қилиш асбоблари, шовқинни ютувчи материаллар, машинадаги шовқинни камайтириш, вентиляция, шовқиннинг физик табиати, манбаларда аэродинамик шовқинни камайтириш, шовқин сусайтиргич ва бошқалар ҳақида билим оладилар.

Биология дарсларида эса шовқиннинг табиий жисмларга, ўсимлик, ҳайвон ва инсон организмига таъсири ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар. Сўнгра барча фан ўқитувчилари ҳамкорликда шовқиннинг заарли оқибатларига қарши кураш, шовқин кучини камайтириш тадбирлари ҳақида батафсил билим берадилар, яъни шовқинни камайтириш учун мамлакатимизда амалга оширилаётга ғадбирлар, масалан, шаҳарларда транспортнинг сигнал бериши ман қилинганлиги, янги кўчалар очиш, кўплаб дарахтлар ўтқазиш ва шу каби-

лар ҳақида, дарахтлар ҳавони чанг ва газлардан тозалашы, ёзда иссиқдан, қишида совуқдан сақлаш билан бирга турли шовқинни тутиш хусусиятига ҳам эга эканлиги ҳақида гапирилади.

Умүмий биология бўлимидан ўtkазиладиган экологияга оид амалий ишлар плани

Тартиб номери	Тема	Амалий иш мазмуни	Ишни ташкил қилиш формаси
1.	Эволюцион таълимот	Ирсият, яшаш учун кураш, ўзгарувчанлик, табиий танланиш эволюцияни ҳаракатлантирувчи кучлардир. Мазкур темаларга оид амалий ишларни ташкил қилиш. Табиат турларнинг хилма-хиллиги сабаблари темасини ўтишда ўрмон-дашт ёки ўтлоққа, сув ҳавзасига экскурсия ўтказиш.	Дарсдан ташқари
2.	Экология асослари	Табиий биогеоценозлар, улардаги мавсумий ўзаришларни кузатиш маҳаллий тур ва популяциялар мисолида табиий биогеоценозлар билан танишиш. Табиий биогеоценозлар билан муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш. Табиатда ўзини тўғри тутиш қоидаларини бажариш, табиий обьектларни асраш бўйича ўқувчиларни амалий фаолиятини ташкил қилиш.	Экскурсия
3.	Цитология асослари	a) Водород пероксидни каталаза ферменти таъсирида парчалаш. б) Тирик ўсимлик ҳужайрасидаги плазмолиз ва деплазмолиз ҳодисасини кузатиш. в) Кўк яшил сувўтлари ҳужайраларини микроскопда кўриш, ядро, ҳужайраларнинг тузилишини кузатиш. г) Элодея барги ҳужайрасидаги цитоплазманинг ҳаракатини кузатиш. Бундай амалий ишларни бажаришда ташкин муҳитдан ўзлаштириладиган моддалар ҳужайра ичидаги борадиган жараёнларга таъсир этиши ҳақида ҳам гапирилади.	Дарсда
4.	Генетика асослари	Мактаб тажриба участкасида ўсимлик ва ҳайвонлар ўзгарувчанлигига муҳит факторининг таъсирини ўрганивчи тажриба ўтказиш ва кузатиш натижасини ёзib бориш.	

Биргина дарахтларнинг ўзи 20 децибелгача товушни пасайтиради. IV—VI синф ўқувчилари ўлкани ўрганиш мақсадида экспурсияларга чиққанларида серқатнов катта йўл ёқасидаги дарахтларнинг шовқин кўп бўлган томонга энгашиб қолғанини кўриб, бу факторнинг ўсимликларга таъсири ҳақидаги тушунчага эга бўладилар.

Ёмғир чувалчангининг тупроқ структурасига таъсири

Шиша аквариумни ернинг турли қатламларидан олинган тупроқ билан З қават қилиб тўлдиринг ва ичида бир нечта тирик ёмғир чувалчангини солинг. Уларнинг тупроқдаги фаолиятини кузатинг ва тупроқ структурасининг ўзгаришидаги ролини аниқланг.

Шиллиққуртларнинг ривожланишига ташки мухит шароитининг таъсири

I. Ҳароратнинг таъсири.—

Учта гул тувакка нам тупроқ солиб, унинг устига карам баргларидан солинг. Кейин уларга яъни учала тувакдаги тупроққа шиллиқ қуртлардан бир нечтаси-ви жойланг. Биринчи гултувакни хона ҳароратида, иккинчисини 30° — 40°C ли жойда, учинчисини эса 7°C ли жойда сақланг. Шунингдек, 14° — 18°C , 30° — 40°C ва 6° — 7°C да сақланган шиллиққуртларнинг ривожланишини кузатинг.

II. Намликнинг таъсири.

Учта гултувак олиб, бирига ҳўл тупроқ, иккинчисига нам тупроқ ва учинчисига намлиги иккинчи тувакчадаги тупроқнидан камроқ бўлган тупроқ солиб, учала тувакчага озгинадан янги карам баргларидан солинг. Сўнгра бу З та тувакчаларга шиллиққурт жойлаб, уларнинг ҳаракати ва ривожланишини кузатинг.

III. Шиллиққуртлар ҳолатига ёруғликнинг таъсири.

Юмшатилган тупроқ солинган З та тувакчага буғдой донидан ташлаб, уларга шиллиққуртларни жойланг. Шу тувакчалардан бирини доимо қоронғи жойда, иккинчисини фақат ёруғ жойда, учинчисини табий шароитда сақланг. Шиллиққуртларнинг ҳолатини кузатинг.

Үсімлік ва ҳайвонлардаги ўзгарувланникка ташқи мұхиттінг таъсири (ирсият ва ўзгарувланник)

1. Бир хил шароитда ўсган, бир турға мансуб иккита дараҳттінг барғи, пояси ва бошқа органлари тузилишидаги (масалан, қалин дараҳтзордаги) ва худди шу турға мансуб бошқа шароитда ўсган иккита дараҳттінг (масалан, ўрмөн четидаги) индивидуал фарқи аниқланғ. Бу фарқ сабабини түщунтириң. Бир турға мансуб ва турли шароитда ўсган үсімліклардан гербарий тайёрланғ. Бунда уларнинг тузилишидаги фарққа ақамият беринг.

2. Қоқиёт илдизинің узунасига 2 га бўлиб, 2 хил жойга экилса, генотипи бир хил бўлса ҳам бир-биридан фарқ қилувчи үсімліклар ривожланади. Мана шуни ўзингиз бажариб кўринг.

3. Рангидан бир-бирига ўхшаш иккита қурбақани бир соат давомида қоронғи жойда сақланғ. Бир соатдан сўнг, уларнинг рангига ақамият беринг. Кейин қурбақаларнинг бирини банкага солиб ёруғ жойда лампа остида сақланғ, ҳайвон рангининг ўзгаришига ақамият беринг.

Яшаш учун кураш, табиий танланиш темалари бўйича топшириқлар

1. Уруғларни экиш зичлигининг уларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқланг.

Бунинг учун битта яшикка сабзавотлардан бириннің уруғини (масалан, сабзи, редиска, лавлаги ёки бошқа сабзавот экинларидан бирини) зич ҳолда, иккинчи яшикка эса сийрак қилиб экинг. Нормал ва зич ҳолда экилган уруғлардан чиққан кўчатларни таққосланг. Бу үсімлікларнинг ривожланиш фазаларини кузатиш бўйича кундалик тутинг. Улар уруғи ва илдиз-мевасининг вазнини таққосланг.

2. Ўқув ва тажриба участкасида ўсуви маданий ва бегона ўтларнинг ривожланишини кузатинг.

Бунинг учун бегона ўтларнинг маданий үсімліклар билан бирга мослашган ҳолда ўсишига ақамият беринг. Маданий үсімлікларнинг ниш уриб чиқиши ва бегона ўтларнинг кўкариб чиқиш вақтига ақамият беринг. Маданий үсімліклар ва бегона ўтлар майсасининг ташқи тузилишини таққосланг, иккаласининг ўсиш тезли-

гини күзатынг. Үзингиз яшайдыган жойнинг ифлосланған участкаларини аниқлаб, уни тозалаш чораларини күринг.

Шовқининг сичқон организмига таъсирини аниқлаш

Шиша қалпоқча ичига 1—2 та сичқон жойлаб, унгатурли дозадаги (децибелдаги) музика товуши билан таъсир этинг. Шовқин дозасини кучайтириш билан үннинг сичқонлар хулқ-авторидаги ўзгаришларни:

а) нерв системасига; б) бутун организмнинг ҳолатига; в) шартлы рефлексларига; г) уйқусига таъсирини күзатынг.

Ғұзанинг ривожланишига ҳарораттннг таъсирини күзатиш

Бақор ойда мактаб тажриба участкасига ғұзанинг икки нави — Ф-109 ва ингичка толали 6030 навидан әкинг. Уларни бир хилда озиқлантириңг өзінде бир вақтда бир хил миқдорда сүфоринг. Бир вақтда әкилған ушбу ғұза навларининг қайси бири түлиқ пишиб етилганини аниқланғ өзінде күзатынг.

Яшаш учун кураш

Бу тема ўтилғач, табиатда яшаш учун курашни күзатыш мүмкін. Агар мактаб атрофида Дарвин майдон-часи бўлса, бу ерда бир неча йиллар давомида доминантлик қилувчи тур ўсимликлар бир турга мансуб ўсимликларнинг бошқа тур ўсимликлар томонидан сиқиб чиқарилиши ва доминантликни эгаллаш каби ўзгаришларни күзатиш мүмкін.

Сувараклардаги яшаш учун курашни күзатиш

Бу тажрибани амалга ошириш учун бир нечта суваракни шиша қалпоқча ичига жойлаб, улар бир нечта сутка давомида оч қолдирилади ва ҳолати күзатилади. Сўнгра бир бўлак озиқ ташлаб, яна күзатилади.

Белгиларнинг ўзгаришига ташқи омилларнинг таъсирини аниқлаш

Картошканы кўзчалари сонига қараб бўлақларга бўлинг. Бўлакларнинг бир қисмини иссиқлик, намлиқ,

Ёруғлик ва тупроқ унумдорлиги бир хил бўлган жойга экинг ва уларни парвариш қилинг. Бўлакларнинг қолган қисмини эса иссиқлик, намлик, ёруғлик ва тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлган ерга экинг ва уларни парвариш қилинг. Бу ўсиб чиқсан картошка ўсимликларининг ташқи кўриниши ва ривожланишига эътибор беринг. Кузатиш натижаларини биологиядан амалий ишлар учун тутилган дафтариңизга ёзиб қўйинг.

Шундай қилиб, экологик материаллардан фойдаланиш фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эга, чунки бунда ўқувчилар биосферада рўй берадиган барча ўзгаришларни, табиий компонентларнинг яхлитлигини билиб оладилар, улар тажриба ва кузатишлар орқали атроф-муҳитни асрар, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбияланадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дарсда, дарсдан ташқари ўтказиладиган машғулотларда ўқувчиларнинг табиатни эъзозлаш, унинг бойликларини сақлаш, кўпайтириш соҳасидаги билимини янада бойитиш, яъни экологик таълим-тарбияни ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг меҳнат ва эстетик тарбиясини шакллантириш мүмкин.

Табиатнинг сир-асорини муқаммал билиш, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш, уни ҳимоя қилиш бўйича дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг актив амалий фаoliyatinini ташкил қилиш экологик таълим-тарбияни ривожлантириш йўлларидан бири бўлиб, бунда ўқувчилар турли тажрибанй бажарадилар, ўсимликларни экиш, парвариш қилиш, ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий фойдали меҳнат қиласидилар, тирик табиат билан бевосита алоқада бўладилар. Бу ишлар ўқувчиларни табиатни севишга; табиат бойликларига тўғри муносабатда бўлишга, жамият учун фойдали меҳнат малакасини ҳосил қилишга, амалий ишларга кўникма ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу билац бирга, экологиядан олиб бориладиган кузатиш ва тажрибалар ўқувчиларнинг биологияга бўлган қизиқиши ривожланишига, дарсдан олган билимларини қўшимча маълумотлар билан тўлдириш ва чуқурлаштиришга олиб келади, келтусида тўғри ва онгли караб танлаш учун замин бўлади.

Методик тавсиялар

Хозирги куннинг актуал мувофиқдан бири жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати масаласи бўлиб, у жуда катта социал аҳамиятга эга. Педагогик жараёнда бу ўзаро муносабатни мақсадга мувофиқ очиб бериш экологик таълимнинг моҳиятини ташкил этади.

Илмий текшириш ва кузатиш натижаларини ҳисобга олиб, экологик таълим-тарбиянинг амалий йўналишларини ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қўйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

1. Экологик таълимнинг назарий ва амалий боғлиқлиги ҳақидаги билимни чуқур эгаллаган, табиатдан оқилона фойдаланиш маданиятига эга бўлган, табиатнинг социал-иқтисодий аҳамиятини тушуна биладиган, унга нисбатан онгли муносабатда бўладиган, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш.

2. Экологик таълим-тарбия вазифаларини сиёсий, ахлоқий эстетик, меҳнат тарбиясига комплекс система асосида ёндошган ҳолда ҳал этиш:

а) инсоннинг табиатга муносабатининг социал-синфий моҳиятини очиб беришга эътиборни кучайтириш, чунки у сиёсий тарбиянинг асоси бўлиб ҳисобланади.

3. Инсоннинг биосферада тутган ўрнини кентроқ кўрсатиш:

а) инсоннинг энергия оқимидағи ва моддалар алмашинувидаги, озиқ-овқат занжиридаги тутган ўрнини кўрсатиш, ундан экологик хулоса чиқариш.

4. Экологик таълимни амалга ошириш мақсадида ҳозирги замон экологиясининг умумийлигига асосланиш:

а) жамият билан табиатнинг ўзаро боғлиқлигини ва муҳитни ўзгартиришдаги аҳамиятини фанларнинг айrim соҳалари орқали амалга ошириш.

5. Политехник ва экологик таълимнинг ўзаро боғлиқлигини чуқурлаштириш. Табиий муҳитни ифлосланышдан ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни асраш, ўқувчиларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

6. Экологик таълим-тарбияни амалга оширишда предметлараро боғланишни чуқурлаштириш:

а) экологик билим, кўникма ва малака системасини барча фанлар орқали амалга ошириш (дарсда, факультатив машғулотларда, тўгаракларда, экскурсияларда ва бошқаларда).

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биология курсининг ўсимликлар бўлимини ўқитиша ўқувчиларнинг экологияга доир билимини ривожлантириш	22
Биология курсининг ўсимликлар бўлимидан ўтказиладиган экологияга доир амалий ишларниң мазмуни, шакли ва усуслари	27
Биология курсининг ўсимликлар бўлими дарсларида предметларро боғланиш (ўсимликлар бўлими ва физика) асосида ўқувчиларда экологик билимини шакллантириш	39
Биология курсининг ўсимликлар бўлимида ўтказиладиган экологияга оид дарсдан ташқари амалий ишларниң мазмуни	43
Биология курсининг умумий биология бўлимини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг экологик билимини ривожлантириш	69
Биология курсининг умумий биология бўлимини ўқитиша предметларро боғланиш (умумий биология ва физика) асосида ўқувчиларнинг экологияга доир билимини шакллантириш	102
Методик тавсиялар	

На узбекском языке

МАДИНА ГАНИЕВНА НИШАНБАЕВА
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ
НА УРОКАХ БИОЛОГИИ

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

Мұхаррір Н. Инолтова
Бадий мұхаррір И. Е. Митирев
Тех. мұхаррір Э. Вильданова
Мұсақхұқ М. Махсұдова

ИБ 5864

Теришга берилди 04.12.91. Босишига рұхсат этилди 05.04.92. Формати 84×108^{1/2}. Көгли 10, шпонсиз. Литературная гарнитура. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. д. 5,46. Шартли кр-отт. 5,67. Нашарл. 5,35. Тиражи 3000. Зак. 23.

«Ўқитувчи» нашиёти. Тошкент, Навоий күчаси, 30, Шартнома 19-31-01.
Узбекистон Матбуот давлат комитетининг Янгиюл ижара китоб фабрикаси. Янгиюл ш., Самарқанд күчаси, 44. 1992.

Янгиюльская арендная книжная фабрика Госкомпечати Республики Узбекистан. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

92

•ҮКИТУВЧИ•